Герберт Уэллс

ДОКТОР МОРО ОРОЛИ

Герберт Уэллс

ДОКТОР МОРО ОРОЛИ

РОМАН

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2011

УДК: 821.512.133
ББК 84 (4 Вел)
У 97

Инглиз тилидан Тилаволди ЖЎРАЕВ таржимаси

Герберт Уэллс

У 97 Доктор Моро ороли: [роман]/Герберт Уэлс; инглиз тилидан Т. Жўраев тарж. –Т.: O'zbekiston, 2011. – 168 б.

Машҳур инглиз фантаст ёзувчиси Герберт Уэллс номи китобхонларга яхши таниш. Унинг «Вақт машинаси», «Кўринмас одам» номли романлари жаҳон адабиёти дурдоналари қаторида туради. «Доктор Моро ороли» адибнинг учинчи машҳур асаридир. Мазкур асарда табиат қонунларига қарши бориб, инсонни ҳайвон билан қўшиш ва шу асно янги бир махлуқ яратишга аҳд этган ёвуз олимнинг фожиаси бутун даҳшати билан ўз ифодасини топган.

УДК: 821.512.133
ББК 84 (4 Вел)

ISBN 978-9943-01-657-6

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

Alisher Navoiy nomidagi kutubxonasi

I б о б

«ЛЕДИ ВЕЙН» КЕМАСИНИНГ ҚАЙИҒИДА

Мен «Леди вейн» кемасининг ҳалокати тўғрисида матбуотда айтилган гапларга ҳеч қандай қўшимча киритмоқчи эмасман. Маълумки, у Каляодан йўлга чиққанининг ўнинчи кунида бир кема қолдиғига урилиб, чўкиб кетган. Кеманинг етти нафар денгизчиси жон сақлаган баркасни ўн саккиз кун деганда «Х.М.Мертл» ҳарбий кемаси қутқарган. Уларнинг қай тахлит омон қолганликлари ҳақидаги тафсилотлар теграсида шунақанги шов-шув кўтарилдики, даҳшат бобида у «Медуза» воқеасидан сира қолишмасди. Бироқ мен «Леди вейн» тафсилотига бошқа, янада даҳшатлироқ, ақлни шоширувчи бир воқеани қўшимча қилмоқчиман. Ҳалиҳануз одамлар ўртасида ўшанда яна бир қайиқда тўрт киши қутулиб қолган эди, улар ҳалок бўлишган, деган гап-сўзлар юради. Лекин бу нотўғри. Бунинг исботи учун етарли далилларим бор, зеро, ўша тўрт кишининг бири — ўзим.

Аввало, шуни таъкидламоқ жоизки, қайиқда тўрт эмас, уч киши бўлган — «капитан кемадан сакраганини кўрган» («Дейли Ньюс», 17 март 1887 йил) Констанс бахтга қаршими ё бахтимизгами, қайиққача етиб келолмади. Синиқ бушприт остида қалашиб ётган чигал арқонлар орасидан чиқиб, сувга калла ташлаган пайт оёғи чилвирга ўралиб, бир зум ҳавода муаллақ осилиб турди-да, сўнг сув юзасида қалқиб юрган ғўлага боши билан гурсиллаб урилди. Биз у томон ошиқдик, бироқ қайтиб у сув юзасида кўринмади.

Унинг қайиққача етиб келолмагани нафақат бизнинг, балки ўзининг ҳам бахти экан. Ичгани сувимиз оз, егани эса сувга бўккан камгина қотган нондан бошқа ҳеч вақо йўқ – фалокат ҳеч кутилмаганда рўй берган, кема бунга сира тайёр эмас эди. Биз баркасдаги шерикларимизда озиқ-овқат мўл деб, хаёл қилиб (аслида уларда ҳам танқис бўлган-ов), орқаларидан роса ҳайҳайладик, аммо овозимизни ҳеч зоғ эшитмади, эрталабга бориб эса улардан умуман ном-нишон кўрмадик. Қайиқ бетўхтов чайқалиб турганидан туриб, у ёқ-бу ёққа қараш имкони ҳам йўқ эди. Пўртана тинимсиз қайиқни ўз комига тортар, биз зўр бериб унга чап беришга тиришардик. Мен билан қутулиб қолганлардан бирининг исми Хелмар бўлиб, у ҳам худди камина қатори йўловчи, иккинчи ҳамроҳим эса (исмини билмайман) хиёл дудуқланиб гапирадиган паст бўйли, бақувват денгизчи эди.

Саккиз кун денгизда оч-наҳор тентирадик, ичимлик сув тугади, ташналик азоби ҳеч чидаб бўлмас даражага етди. Фалокат юз берганидан икки кун кейин денгиз секин-аста тинчланди, сув юзи ойнадай тиниқ бўлиб қолди. Бу саккиз кун даҳшатини фақат бошидан кечирган кишигина англашга қодир! Бошдан кечирмаган бўлса, ундан бахтлироқ одам йўқ. Иккинчи кундан эътиборан биз деярли гаплашганимиз йўқ, барчамиз қимир этмай, олисга термулиб ёки олазарак кўзларимиз билан даҳшат ва заифлик бир-биримизни қай тахлит енгиб бораётганини кузатганча ётардик. Қуёш аёвсиз қиздирарди. Тўртинчи кунга келиб сув тугади, мияни даҳшатли фикрлар чулғай бошлади, бу кўзларимиздан аён эди; адашмасам, олтинчи куни Хелмар барчанинг дилидаги гапни айтди. Эсимда, биз шу қадар беҳол, овозларимиз чунонам заиф эдики, бир-биримизга энгашиб, баъзўр пичирлашардик. Мен Хелмарнинг таклифига бутун вужудим билан қарши турдим, зеро, бундай қилгандан кўра, қайиқ тубини тешиб, барчамиз акулаларга ем бўлганимиз аълороқ эди, бироқ Хелмар шундай

қилсак, чанқоқ азобидан қутуламиз, деб айтдики, бу гап денгизчига ҳам маъқул тушди.

Ўла қолсам ҳам қуръа ташлашга кўнмас эдим, бироқ тунда Хелмар денгизчи икков нималарнидир пичирлаша бошлашди, мен эсам, барибир улар билан олишишга қурбим етмаслигини билсам-да, қўлимда пичоқни маҳкам сиқимлаганча қайиқ тумшуғида ўтирардим. Эрталабга яқин Хелмарнинг таклифига кўнишга мажбур бўлдим, энди қисматимизни аниқлашни ярим пенсли тангага ҳавола этдик.

Қуръа денгизчига тушди, бироқ у биздан бақувват бўлгани боис норозиланиб, Хелмарга ташланди. Улар ёқа бўғишиб, ўринларидан туриб кетдилар. Мен ётган кўйим Хелмарга ёрдам бериш мақсадида улар томон эмакладим, энди денгизчининг оёғидан тутмоқчи эдим, қайиқ илкис чайқалди-ю, денгизчи қоқиниб, иккиси ҳам сувга ағанади. Улар баайни тош чўккандек денгиз қаърига сингиб кетдилар. Бирдан кулиб юборганим ёдимда, билмадим, қаердан келди экан кулги ўша пайт.

Қайиқнинг қайси ўриндиғида қанча вақт ғужанак тушиб ётганимни билмайман, хаёлимда: «Агар туролсам, тезроқ ақлдан озиб ўлиш учун денгизнинг шўр сувидан тўйиб-тўйиб симирардим», деган фикр чарх урарди. Бир пайт олис-олисда, уфқ этагида кема кўринди, мен эсам худди оддий суратни кўраётгандек бефарқ ётавердим. Рост, ўшанда хаёлим ўзимда эмасди, бироқ ҳозир ҳаммасини аниқ-тиниқ эслайман. Бошимнинг тўлқинга мос маромда чайқалиши, уфқ этагида кўринган кеманинг дам кўтарилиб, дам пастлаб ўйноқлаши ҳамон ёдимда. Сира эсимдан чиқмайди, гўё жоним узилиб боряпти-ю, надомат билан ўйлаяпман: «Бунча имилламаса бу кема, кечикиб, фақат жасадим устидан чиқишса-я... тақдирнинг бундан аччиқроқ ҳазили бўлармикан?..»

Қайиқ ўриндиғига бош қўйиб, қаршимда ўйноқлаётган кемага кўз тикканча жуда узоқ ётдим. У мўъжазгина елканли кема бўлиб, шамолга қарши сузаётгани

боис тинимсиз биланглар, тўлқиндан тўлқинга урилар эди. Қарангки, бирор йўл билан кемадагилар эътиборини ўзимга жалб этиш ўша пайт хаёлимга ҳам келмабди, фақат унинг яқинлашиб қолган тумшуғини илғаганим эсимда, сўнг ўзимни чоғроққина бўлмада кўрдим, бўлак ҳеч нарсани эслаёлмайман. Фақат мени зинадан кемага кўтариб олиб чиқишаётган пайт сепкилюз, қизғиш сочлари ўсиқ баҳайбат бир кимсанинг энгашиб, менга қараб тургани элас-элас ёдимда. Шундан сўнг хаёлимни аллақандай қорамтир чеҳраю яқиндан тикилиб турган ғалати кўзлар узуқ-юлуқ банд этдики, уларга қайта рўпара келмасам, босинқи туш деб гумон қилган бўлардим. Охири тишларим орасидан аллақандай суюқлик қуйишганини биламан. Бори — шу, бошқа ҳеч нарса эсимда йўқ.

II б о б

МАНЗИЛИ НОТАЙИН ОДАМ

Мен ётган каюта тор ва ниҳоятда ифлос эди. Тепамда ўрта ёшлардаги малласоч, оч сарғиш дағал мўйловли, пастки лаби осилган киши қўлимдан ушлаб ўтирарди. Биз бир зум бир-биримизга жимгина тикилиб турдик. Унинг оч кўкимтир кўзлари совуқ, маъносиз эди.

Пича ўтгач, юқоридан аввал баайни оғир темир каравотнинг сурилишига, сўнг эса қандайдир йирик ҳайвоннинг бўғиқ ўкиригига монанд овозлар келди. Шу баробар ёнимда ўтирган киши ҳам тилга кирди.

Афтидан, у саволини такрорлади:

— Хўш, тузукмисиз энди?

Адашмасам, тузукман, деб айтдим-ов. Сўнг бу ерга қандай тушиб қолганимни сўрадим. Чамаси, у бу саволни юзимдан пайқади, чунки овозим ўзимга ҳам эшитилмаётган эди.

— Сизни ўлар ҳолатда қайиқдан топдик, — деди у. — Қайиққа «Леди Вейн» деб ёзилган экан. Ҳаммаёғи қон...

Шу пайт бирдан кўзим қўлимга тушди, у шу қадар озғин, ингичка эдики, худди суяк тўлдирилган ичакни эслатарди. Шуни кўрдим-у, қайиқда юз берган барча воқеалар кўз ўнгимда қайта жонланди.

— Мана бундан ичинг, — дея ҳамсуҳбатим менга қандайдир қизил, муздек ичимлик тутди.

Ундан қон таъми келарди. Ичиб, пича ўзимга келган бўлдим.

— Худо деган одам экансиз, — деди у, — доктори бор кемага тўғри келганингизни қаранг.

Унинг тили бир оз чучук, гапларини уқиш қийин эди.

— Бу қанақа кема? — деб сўрадим мен оҳиста, узоқ гапирмаганимдан овозим хириллаб чиқди.

— Кичкинагина савдо кемаси, Арикадан Каляога кетяпти. Асли қаердан билмайман. Анави туғма тентаклар юртидан бўлса, ажаб эмас. Мен ҳам бир йўловчиман, Арикадан келяпман. Кема соҳибини ғирт эшак дейсиз, исми Девис, капитан ҳам ўзи, ҳужжатимни йўқотганман дейдими-ей, тушуниб бўлмайди. Тентак бўлмаса, кемани ном қуригандек «Ипекакуана» деб номлармиди. Бироқ денгиз сокин пайти сузиши ёмон эмас.

Юқоридан яна ҳайвон ўкириги ва одам товуши эшитилди.

— Жин ургур! — дея сўкинди кимдир ва яна сукунат чўкди.

— Нариги дунёга жўнашингизга бир баҳя қолган экан, — деди ҳамсуҳбатим. — Ҳа, шундай. Сал олдинроқ укол қилдим. Қўлингизда оғриқ сезаётгандирсиз? Ўшандан. Салкам ўттиз соат беҳуш ётдингиз.

Фикрлашим ниҳоятда суст эди. Тепа томондан итларнинг ҳуриши хаёлимни бузди.

— Бирор нарса есам дегандим, кўнглим озгандек бўляпти, — дедим мен.

— Менга раҳмат денг, — деди ҳамроҳим. — Худди билгандек сизга қўй гўштидан шўрва буюриб қўйибман, ҳозир пишади.

— Раҳмат, — дедим руҳланиб. — Бажонидил бир қошиқ ичаман.

— Ҳа, дарвоқе, — деди у бир дақиқалик иккиланишдан сўнг, — синчковлигимни маъзур тутасиз, айтинг-чи, қандай қилиб қайиқда якка қолдингиз, жуда қизиқ-ку.

Унинг кўзларида шубҳа учқуни йилтиллагандек бўлди.

— Ҳу, овозинг ўчгур! — Ҳамроҳ докторим шартта ўрнидан туриб, бўлмадан отилиб чиқиб кетди, зум ўтмай кимгадир жаҳл билан ўшқиргани эшитилди, унга жавоб қилган одамнинг тили менга тушунарсиз эди. Сўнг нимадир гупиллади, ҳатто ёқалашгандек бўлишдими-ей, билмадим — қулоқларимга ишонадиган аҳволда эмас эдим ҳали. Охири тинимсиз ҳураётган итларга пўписа қилиб, бўлмага қайтди ва остона ҳатларкан деди:

— Дарвоқе, бошингиздан кечирган воқеаларни гапириб бермоқчи эдингиз.

Мен Эдуард Прендик деб ўзимни таништирдим, ўзимга тўқ одам эканим, табиият илмига қизиқишим ҳақида сўзладим. Афтидан, унда қизиқиш уйғонди.

— Бир пайтлар камина ҳам дорилфунунда биология билан шуғулланганман, чувалчанглар, шиллиққуртлар умуртқаси, хуллас, шу сингари бало-баттарларни тадқиқ қилганман; мана, шунга ҳам бирпасда ўн йил бўпти! Хўш, сиз гапиринг, гапираверинг, қайиқда нима воқеа юз берди?

Лўндагина қилиб бўлган гапни айтиб бердим, хийла заифлигим боис чўзиб ўтирмадим, бор гапни қисқача тушунтирдим. Самимий ҳикоям ёқди шекилли, гапимни тугатгач, у яна табиият илмига, ўзининг биология соҳасидаги тадқиқотларига қайтди, Тоттенхем Кортроуд ва Гауерстритга таалуқли гапларни бир бошдан суриштира кетди.

— Каплатзининг ҳануз обрўси жойидадир? — деди у. — Қандай ажойиб дорилфунун эди-я!

У талабалигида жуда шўх бўлганга ўхшар, гапининг

мавзуси томошахоналарга тақалмоқда эди. Ўшанда бошидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеалардан сўзлай кетди:

— Қаранг-а, шунга ҳам ўн йил бўпти. Қандай ажойиб давр эди-я! Ёш, навқирон, лекин ниҳоятда гўл эканман, ўйнаб-кулишга-ку роса ўйнаб-кулдим, армоним йўқ, бироқ йигирма бирга кирмасдан инқиллаб қолдим. Мана, энди ҳаммаси бошқача. Майли, роса гаплашдик, мен энди бориб ошпаздан хабар олай, у эшак, шўрвани нима қилди экан.

Туйқус юқоридан шунақанги даҳшатли ўкирик эшитилдики, мен қўрққанимдан жойимда бир сакраб тушдим.

— Нима бало бу? — дедим суҳбатдошим ортидан, бироқ эшик ёпилиб бўлган эди.

Бир оздан сўнг у шўрва кўтариб қайтиб келди, гўшт ҳиди шу қадар иштаҳамни қўзғадики, даҳшатли ўкирик ҳам ёдимдан учди-кетди.

Ичимга овқат кириб, тўйиб ухлаганим учунми бир кундаёқ менга жон кириб, бемалол ўрнимдан турадиган ва юриб дераза олдига борадиган бўлдим. Дераздан денгизга, унинг биз билан беллашишини бас қилган мовий тўлқинларига боқардим. Чамаси, кема шамол билан бир йўналишда кетиб борарди. Дераза олдида турарканман, Монтгомери — малласоч суҳбатдошимнинг исми шундай экан — кириб келди, мен ундан эгнимга уст-бош сўрадим. У менга ўзининг бўздан тикилган қўпол кийимларидан айримларини берди, гапига қараганда, менинг уст-бошимни ташлаб юборишибди. Монтгомери новча, яғриндор одам эди, унинг кийими эгнимда қопдай шалвираб қолди.

Гап орасида капитан ўлгудек мастлигини, бўлмасида ҳушсиз ётганини қистириб ўтди. Кийинаётиб, кеманинг борар манзили хусусида қизиққанимда кема Гаваяга кетяпти, йўлда тушиб қолишим керак, деди.

— Қаерда? — деб сўрадим мен.

— Бир оролда... Мен ўша ерда яшайман. Билишимча, оролнинг номи йўқ, шунчаки номсиз орол.

Шундай деркан, унинг пастки лаби янада осилиб

кетди, афти эса шу қадар тундлашдики, беихтиёр саволларим унга ёқмаяпти, деган фикрга келдим.

— Мана, мен тайёр, — дедим.

У мени ташқари бошлади.

III б о б

АНТИҚА ҚИЁФА

Бўлмадан чиқаверишда йўлни тўсиб бир киши турарди. У зинага бир оёғини қўйиб, бизга орқа ўгирган кўйи ҳадеб люкдан ташқарига тикиларди. Бўйи паст, яғриндор, қўпол, гўштдор бўйнини жун қоплаган, калласи икки елкасига чуқур ботган эди. Эгнида тим кўк астарбоп матодан тикилган камзул, қора дағал сочлари ўсиб, пахмайиб кетган. Юқоридан ириллаш эшитилар, лекин итлар кўринмасди. Йўлакдаги киши туйқус қаддини ростлаб, орқага чекинди. Урилиб кетмасин учун кафтим билан ўзимни ҳимояларканман, у ҳайвонларга хос шиддат билан шартта мен томон ўгирилди.

Ёпирай, унинг қора қурум башарасини кўриб, кайфим учиб кетди. У ниҳоят даражада бадбуруш эди. Ҳайвон тумшуғини эслатувчи жағи олдинга туртиб чиққан, ўрадай ним очиқ оғзидаги оқиш тишлари шу қадар йирик эдики, умрим бино бўлиб, одам зотида бундай тишни кўрмагандим. Кўзининг оқини қон қоплаган, фақат қорачиғи теграсидагина ингичка оқ доира қолган, холос. Қиёфасида ҳам ғалати ҳадик зоҳир.

— Ҳаҳ, падарлаънат! — деди Монтгомери. — Қани, қоч йўлдан!

Бадбашара кимса индамай ўзини четга олди. Зинадан кўтарилаётиб ҳам сира ундан кўзимни узолмадим. Монтгомери бир зум у билан ушланиб қолди.

— Ўзинг биласан, бу ерда сенга пишириб қўйгани йўқ, — деди у кейин анча юмшаб. — Сенинг жойинг ҳўв тумшуқ томонда.

Бадбашара бошини қуйи солганча, ғужанак бўлиб олди.

— Улар... мени сиғдиришмаяпти, — деди дўриллаган ғалати овозда.

— Сиғдиришмаяпти? — деди Монтгомери таҳдиднамо. — Сенга мен айтяпман, қани, жўна-чи бу ердан.

У яна нимадир демоқчи эди, бироқ менга кўзи тушиб ортимдан юрди. Ярим йўлда тўхтаб, яна ортга қарадим, бу қадар беўхшовлик ҳайратга соларди. Шунча яшаб бунчалик бадбуруш қиёфани кўрмаганман, аммо (ёпирай, шунақаси ҳам бўларкан-да?!) назаримда, қачонлардир худди шу, мени ҳозир лол қолдирган афтангорни қаердадир кўргандек эдим. Кейинроқ миямга келди: балки мени қайиқдан чиқариб олаётганларида кўргандирман. Бироқ бу ҳам менга тасалли беролмади, гўё уни илгарироқ кўргандек эдим. Ахир, бундай ғаройиб нусхани қандоқ унутиб бўлади.

Хаёлимни орқамдан келаётган Монтгомерининг қадам товуши бузди, мен ўгирилиб, кема палубасини кўздан кечира бошладим. Пастда эшитган овозларим кўз олдимда ястанган манзарага мени деярли ҳозирлаб қўйган экан. Бунақа ифлос палубани умримда биринчи кўришим. Сабзи пўчоғи, ҳар хил барг ва кўкат қолдиқлари ҳамда таърифлашга тил ожиз турфа ахлатлар аралаш-қуралаш сочилиб ётибди. Ўртадаги грот мачтага важоҳатидан от ҳуркийдиган хунук тозн итлар боғланган. Мени кўрибоқ, жон-жаҳдлари билан занжирни узгудек ташланиб, ҳура бошладилар. Қуйруқ томондаги мачта ёнида тор темир қафасда ҳайбатли пума ётибди. Ўнг томонда, борт яқинида қуёнлар билан тўла бир нечта қафас турибди, уларнинг рўпарасига — тўр яшикка эса ёлғиз лама қамалган. Итларга чарм тумшуқбоғ кийгизилган экан. Палубада кемани бошқариб бораётган қотма денгизчидан бошқа одам уруғи йўқ.

Шамол кемани ямоқ-ясқоқ, кир-чир елканларини бор бўйи шиширган кўйи, денгиз бўйлаб бир маромда елдириб борарди. Осмон мусаффо, қуёш ғарб сари оғган, асов тўлқинлар кўпира-кўпира биз билан бирга чопади. Биз кема қуйруғига ўтдик ва анча вақт сув-

нинг кўпириб ўйноқлаши, пуфакларнинг шишиб ёрилишини томоша қилиб турдик. Сўнг ўгирилиб, кеманинг бошдан-оёқ ифлос ва тартибсиз палубасига ишора қилдим.

– Нима бу, денгиз ҳайвонотхонасими? – сўрадим Монтгомеридан.

– Шунга яқинроқ, – жавоб қилди у.

– Нега фақат ҳайвонлар? Сотгани олиб кетишяптими ёки камёб турларими? Капитан уларни жанубдаги бандаргоҳлардан бирортасида пуллаш ниятидадир-да?

– Бўлиши мумкин, – деди истамайгина Монтгомери ва кема қуйруғи томон бош бурди.

Шу пайт люк томондан қичқириқ ва кимнингдир бўралаб сўкингани эшитилди, кейин эса палубага бояги бадбашара кимса қочиб чиқди. Унинг кетидан бошига оқ фуражка қўндирган малласоч, бақувват кимса кўтарилди. Энди менга ҳураверіб чарчаган този итлар яна жазавага минишди, улар жон-жаҳдлари билан ташланишар, занжирни узмоқчи бўлишарди. Бадбуруш бир зум нима қиларини билмай, итлар қошида гангиди, кетидан етиб келган малласоч қулочкашлаб мушт солди. Шўрлик қушхонада миясига зарб еган сўқимдек қулаб, боши билан итларнинг оёғи остидаги ахлатга шўнғиди. Бахтига итларнинг тумшуғбоғи бор эди. Малласочнинг тантанавор қаҳқаҳаси янгради, у оёғида зўрға турар, ё ортидаги люкка, ёки олдинга, ҳозиргина ўзи қулатган қурбони устига ағдарилиши ҳеч гап эмасди.

Малласочнинг қилмишидан Монтгомерининг ғазаби қўзиди.

– Ҳой, сал ўпкангизни босинг! – деди у титраб.

Зумда кема тумшуғига одам йиғилди.

Бадбуруш бадбахт итларнинг оёғи тагида тинимсиз ўкирар ва типирчиларди. Ҳеч ким ёрдам беришни ўйламас, итлар уни тимдалаб, тумшуқлари билан уриб, баттар ўтакасини ёришарди. Пастдан чиқиб келган денгизчилар, баайни қизиқ ҳангомага гувоҳ бўлгандек,

қий-чувлашиб итларни олқишлашарди. Монтгомери дарғазаб қичқирди ва шахдам одимлар билан олға юрди. Мен кетидан эргашдим.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, бадбуруш оёқда турар, гандираклаганча даврадан нари кетиб борарди. У шу асно мачтани ушлаб турувчи йўғон арқонга яқинлашиб, беҳол суянди ва елкаси оша итларга ёвсираб қараганча ҳарсиллаб туриб қолди. Малла мириқиб хохоларди.

– Менга қаранг, капитан, – деди Монтгомери дудуғи янада ортиб ва шартта малласоч кишининг тирсагидан тутди. – Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ.

Мен Монтгомерининг орқасида турардим. Капитан хиёл бурилиб, унга маст, лоқайд кўзларини қадади.

– Нима? Ҳақ... ҳаққим йўқ? – дея у Монтгомеринг юзига бир дақиқа карахт қараб турди-да, яна қўшимча қилди: – Даф бўл кўзимдан ҳамманг!

Бир силтаб сепкилдор қўлларини бўшатди, уринаурина уларни чўнтакларига тиқди.

– Бу одам йўловчи, – деди Монтгомери. – Унга қўл кўтармаслигингизни маслаҳат берардим.

– Даф бўл деяпман! – ўшқирди капитан яна. Шундай деб, у кескин бурилган эди, гандираклаб ағанашига сал қолди. – Нимани хоҳласам, шуни қиламан, бу – менинг кемам.

Менимча, Монтгомери уни шу тобда тинч қўйгани маъқулроқ эди, ахир у маст. Бироқ Монтгомери бўздек оқарганча, унинг кетидан эргашиб, борт олдига келди.

– Менга қаранг, капитан, – деди бўш келмай, – хизматкоримга бундай «илтифот» кўрсатишга ҳаққингиз йўқ. Шўрлик кемага чиқибдики, унга тинчлик бермайсиз.

Кайфининг зўридан капитаннинг оғзига калима келмай тутилди.

– Даф бўлларинг! – деди, бўлак сўз тополмади.

Билганим – Монтгомери унча-мунчага бўш келадиган, ён бериб кетадиган одамлар тоифасидан эмас. Айни жанжал ҳам анча илгари газак олган кўринади.

– Бу одам маст, – дедим мен, аралашиш ортиқча эканини сезиб турсам ҳам, – унга тенг бўлиш...

Монтгомерининг осиқ лаби титраб кетди.

– Маст бўлмаган куни йўқ. Нима, маст бўлса, йўловчилар билан истаганча иш тутаверадими?

– Менинг кемамдек тоза кема йўқ эди, – деди капитан ва қўли билан қафаслар турган томонга ишора қилди. – Энди унга бир қаранг!

Дарҳақиқат, кема ўта даражада ифлос эди.

– Одамларим ҳам ниҳоятда покиза эди.

– Ахир, ҳайвонларни олишга ўзингиз рози бўлдингиз-ку, – деди Монтгомери.

– Ўша оролингизга минг лаънат! Нима бор экан оролда бунақанги ҳайвонларга? Анави қаролингиз-чи, унинг нимаси одам? Ўша лаънати тавияга бу ерда нима бор? Мабодо, кемани ҳам буткул ўзингизники деб ўйламаяпсизми?

– Ўша шўрлик тавия кемага чиқибдики, одамларингиз унга кун бермайди.

– Бунинг нимасига ҳайрон бўласиз, ахир у ғирт иблиснинг ўзгинаси-ку. Одамларимнинг уни кўрарга кўзлари йўқ. Ҳеч кимнинг тоқати йўқ. Ҳатто ўзингизнинг ҳам.

Монтгомери унга тескари ўгирилди.

– Барибир, уни тинч қўйишингиз керак, вассалом, – деди бошини силкитиб таъкидлаганча.

Капитан баттар тутоқди:

– Агар уни кеманинг шу томонида яна кўрсам, қорнини ёриб, ичак-чавоғини бошига салла қиламан, – дея ўшқирди. – Ҳой, сиз кимсиз ўзи, менга ақл ўргатадиган? Кеманинг капитани менман – капитан ҳам, хўжайин ҳам менман, тушундингизми? Бу ерда қонун менман, такрор айтаман, қонун ҳам, пайғамбар ҳам ўзим, ёлғиз ўзим. Рози бўлган бўлсам, йўловчи билан унинг малайини Арикага, бир неча ҳайвонлар билан бирга олиб бориб қўйишга рози бўлганман. Асло қандайдир худо урган иблисни эмас... қандайдир...

У Монтгомерини чангитиб сўкди. Монтгомери шаҳд билан у томон юрган эди, шартта йўлини тўсдим.

– Қўйинг, кайфи бор, – дедим.

Капитан аввалгидан ҳам баттар сўкинишга тушди.

– Бас қилинг! – дедим мен, у томон шартта ўгирилиб. Монтгомерининг тоқати тоқ бўлган юзидан кўриниб турарди. Аммо сўкишнинг тагида энди мен қолдим.

Капитаннинг кўзига ёмон кўриниб қолганимдан қатъи назар, муштлашув олдини олишга эришдим. Турли тоифа одамлар орасида кўп бўлганман, лекин ҳеч кимнинг оғзидан бу қадар қўпол, уятсиз ибораларни эшитмагандим. Аллоҳ мени қанчалар мўмин-қобил қилиб яратган бўлмасин, унинг айрим сўзларига базўр чидаб турардим-у, «Бас қилинг» дея капитаннинг юзига оёқ қўйиб, унга ҳеч ким эмаслигимни, шунчаки илтифот ёки инсоний раҳм-шафқат туфайли кемага олинган, бетайин ва текинтомоқ йўловчи эканлигимни мутлоқ унутиб қўйган эдим. Буни капитан менга лўндагина писанда қилди. Асосийси тўқнашувни бартараф этган эдим.

IV б о б

БОРТ ОЛДИДА

Ўша оқшом, қуёш ботар-ботмай ер кўринди ва кема лангар ташлади. Монтгомери менга манзилга етиб келганини маълум қилди. Ер хийла узоқдалиги боис ҳеч балони фарқлаб бўлмас, денгизнинг мовий юзаси ялтираб, оролни тўқ кўк рангда, кафтдек қилиб кўрсатиб турарди. Оролдан кўкка ингичка тутун ўрламоқда эди.

Ер кўзга ташланган пайт капитан палубада кўринмасди. У менга обдон заҳрини сочиб, пастга тушиб кетди, кейин билсам, бўлмасининг полида ухлаб қолган экан. Кемани унинг ёрдамчиси бошқарар, бу ўша – биз чамбарак олдида кўрган қотма, индамас киши

эди. Афтидан у ҳам Монтгомери билан чиқишмас, шу туфайлими, иккаламизга ҳам бирдек бефарқ эди. Уни гапга солишга ҳарчанд уринмай, ҳеч иш чиқмади, тушликни учовлон жим, хўмрайиб ўтказдик. Менга яна шу нарса қаттиқ ботдики, кемадагиларнинг барчаси негадир ҳамроҳим ва унинг ҳайвонларини хушламасди. Мен, Монтгомери ҳайвонларни олиб кетишдан кўзланган мақсадни сир тутса керак, деган хулоса чиқардим, жуда билгим келса ҳам сўроқламадим.

Осмонда юлдузлар чарақлар, биз эса ҳамон палуба ўртасидаги майдончада гап сотиб ўтирардик. Кеманинг сарғимтир нур таралаётган тумшуғи томондан келаётган ғала-ғовур ҳамда ҳайвонлар шарпасини ҳисобга олмаганда, тун сокин ва мусаффо. Пума қафас бурчагига тиқилиб, ғужанак бўлиб олган, бизга кўзлари ёниб, совуқ тикилмоқда. Итлар, афтидан, уйқуда. Монтгомери сигара чиқарди.

У хотиротлар оғушига қайтиб, юраги эзила-эзила мен билан Лондон ҳақида суҳбатлашди, ўтган вақт мобайнида юз берган ўзгаришлар хусусида сўраб-суриштирди. Унинг гап оҳангидан ўша пайтдаги ҳаёт тарзини ниҳоятда хуш кўргани, бироқ кутилмаганда ундан айро тушгани яққол сезилиб турарди. Мен батаври имкон суҳбатни қизитишга ҳаракат қилардим. Орқадан тушиб турган хира чироқ ёғдусида унинг озғин, рангпар юзига тикилганча гапларини эшитарканман, суҳбатдошим оддий одам эмаслигига тобора ишонч ҳосил қилиб борардим. Гап орасида у истиқомат қилувчи ғафлат пардаси оғушидаги оролчага оҳиста қараб қўярдим.

Бу одам поёнсиз кенглик бағрига фақат мени қутқариш учун танда қўйгандек туюларди. Эртага у кемани тарк этади ва биз бир-биримизни бошқа кўрмаймиз. У билан танишувимиз оддий-одатий тарзда кечган тақдирда ҳам барибир хотирамда қоларди. Ахир шундай ўқимишли одам бетайин бир оролда ёлғиз нима қилади, шунча ҳайвонни бу ерга келтиришдан мақсади нима? Беихтиёр капитаннинг саволини эсладим:

«Нима бор экан оролда бунақанги ҳайвонларга?». Қизиқ, нега ундан илк бор ҳайвонлар кимники, деб сўраганимда, улардан тонди? Кейин анави хизматкорининг афт-ангори, ўзини тутишида ҳам аллақандай ғайритабиийлик мавжуд. Шуларнинг бари бир бўлиб суҳбатдошимга сирли кўланка ташлар, хаёлимни танг қилиб, тилимни боғларди.

— Ростини айтсам... — дедим мен ва бир оз тўхтаб, давом этдим, — сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолдингиз.

— Тасодиф, — деди у, — оддий бир тасодиф.

— Лекин барибир миннатдорчилик билдиришга бурчлиман.

— Э, қўйсангиз-чи, арзимайди. Сиз ёрдамга муҳтож эдингиз, менда эса бунга имкон бор эди. Қилган ишим фақат сизга укол санчишу овқатлантириш бўлди, холос. Мабодо, бирорта кам, ноёб жонивор учраганда ҳам шундай иш тутган бўлардим. Барибир, зерикиб ҳам юрувдим, нима биландир овунишим керак эди. Агар ўша куни кайфиятим чатоқ бўлганда ёки афтингиз менга ёқмаганда, билмадим, ҳозир ҳолингиз нима кечарди.

Бу гап орага бир оз совуқлик солгандек бўлди.

— Ҳарҳолда... — дея гапга оғиз жуфтладим мен, бироқ у шартта кесди:

— Айтдим-ку, шунчаки тасодиф, деб. Инсон ҳаёти катта-кичик тасодифлардан иборат ўзи. Фақат эси пастларгина ишонишмайди бунга. Хўш, мен нега тараққий дунёдан узилиб, Лондон кайф-сафосидан бегона, бу ерларда санқиб юрибман? Шунинг учунки, бундан бир йил муқаддам, туманли бир оқшом ўн дақиқага ақлимни бой бериб қўйганман...

У жимиб қолди.

— Хўш, кейин-чи? — сўрадим мен.

— Бўлгани шу.

Иккимиз ҳам сукутга толдик. Пича ўтгач, у кутилмаганда кулиб юборди.

— Юлдузлар аксида тилни қичитадиган нимадир

12/67
3380

борми, дейман-а? Қип-қизил аҳмоқ бўлсам ҳам ёриламан энди сизга.

— Нима айтсангиз, иккимизнинг орамизда қолади.

У гап бошлаш ниятида оғиз жуфтлади-ю, кейин иккиланиб бош чайқади.

— Майли, айтгингиз келмаса, айтманг, — дедим мен. — Билишим унчалик шарт эмас. Сир сирлигича қолгани маъқул. Менга ишониб ёрилганингиз билан фақат озроқ енгил тортасиз, холос. Шайтон йўлдан оздириб, оғзимдан гуллаб қўйсам... Нима бўлади кейин?

У тараддудланиб, нималарнидир пичирлади. Шўрлик, гап очишга-очиб, энди ноқулай аҳволда қолган, нима деярини билмасди. Гапнинг пўсткалласи, бўлғуси докторни Лондонни тарк этишга мажбур қилган сабабларни билишга унчалик хушим ҳам йўқ эди. Буни хаёлан тасаввур қилиш аслида қийинчилик туғдирмасди. Мен оҳиста елкамни қисиб, нари ўгирилдим. Сал нарида аллақандай шарпа бортга суянган кўйи сувдаги юлдузлар аксига кўз тикиб турарди. Бу ўша, Монтгомерининг сўхтаси совуқ хизматкори эди. У, худди нигоҳимни сезгадек, менга елкаси оша қаради, сўнг тез бошини буриб, яна сувга термулди.

Балки бу сизга аҳамиятсиз туюлар-у, бироқ мен турган еримда донг қотиб қолдим. Яқин орадаги ягона ёруғлик манбаи чамбарак олдидаги чироқ эди. Сўхтаси совуқ қоронғилик бағрида туриб, мен томон бошини бурганда, юзини бир лаҳза чироқ ёритганига қарамай, унинг оч-яшил йилтиллоқ кўзларини аниқ кўрдим.

Буни қарангки, ўша вақт мен қизғиш шуъла одамзот кўзида баъзан акс этиши мумкинлигини билмас эканман. Қаршимда бутунлай ғайриоддий бир мавжудот турарди. Кўзлари ёниб турган бу бадбуруш нусха ўй-хаёлимни шу қадар чулғаб олдики, бир дақиқа олис болаликдан мерос ваҳимали хотиралар исканжасида қолдим. Ваҳима қандай тез босган бўлса, шундай тез тарқади. Қаршимда ўша шарпа ҳануз бортга суянган

кўйи сувдаги юлдузлар аксига кўз тикиб турар, энди у сира ғайриоддий туюлмасди. Монтгомери яна тилга кирди.

— Бўлмага тушсак бўлармиди, — деди у, — очиқ ҳавода шунча сайр қилганингиз етар.

Мен унга пойинтар-сойинтар нимадир дедим. Биз пастга тушдик, у мен билан бўлмам эшиги олдида хайрли тун тилаб хайрлашди.

Тун бўйи алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқдим. Хира заъфарон ой анча кеч пайдо бўлди. Унинг сирли заиф нурлари бўлмага хиёл қийшайиб тушиб, деворда каравотимнинг баҳайбат кўланкаси акс этди. Юқорида итлар уйғониб, ҳуриб ириллай бошлашди. Чўчиб-чўчиб ётиб, фақат тонготарда кўзим илинибди.

V б о б

ОРОЛГА ТУШИШ

Эрта тонгда — ўзимга келганимнинг иккинчи, кемага олинганлигимнинг, чамамда, тўртинчи куни — ўқ товушию одамлар талотўпини туш кўриб, алаҳсираб уйғондим, юқорида ҳадеб ҳирқираб томоқ йиртишарди. Кўзимни ишқалаб, овозга қулоқ тутганча ётарканман, қаердалигимни сира англай олмасдим. Туйқус юқоридан яланг оёқларнинг шалп-шулп юргани, зилдек буюмларнинг тарақ-туриғи ҳамда занжирларнинг шарақлаши эшитилди. Кема дабдурустдан бурилиб, сув қаттиқ шалоплади, бўлманинг кафтдек думалоқ дарчасига кўкиш-сарғимтир кўпикли тўлқин урилди. Апил-тапил кийиниб, юқорига чопдим.

Пиллапоялардан кўтариларканман, қирмизи осмон (қуёш энди чиқиб келмоқда эди) ва капитаннинг йўғон белию, малласоч бошини кўрдим. У қўлида кеманинг бош мачтасидан ошириб ташланган арқон билан пума қафасини аста сувга туширмоқда эди. Шўрлик жониворнинг кўзлари қўрқувдан ола-кула, тор қафас тагига маҳкам қапишиб олганди.

– Барини туширинглар, – дея ўшқирарди капитан, – биттасини ҳам қолдирмангалар! Бу иблислардан кемани тозалайман!

У шундоққина йўлим устида турарди, палубага чиқиш учун елкасига қоқишга мажбур бўлдим. У бехос чўчиб тушди, сўнг мен томон ўгирилди-да, ортга тисарилди. У ҳануз маст эди.

– Ҳа?! – дея ўшшайди у, сўнг сал ўзига келди чоғи: – Ҳа-а мистер... мистер... – дея чайнала бошлади.

– Прендик, – дедим мен.

– Қанақа Прендик?! – дея қичқирди у туйқус. – «Унингни Ўчир» – мана, сиз кимсиз. Мистер Унингни Ўчир.

Бу чўчқа билан тенг бўлиб, обрў топмаслигимни сездим. Бироқ унинг кейинги тутимини сира кутмаган эдим. У қўлини Монтгомери билан кенг елкали, сочлари қордек оппоқ, эгнига кўк, кир жужунча камзул кийган киши (афтидан, у ҳозиргина кемага кўтарилган эди) гаплашиб турган кўприкча томон узата-узата:

– Бир анавиларнинг ёнига жўнаб қолинг-чи, – дея қичқирди. – Қани, мистер Унингни Ўчир, бўла қолинг!

Бу даҳмазани эшитиб Монтгомери билан анави кимса биз томон ўгирилишди.

– Нима деганингиз бу? – дея анграйдим мен.

– Кемадан туёғингизни шиқиллатинг, мистер Унингни Ўчир, деганим. Қани, кемани бўшатинг-чи, чаққонроқ бўлинг, мистер Унингни Ўчир. Кема, шўринг қурғур кема бир ахлатдан тозалансин. Қани, чаққон-чаққон!

Мен унга меровсираб тикилиб турардим. Бироқ пича ўтиб, ўзимнинг ҳам майлим шу эканини англадим. Бунақанги уришқоқ, жиракки одамнинг кемасида йўловчи бўлиб кетгандан кетмаган маъқул. Мен Монтгомери томонга қарадим.

– Биз сизни олиб қололмаймиз, – деди Монтгомери билан турган одам қатъий.

— Олиб қололмайсиз? Нега? — дедим мен эсанкираб.

Унинг чеҳрасидек қатъиятли, қўрқув билмас чеҳрани биринчи кўришим эди.

— Менга қаранг, — дея мен капитан томон ўгирилдим.

— Бўшатинг кемани, — деб ўшқирди у яна. — Бу кема ҳайвонлар ёки ҳайвондан ҳам бешбаттар одамхўрларни ташишга мўлжалланмаган. Бўшатинг. Улар сизни олиб қолишадими, йўқми — билмайман, тўрт томонингиз қибла. Бу ерда ризқ-насибангиз тугаган. Анави дўстларингиз билан бирга қўшмозор бўлинг! Тупурдим бунақанги оролга, уни қайтиб энди елкамнинг чуқури кўрсин!

— Менга қаранг, Монтгомери... — дедим мен.

У пастки лабини буриб, ёнидаги оқ сочли кишига ишора қилди, бу унинг ёрдам беришга ожизман, дегани эди.

— Сизга ўзим ёрдам бераман, — деди кесатиб капитан.

Шундан сўнг ўртада беҳуда мунозара бошланди. Мен уч кишининг дам унисига, дам бунисига ялиниб-ёлворар, бир оқ сочли кишидан қирғоққа тушишга ижозат сўрасам, бир маст капитандан кемада қолдиришни илтимос қилардим. Масала шу даражага бориб етдики, ҳатто денгизчиларга ҳам илтижо қилишга тушдим. Монтгомери лом-мим демас, фақат бош чайқарди, холос.

— Кемани бўшатинг, дедимми, бўшатасиз, тамом-вассалом! — дея тинимсиз жавраради капитан. — Қонун мен учун икки пул! Бу кемада ўзим хон, ўзим бекман.

Ялиниб-ёлворишим беҳуда эканлигини сезгач, дўқ-пўписага ўтдим, бироқ оғиз очиб улгурмай, овозим ғиппа бўғилди. Ўсал бўлганимдан жазавам тутиб қуйруқ томон йўналдим, чексиз бўшлиққа тикилганча маъюс туриб қолдим.

Алҳол, денгизчилар чаққонлик билан юкларни, ҳайвонлар қамалган қафасларни туширишарди. Кеманинг

шамолга тескари томонида катта, елканлари кўтариқли баркас тайёр турар, юклар ўшанга туширилмоқда эди. Баркас кема панасида тургани боис юкларни қабул қилиб олгани келган ороллиқлар кўринмасди.

Монтгомери ҳам, унинг ҳамроҳи ҳам менга бефарқ, юк ташиётган тўрт-беш нафар денгизчига йўл-йўриқ кўрсатиш ва кўмак бериш билан машғул эди. Капитан ҳам ўша ерда, бироқ у ёрдамлашишдан кўра кўпроқ халақит берарди. Мени эса дам умидсизлик, дам алам қамраб келмоқда эди. Тақдирга тан бериб, юк туширишларини жимгина кузатиб турарканман, ўз қисматимдан кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасдим. Устига-устак, нонушта ҳам қилмаганман, қорним оч, бу борган сари мени тушкунликка туширарди. Очлик ва ҳолсизлик эса одамни қўрқоқ қилиб қўяди. Капитаннинг дарду фикри мени кемадан йўқотиш эканлигини, унга қаршилик кўрсатиш беҳудалигини яхши тушунар, шу билан бирга Монтгомери ҳамда унинг шеригини ҳам мени оролда олиб қолишга кўндириб бўлмаслигини билиб турардим. Борманми, йўқманми — ҳеч кимнинг парвосига келаётгани йўқ, ҳамма ўлибтирилиб кемадаги юкларни баркасга тушириш билан овора... Хулласи пешонада борини кўришдан бошқа илож йўқ эди.

Ниҳоят, юклар туширилиб бўлиниб, навбат менга етди. Мени кўприкча томон судрадилар, ҳолим йўқлигидан зўрға қаршилик кўрсатардим. Буни қарангки, шу вазиятда ҳам Монтгомери билан бирга баркасда ўтирган одамларнинг ғалати қорамтир юзлари назаримдан четда қолмасди. Баркас юкларни қабул қилиб бўлиши билан кемадан ажралди. Шундоққина оёғим остида сув шалоплади ва мен бошим билан сувга қуламаслик учун жонҳолатда ўзимни орқага олдим.

Баркасдагилар кулиб, бир нималар деб қийқиришди. Монтгомери уларни сўкиб берди. Капитан, унинг ёрдамчиси ва уларга қарашиб юрган денгизчилардан бири мени судраб, кема тумшуғига олиб келишди. У

ерда «Леди Вейн»дан мерос эшкаксиз, ярмигача сув тўла қайиқ боғлоғли турарди. Мен унга тушишдан бош тортиб, палубага чўзилиб ётиб олдим. Минг уринмай мени арқонга боғлаб, мажбуран қайиққа туширдилар. Сўнг шартта арқонни кесиб, буткул тақдир ҳукмига топширдилар.

Секин-аста кема билан орамиздаги масофа узоқлаша бошлади. Энди ҳайкалдек қотганча денгизчиларнинг елканларни кўтариб, шамолга тўғрилашларига термулиб турардим. Ниҳоят, елканлар патирлаб шишди. Мен кеманинг довул ва бўронларда шикаст еган бортига унсиз тикилардим. У борган сари мендан узоқлашиб бормоқда эди.

Кеманинг ортидан энди қарамадим ҳам, қайиқча ичига тиқилганча сокин жимирлаётган ҳайҳотдек уммонга лоқайд термулиб, карахт ўтиравердим. Секин-аста ақл-ҳушим жойига келиб, яна ўша ярмигача сув лаънати қайиқда эканимни ҳис этдим. Орқамга ўгирилиб қайиқдан анча олислаб кетган кемани кўрдим, унинг қуйруғида малласоч капитан масхараомуз нималардир деб қичқирарди. Олдинда эса оролга яқинлашгани сари кичрайиб бораётган баркас кўзга ташланарди.

Туйқус ёлғизлик бор даҳшати билан кўз олдимда намоён бўлди. Агар оқим ўзи олиб бориб ташламаса, оролга сузиб чиқиш мушкул эди. Ўзимнинг аҳволим бу, кўргуликлардан карахт танамда куч-қувватдан асар йўқ; устига-устак, қорин ҳам пиёзнинг пўсти, ҳушимдан кетай-кетай деб турибман, акс ҳолда ўзимни бунчалик йўқотиб қўймасдим-ку. Кўксим тўлиб, бир йиғи босиб келдики, болалик пайтимдан бери бундай бўлмаган эди. Икки кўзимдан дув-дув ёш оқар, жазавада қайиқ тубида тўпланган сувни муштлар, жаҳл билан бортни тепкилардим. Жонимни олишини сўраб тангрига ёлворардим.

VI б о б

БАРКАСДАГИ БЕДАВОЛАР

Тақдир ҳукмига ташланганимни кўриб, ороллик-ларнинг менга раҳмлари келди. Бу пайт қайиғим шарқий йўналишда орол томон аста қалқиб кетмоқда эди, бир маҳал не кўз билан кўрайки, баркас бурилиб, мен томон кела бошлади. У юк ва одамлар билан лиқ тўла эди, яқин келаркан, кўзим беихтиёр қуйруқ томонда, този итлар билан яшиклар орасида ўтирган Монтгомерининг кенг елкали, оқ сочли шеригини илғади. У қимир этмай, жим тикилиб турарди менга. Анави бадбуруш сўхта ҳам баркас тумшуғида, пума қафаси ёнида икки кўзини лўқ қилиб ўтирарди. Баркасда ғалати, ҳайвонсифат яна уч киши бўлиб, този итлар нуқул уларга тишларини кўрсатиб ириллашарди. Монтгомери баркасини мен томон ҳайдаб келди ва яқинлашгач, қайиқ арқонига узалиб, уни баркас қуйруғидаги илмоққа маҳкам чандиб боғлади — баркасда менга жой йўқ эди.

Мен бу пайтда анча ўзимга келиб қолгандим, Монтгомерининг чорловига тетик жавоб бердим. Қайиқ сувга тўлиб, чўкай деб қолганлигини айтгандим, у ёғоч чўмич узатди. Баркас ва қайиқ орасидаги арқон туйқус таранглашган эди, қалқиб орқага йиқилдим, бироқ ўнгланиб, қайиқдаги сувни сепа бошладим.

Қайиқдаги сувни чиқариб ташлагунимга қадар (қайиққа фақат сув тўпланиб қолган, ўзи бус-бутун эди) баркасда ўтирганларга қарашнинг имкони бўлмади.

Ишни тугатиб қараганимда эса оқ сочли киши ҳануз менга тикилиб турар, нигоҳида алланечук саросима сезиларди. Кўзларимиз тўқнашди ва у нигоҳини пастга, тиззалари орасида ўтирган тозиларга олди. Аввал таъкидлаганимдек, у басавлат, кенг пешонали, юз бичими бўлиқ, келишган одам эди; бироқ — одатда, ёши ўтинқираган кишиларда шундай бўлади ўзи — қовоқлари тиришиб, халтадек осилиб қолган, оғзи-

нинг икки четидаги тириш ўта қатъиятли одам эканидан далолат берарди. У Монтгомери билан деярли шивирлашиб сўзлашар, менга ҳеч нарса эшитилмасди. Нигоҳим оҳиста баркасда қолган уч кишига кўчди, во ажаб, улар жуда ғалати эдилар! Менга уларнинг фақат юзигина кўринарди; тавба, уларнинг афтида шундай ғайритабиий аломатлар зоҳир эдики, менда беихтиёр ижирғаниш ҳисси уйғонди. Кўзим алдаяптими, деб уларга диққат билан тикилдим, бироқ тасаввурим заррача ўзгармади, нега бундай бўлаётганига эса сира ақлим етмади. Улар менга ҳабаш бўлиб кўринишди, бироқ бутун таналари — қўлларидан тортиб оёқларигача, ҳатто тирноқларининг учига қадар юпқа, кир оқ мато билан чирмаб ташланган эди. Фақат шарқ аёлларигина шунақа либос кийишларидан хабарим бор, бироқ эркакларнинг бунчалик ўралиб-чирмалишларини сира кўрмаган эканман. Бошларида салла, салла остидан олдинга туртиб чиққан жағлари ҳамда сирли йилтироқ кўзлари кўриниб турарди. Салла тагида худди от ёлига ўхшаш силлиқ ва қорамтир сочлари кўзга ташланар, ўтирган кўйи ҳам бўйлари тасаввуримдаги оддий одамзот бўйидан хийла баланддек эди. Оқ сочли кишининг бўйи, сезишимча, олти футдан кам эмасди, бироқ шу бўйи билан ҳам у ҳозир ўтирган ерида учовидан уч қарич паст кўринарди. Кейинчалик билдимки, улар мендан сира баланд эмас, фақат таналари ниҳоятда чўзиқ, оёқлари эса сонларидан калта, маймоқ экан. Қисқаси, улар ақл бовар қилмас даражада хунук, бедаво одамлар эдики, бошлари узра елкан остидан қоронғида кўзлари ёнувчи анави бадбуруш сўхта ҳам кўриниб турарди.

Ундан кўзимни узмай қараб турарканман, беихтиёр нигоҳларимиз тўқнашди ва у кўзини олиб қочди, бироқ ўғринча тикилишини қўймади. Безор қилмай қўя қолай шўрликни, дедим-да, эътиборимни рўпарадаги оролга қаратдим.

Орол паст текис бўлиб, бошдан адоқ дов-дарахтлар билан қопланган, асосий ўсимтаси палманинг

менга номаълум тури эди. Оролдан ингички оқ тутун кўтарилар, паға-паға бўлиб осмон бағрига сингарди. Иккала томондан ҳам қия бурун билан қуршалган кенг кўрфазга кирдик. Соҳил тим кулранг қум билан қопланган бўлиб, денгиз сатҳидан олтмиш-етмиш футлар чамаси нишоб кўтарилган, унинг ҳар ер-ҳар ерида дарахту ёввойи буталар ўсиб ётарди. Тепага чиқаверишда, қия соҳил ўртасида ғаройиб олачипор тошлардан иборат ғов девор кўринарди. Кейинчалик билсам, у йирик чиғаноқ ҳамда жилвиртошлардан барпо қилинган экан. Девор ортида иккита қамишли том кўзга ташланади.

Қирғоқда бизга бир одам пешвоз чиқди. Узоқдан яна бир неча ғаройиб мавжудот ўзини қияликдаги буталар ичига урганини илғагандим, бироқ қирғоққа етиб келиб, улардан ном-нишон кўрмадим. Пешвоз чиққан одам ўрта бўйли, боши худди ҳабашникидек қоп-қора эди. Ўрадай оғзида лаб дегандан ном-нишон кўринмас, қўллари ниҳоятда ингичка, маймоқ оёқлари товонидан сонига қадар сумакни эслатарди. У бўйини олдинга чўзганча, кўзини лўқ қилиб турарди. Эгнида Монтгомери билан оқ сочли кимсадаги каби кўкимтир астарбоп матодан тикилган камзул ва иштон.

Қирғоққа яқинлашарканмиз, у олди ва орқасига қараб лапанглаб чопа бошлади. Монтгомерининг буйруғи янграши билан баркасдаги тўрт бедаво ўрнидан сакраб турди ва ҳаракатлари қовушмай, елканларни тушира бошлашди. Монтгомери чамбаракни айлантириб, баркасни қирғоқ яқинидаги торгина кўрфазга олиб кирди. Қирғоқда кутиб турган одам оёғини қўлга олиб биз томон чопди. Кўрфаз деб айтганим ернинг каттагина ўпирилган лахтаги бўлиб, сув кўтарилган пайт баркас бу ерга бемалол сузиб кира оларди.

Баркас тумшуғи қумга санчилиб, тўхташи ҳамон қўлимдаги ёғоч чўмични унинг қуйруғига тираб, қайиғимни тўхтатдим, сўнг арқонни илмоқдан ечдим-да, қирғоқ сари ошиқдим. Танаси ўраб-чирмалган уч киши

беўхшов хатти-ҳаракатлар билан баркасдан тушиб, қирғоқда қарши олмиш кимса ёрдамида юкларни тушира бошлашди. Мени лол қолдирган нарса уларнинг ғалати қадам олишлари бўлди. Ғайриоддий ҳам, бесўнақай ҳам деб бўлмасди буни, йўқ, оёқлари худди майиб-мажруҳ, узун-калта, баайни алкаш-чулкаш улангандек эди. Оқ сочли киши итларни қирғоққа олиб тушди. Улар ҳануз ириллашларини қўймас, занжирларини узгудек бедаволарга ташланишарди.

Учала бедаво сўлоқмон ҳам бир-бири билан гаплашса ғалати, хириллашга уйқаш товушлар чиқаришарди, қирғоқда бизни кутиб олган кимса ҳаяжон билан аллақандай ажнабий тилда минғирлади ва улар баркаснинг қуйруқ томонида тахланган тойларни тушира бошладилар. Бундай товушни илгари ҳам қаердадир эшитгандек эдим, бироқ ҳарчанд уринмай, эслаёлмадим. Оқ сочли кимса бир эмас, олти итни занжиридан ушлаб олган, шовқин-сурон ичида, овозини баралла қўйганча уларга буйруқ берарди. Монтгомери ҳам бўшаб, қирғоққа тушди ва юкларни туширишга кўмаклаша бошлади. Узоқ вақт тамадди қилмаганим ва беҳоллигим туфайли нақ мияга ураётган жазирамада уларга ёрдам қўлини чўзишга ожиз эдим.

Оқ сочли киши туйқус мен ҳақимда эслади шекилли, яқинлашиб:

— Нимабало, нонушта қилмаганмисиз, дейман, — деди. Қалин қошлари остида кичкина қора кўзлари чақнаб турарди.

— Узр, айбга буюрмайсиз бизни. Чақирилмаган бўлсангиз ҳам, ҳар тугул меҳмонсиз, кўнглингизни олиш бизнинг бурчимиз, — дея давом этди у кўзимга тик қараб.

— Монтгомерининг гапига қараганда, сиз, мистер Прендик, ўқимишли одам экансиз, илмдан оз бўлсада хабарингиз бор эмиш. Сир бўлмаса айтинг-чи, қайси соҳа билан шуғулланган сиз?

Мен бирмунча вақт Роял коллежида таҳсил олга-

ним, Хаксли раҳбарлигида биологиядан илмий иш қилганимни айтдим. Буни эшитиб, унинг қошлари хиёл чимирилди.

— Бу бошқа гап, мистер Прендик, — деди у, овозида озроқ ҳурмат оҳанги сезилгандек бўлди. — Буни қарангки, ҳаммамиз ҳам биолог эканмиз. Қолаверса, бу ер ҳам ўзига хос биологик станция.

У тош девор томон урина-сурина пума қамалган қафасли аравачани судраб келаётган, оқ матога ўрабчирмалган кимсаларга қаради.

— Ҳа, биз Монтгомери иккимиз биологмиз, — дея давом этди у. — Бу ердан энди қачон кета оласиз — билмадим, — деди бир оз сукутдан сўнг. — Оролимиз кемалар қатнайдиган йўлга тескари. Ўтса, йилда битта кема ўтади. У шундай дея шартта ўрнидан туриб, пума қамалган қафасни судраб келаётган кимсаларни ёнлаб ўтди-да, қиялик ошиб тош девор ортига ўтиб кетди. Қолган икки кимса Монтгомери билан пастак аравачага енгил юкларни ортмоқда эди. Лама ва қуёнлар қамалган қафаслар ҳамон баркасда, итлар эса ўриндиқларга боғланганча туришарди. Енгил буюмларни аравачага юклагач, учовлон бир бўлиб салкам бир тоннача юкни пуманинг қафаси кетидан юқорига олиб чиқа бошладилар. Сўнг Монтгомери уларни қолдириб, ортга қайтди ва яқинлашиб, менга қўлини узатди.

— Шахсан мен оролда қолганингиздан беҳад хурсандман, — деди у. — Капитан одам эмас, ғирт эшакнинг ўзи-ку. Роса таъзирингизни ердингиз у билан.

— Сиз иккинчи марта ҳаётимни сақлаб қолдингиз, — дедим мен.

— Нима ҳам дердим... Майли, шундай ўйласангиз, ўйлай қолинг! Ишқилиб, бу жимитдек оролда зерикиб қолмасангиз бўлгани! Сизнинг ўрнингизда мен иложи борича бу ердан тезроқ кетиш чорасини излаган бўлардим. Анави... — Шундай деб Монтгомери бехос тилини тишлади, даъфатан ичидагини гуллаб қўйишига сал қолди. — Ҳа, қуёнларни туширишиб юборолмайсизми? — дея гапни чалғитди у.

Унинг қуёнлар билан тутган иши менга жуда эриш туюлди. Белимизгача шалаббо бўлиб, баркасдаги қуёнлар қамалган қафаслардан бирини қирғоққа олиб чиқдик. Шу заҳоти Монтгомери қафас эшигини очиб, хиёл қиялатди. Қуёнлар тапира-тупур ерга сакрашди. Сўнгра у чапак чалиб, бир-бирининг устида уймалашаётган қуёнларни ҳуркитди, ўн бешта, йигирматача жонивор ирғишлаб, қирғоқ бўйлаб ҳар томонга тарқаб кетди.

— Ўсиб улғайинг, ўзингиздан кўпайинг, шалпанг-қулоқ дўстларим, — деди Монтгомери. — Орол бошвоғи билан сизларники. Мана, гўшт масаласи ҳам ҳал.

Дикиллаб чопиб кетаётган қуёнлар ортидан қараб турарканман, оқ сочли киши қўлида бир шиша ичкилик ва озгина қотирилган нон билан қайтиб келди.

— Озроқ тамадди қилиб олинг, Прендик, — деди у аввалгидан ҳам дўстона оҳангда.

Ортиқча ялинтирмай қотирилган нонни тушира кетдим, киши эса Монтгомерига қуёнларни қирғоққа туширишга кўмаклашди, яна йигирматадан ортиқроқ қуён орол бўйлаб тарқалди. Қолган учта яшикдаги қуёнлар қафасдаги лама билан бирга девор ортига жўнатилди. Ичкиликка қўл ҳам урмадим — туғилибманки, оғзимга ичкилик олган эмасман.

VII б о б

ҚУЛФ ЭШИК

Ҳурматли ўқувчим, сезиб турибсизки, атрофимдаги ҳамма-ҳамма нарса ўта ғайритабиий эди, мен эсам туйқус бошимга ёғилган кўргуликлардан гаранг, ёнверимдагини чуқур идрок этадиган аҳволда эмасдим. Аста ламанинг қафаси ортидан юрдим, Монтгомери кетимдан етиб келиб, тош девор ортига ўтмасликни уқтирди. Пума ҳануз қафасда, қафас эса шундоққина кираверишда анча-мунча юклар ёнида турарди.

Ортимга ўгирилиб, қирғоққа чиқариб қўйилган бўм-

бўш баркасни кўрдим. Оқ сочли киши шошганча биз томон келарди.

– Энди мана бу меҳмонимиз масаласини ҳал қилиш керак, – деди у Монтгомерига, яқин келгач. – Нима қиламиз-а энди уни?

– Унинг илмдан хабари бор, – деди Монтгомери.

– Унда манави янги хомашё билан тезроқ ишни бошласак бўларди, – деди оқ сочли киши боши билан тош девор томонга ишора қилиб. Унинг кўзлари чақнарди.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деди Монтгомери совуққина.

– Меҳмонни у ёққа киритсак бўлмас, алоҳида бошпана қуриб беришга вақтимиз зиқ, қолаверса, ишимизга аралашмагани маъқул.

– Ихтиёр сизларда, – дедим мен. «У ёққа» деганда киши нимани назарда тутгани менга қоронғу эди.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – деди Монтгомери. – Аммо менда эшиги ташқарига қараган бир хона бор...

– Жуда соз, бу бошқа гап, – дея бетоқат гапни бўлди киши Монтгомерига синчков тикилганча ва биз учовлон тош девор томон юрдик.

– Сиздан ишларимизни сир тутаётганим учун узр, мистер Прендик, бироқ хафа бўлманг-у, сиз бу ерда шунчаки бир чақирилмаган меҳмонсиз. Бизнинг кичкинагина ташкилотимиз ҳам худди Мовий Соқолнинг саройи каби ўз сирига эга. Асаби жойида одамга бунинг сира ваҳимали жойи йўқ-ку, бироқ сиз ҳали синашта эмассиз-да...

– Ҳаққи рост, – дедим мен, – хафагарчилик айни чоқда қип-қизил аҳмоқлик бўларди.

Кишининг чеҳрасида совуқ табассум намоён бўлди (у лабининг бир четини буриб илжаядиган тошмеҳр одамлар тоифасидан эканлиги билиниб турарди), маъқул дегандек хиёл энгашиб, менга таъзим бажо қилди. Биз катта дарвоза ёнидан ўтдик. Дарвоза ёғочдан бўлиб, темир билан қопланган, қулфлоғли эди, олдида ҳозиргина баркасдан туширилган юклар тартибсиз сочилиб ётарди; ўтиб, тош девор бурчагидаги кич-

кина эшикка яқинлашдик, мен унга аввал аҳамият бермаган эканман. Оқ сочли киши терлайвериб шўрлашган кўкимтир камзули чўнтагидан бир шода калит чиқарди ва эшикни очиб, ичкари кирди. Қўлидаги калитлар шодаси ҳамда эшикларни эҳтиётлаб қулфлаб юриши қизиқ туюлди.

Унга эргашиб кичкина, жўн, бироқ қулай жиҳозланган хонага кирдим, хонанинг ички эшиги тош ётқизилган текис ҳовлига қараб қия очиқ эди. Монтгомери кира солиб эшикни ёпди-да, қулф солди. Хонанинг салқин бурчагида тўр беланчак осиғлиқ турар, темир панжара қопланган, ойнасиз дарча эса тўппа-тўғри денгизга қараганди.

Оқ сочли киши шу ер менинг жойим эканини тушунтирди, ичкари эшикни эса ҳар эҳтимолга қарши қулфлаб қўядиган бўлди — ундан нарига йўл йўқ эди. У дераза қаршисида турган қулай оромкурси ва тўр беланчак яқинида токчага қатор терилган эски китобларни кўрсатди, улар жарроҳликка оид қўлланмалар, табобат алломаларининг лотин ва юнон тилидаги (бу тилларни мен яхши билмасдим) асарларидан иборат эди. У қайта ичкари эшикни очишни истамагандек, кирган эшигимиздан чиқиб кетди.

— Бу ерда биз тушлик қиламиз, — деди Монтгомери ва нимадандир гумонсираб, шу заҳоти оқ сочли киши кетидан отилди. Унинг: «Моро!» деб чақиргани эшитилди, аввалига бу исмга унча аҳамият бермадим. Бироқ токчадаги китобларни титкилаётиб, хаёлан такрорладим: Моро... Қаерда эшитганман-а, бу исмни?

Дераза олдига ўтириб, чўнтагимда қолган қотган нон бўлакчаларини иштаҳа билан кавшай бошладим. Моро?

Деразадан қараб, қирғоқ томондан яшик кўтариб келаётган анави ўраб-чирмалган бедаволардан бирини кўрдим. Пичадан сўнг дарча роми тўсилиб, у кўринмай қолди. Сўнг орқамдаги эшик қулфига калит солиниб шиқирлагани эшитилди. Сал ўтиб берк ичкари эшик ортидан този итларнинг овози келди, чамаси,

уларни қирғоқдан олиб келишган эди. Итлар вовуллашмас, қандайдир ғалати ириллашарди. Монтгомери ҳадеб уларни тинчлантирмоқчи бўлар, бироқ итлар питирлашларини қўйишмасди.

Бу икки кимсанинг махфий, қандайдир сирли тутумлари менга қаттиқ таъсир қилди. Бир томондан бу, иккинчи томондан ниҳоятда таниш туюлаётган исм миямни исканжага оларди: Моро... Лекин инсон хотираси шу қадар заифки, бу исмни қаерда ва кимдан эшитганимни сира хотирлай олмасдим. Секин-аста хаёлим қирғоқ томонда кўринган ўраб-чирмалмиш ғаройиб бедавога кўчди. У яшик кўтарганча келаркан, қадамлари ва ҳаракатига ҳайрон бўлардим. Баъзи бирларининг менга ўгринча, олайиб тикилганларини айтмаганда, ҳанузгача биронтаси мен билан гаплашгани йўқ — беихтиёр шу эсимга келди ҳозир. Ажабо, улар қайси тилда сўзлашар экан? Табиатан одамовига ўхшашарди, бироқ гапиришар, гапирганда ҳам жуда ғалати товушлар чиқаришарди. Қизиқ, уларга нима бўлган экан-а? Шу дақиқа туйқус Монтгомерининг бадбуруш хизматкори нигоҳи кўз ўнгимда гавдаланди.

Дарвоқе, бирдан унинг ўзи кириб келди. У энди оппоқ, тоза усти бош кийиб олган, қўлида қаҳва, қайнатилган сабзовотли патнис кўтариб келганди. Илтифот билан эгилиб, патнисни олдимга қўяркан, кайфим учиб, ўрнимдан сакраб туриб кетишимга сал қолди.

Аммо даҳшатдан ўтирган жойимда қотиб қолдим: майда, қора, тарам-тарам сочлари орасида... қулоққа кўзим тушган эди! У шундоққина тумшуғим тагида соч орасидан чиқиб турарди. Воажаб, қулоқ учқур бўлиб, майин кулранг юнг билан қопланган эди!

— Сизга нонушта келтирдим, сэр, — деди у.

Тилим калимага келмас, унинг юзига бақрайиб қолган эдим. У бурилиб, елкаси оша менга ғалати қараб қўйди-да, эшик томон юрди.

Ортидан кузатиб қоларканман, миямга «Моро даҳшатлари» деган ибора урилди. Ё «Мородан қақшаган-

лар»миди? Ҳа, эсладим, хаёл аталмиш учқур от ўн йил ортга учди: «Моро даҳшатлари». Бу ибора бир дақиқа миямда маънисиз сукут қилди ва зум ўтмай жигарранг муқовали шапалоқдек китобча жилдига қўнди. Китобни даҳшатга тушмай ўқиб бўлмас эди. Ҳаммаси бирин-сирин ёдимга туша бошлади. Бир пайтлар ўқилиб, унутилиб кетган китобча худди кечагидек кўз олдимда турарди. У пайтлар мен мўйлови эндигина сабза урган ўспирин, Моро эса, адашмасам, эллик ёшлар атрофидаги одам эди; у ўша кезлар фикрининг теранлиги, мулоҳазаларининг ўткирлиги билан илм аҳли орасида обрў қозонганди. Бу ўша Моромикан? У қон қуйишнинг бир неча янги усуллари тўғрисида шов-шувли мақолалар эълон қилган, бундан ташқари, тана ривожланишининг аномал ҳолатлари борасида ҳам беназир тадқиқотлар ўтказиб, тилга тушган эди. Аммо бирдан унинг ишлари чаппасига кетди ва Моро Англияни тарк этишга мажбур бўлди. Бу, айнан бир мухбир унинг кирдикорларини фош қилиб, матбуотда шов-шув кўтариш мақсадида тажрибахонасига лаборант ниқоби остида кириб чиққанидан кейин содир бўлди; фақат тасодиф туфайлигина — агар буни тасодиф дейиш мумин бўлса — ўша мухбирнинг жирканч китобчаси машҳур бўлиб кетди. Бунга китобча босилиб чиққан куни Моронинг тажрибахонасидан қочган, териси сидириб олинган, ўлар ҳолатдаги мажруҳ ит сабабчи бўлганди.

Бу можаро айни талотўп даврга тўғри келиб қолди ва нуфузли ноширлардан бири, яна ҳам аниқроғи — ўша сохта лаборантнинг амакиваччаси жамоатчиликка мурожаат этди. Жамоатчиликнинг эса ўша пайт бу хилдаги тажриба ва изланишларга биринчи бор қарши чиқиши эмас эди. Доктор Моро мамлакатдан бадарға қилинди. Балки у бу жазога чиндан ҳам лойиқдир, бироқ машҳур тадқиқотчиларнинг мазкур ҳодисага лоқайдлиги, аксарият маслакдош олимларнинг ундан қўлларини ювиб, қўлтиқларига уриши ачинарли ҳол эди. Тўғри, мухбирнинг ёзишича, унинг айрим

тажрибалари ваҳшийликдан ўзга нарса эмасди. Бундай тажриба ўтказишдан воз кечиб, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашилса, олам гулистон эди, бироқ Моро ҳаёт-мамотини илм билан боғлаган фидойи олимлардек иш тутди, тажрибаларини афзал деб билди. У сўққабош, ишидан бошқа ташвиши йўқ одам эди-да...

Доктор Моро айнан шу одам эканига шубҳам қолмади. Ҳамма нарса шундан далолат берарди. Уй орқасидаги ҳовлига юклар билан бирга ташиб келтирилган пума ва бошқа жониворлардан кўзланган мақсад нима эканини англаб етдим; ғалати, сезилар-сезилмас, ниҳоятда таниш туюлаётган ҳид ниманики эканини энди тушундим, одатда, касалхонанинг жарроҳлик бўлимидан келади бундай ҳид. Кутилмаганда девор ортидан пуманинг ўкириги ва итнинг жон аччиғида вангиллаши эшитилди.

Очиғини айтганда, ўқимишли одам учун вивисекцияда сир тутишга арзигули даҳшатнинг ўзи йўқ. Ҳаёлимга лоп этиб Монтгомериннг учқур қулоқли, кўзи йилтироқ хизматкори келди. Рўпарамда жимирлаётган ям-яшил денгизга, енгил шамолда кўпириб ўйноқлаётган тўлқинларга тикилдим, кўз олдимдан кейинги кунларнинг ғаройиб тафсилотлари бир-бир ўта бошлади.

Нима балоларга йўлиқдим-а, ўзи? Кимсасиз оролдаги манави сирли қўналға, машҳур вивисекциячи, майибу мажруҳ бедаво кимсалар...

VIII б о б

ПУМАНИНГ ҚИЧҚИРИҒИ

Тушки соат бирлар эди, чамаси, айқаш-уйқаш, шубҳали хаёлларимни Монтгомери бўлди. У хонага бадбуруш хизматкорини етаклаб кириб келди. Қарол патнисда нон, озгина кўкат ва яна қандайдир егулик, бир шиша виски, кўзачада сув, учтадан стакан ҳамда пичоқ кўтариб олганди. Мен кўз қирим билан бу ғаро-

йиб мавжудотни кузатар, у ҳам менга ғалати кўзлари билан олазарак боқарди. Монтгомери мен билан бирга овқатланмоқчи эканини айтди, Моро келолмабди, иши ниҳоятда кўп эмиш.

— Моро? — дедим мен, — бу ном менга таниш.

— Сиздан нимани сир тутаётганимиз хийла ойдинлашгандир энди, вискидан қуяйми?

— Йўқ, раҳмат, ичмайман.

— Қани энди ўрнингизда мен бўлиб қолсам... Лекин бўлар иш бўлган, бу ерларда сарсон бўлиб юришимга ҳам мана шу касофат ичкилик сабабчи. Шу касофат ва бир туманли кеча. Моро мени олиб кетмоқчи эканини эшитиб, теримга сиғмай севинганим-чи. Ҳа, жуда ғалати ишлар бўлган...

— Монтгомери, — эшик ташқаридан ёпилиши билан унинг гапини бўлдим мен, — нега қаролингизнинг қулоқлари бундай учқур?

— Падарлаънат, — дея ғўлдиради у ва оғзи тўла овқат, бир зум менга анграйиб тикилиб қолди. — Қулоқлари учқур?

— Ҳа, учқур, — дедим мен юрагим дукирласа-да, имкон қадар вазминлик билан, — яна ҳаммаёғи жун.

У бамайлихотир вискини сувга аралаштираверди.

— Қулоқлари сочининг тагида кўринмаса керак, деб юрардим...

— Мен буни шундоққина тумшуғим тагида энгашиб, қаҳвани столга қўяётганда кўрдим. Кўзлари ҳам ғалати, қоронғуда ёнади.

Бошда саволимдан шошиб қолган Монтгомери энди ўзини анча тутиб олди.

— Ўзим ҳам ҳайрон бўлиб юрардим, — деди у оҳиста, бир оз дудуқланиб. — Қулоқларига нимадир бўлгандек туюларди. Кейин сочлари орасига олиб, яширишга уриниши... Айнан қандай кўринишда эди улар?

Монтгомерининг атайлаб ўзини билмасликка олаётганини сездим. Бироқ нима ҳам дердим, унга гапларинг ёлғон, деб айтолмайман-ку.

— Қулоқлари учқур, — дея такрорладим мен, — учбурчак, жун билан қопланган. Унинг бўлиб ўзи ҳам жуда ғалати, бунақа мавжудотни умрим бино бўлиб кўрмаганман.

Тош девор ортидан яна қандайдир ҳайвоннинг жон ҳалпида ўкиргани эшитилди. Овоз шашти ва шиддатидан пума ўкираётганга ўхшарди. Монтгомери сесканиб кетди.

— Ҳмм, ғалати денг? — деди у.

— Қаердан топгансиз уни? — деб сўрадим мен.

— У... Сан-Франсискодан эди, шекилли. Нима десам экан, рост, у ҳақиқатда бедаво. Бунинг устига андак овсар ҳам. Лекин қаерданлигини аниқ айтолмайман. Сизга айтсам, унга жуда ўрганиб қолганман. Умуман, икковлон бир-биримизга жуда ўрганганмиз. Тушунмадим, унинг нимасига бунча ҳайрон бўласиз?

— У бу дунёнинг одамига сира ўхшамайди, ахир, — дедим мен, — унда ғалати нимадир бордек... Мияси айниб қопти, деб ўйламанг-у, лекин у менга яқинлашди дегунча этим жунжикиб, авзойим бузила бошлайди. Ростини айтсам, у худди иблиснинг ўзгинаси...

Монтгомери, гапларимни тингларкан, овқат ейишдан тўхтади.

— Бўлмаган гап, — деди у, — шу пайтгача сезмасмидим. У шундай деб яна овқат ейишга тутинди.

— Қаранг-а, бирор марта ҳам миямга шунақанги фикр келмабди, — деди у овқат кавшаркан. — Чамаси, анави кемадагиларга ҳам шундай туюлган бўлса керак... Шўрликка кун беришмади-я, аблаҳлар!.. Капитаннинг нима қилганини эса ўзингиз кўрдингиз...

Шу дам яна пуманинг ўкириғи янгради, бу гал аввалгидан ҳам аянчли ўкирди жонивор. Монтгомери сўкинди. Мен ундан қирғоқда кўрган одамларим ҳақида сўрашга жазм қилдим:

— Қирғоқдаги одамларингиз-чи, улар қайси ирққа мансуб?

— Зўр йигитлар-а? — деди у паришон, пума ўкиргани сари баттар қовоғини уйиб.

Мен индамай қўя қолдим. Яна аввалгиларидан ҳам

даҳшатлироқ ўкирик янгради. Монтгомери менга маъюс кўкимтир кўзларини тикканча ўзига виски қуйди. У гап мавзуини ичкиликка буриб, айнан унинг шарофати билан ҳаётимни сақлаб қолганини исботлашга уринди. Бу билан Монтгомери тирик қолганим учун ундан қарздор эканимни таъкидлаётгандек эди. Мен унинг гапларига паришон жавоб қайтарардим. Ниҳоят, нонушта қилиб бўлдик, қулоқлари учқур сўхта дастурхонни йиғиштирди. Улар чиқиб кетишди ва мен хонада яна ёлғиз қолдим. Нонушта пайти Монтгомери вивисекция қилинаётган пума овозидан безовталигини сездирмасликка хўп уринди, бироқ қўлидан келмади. Сўнг асаблари ниҳоятда бўшашиб кетганидан нолиди, мен бунга шубҳа билдириб ўтирмадим.

Бу ўкириклар менинг ҳам асабимга тега бошлаганини сездим. Кун давомида улар кучайса кучайдики, асло пасаймади. Бошда бу шунчаки юрагимни эзаётган эди, лекин бора-бора тоқатим тоқ бўлди. Қўлимдаги Горацийнинг қайсидир асари таржимасини бир четга отиб юбордим, муштларимни тугиб, лабимни қимтиганча хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим.

Сўнг кафтларим билан қулоқларимни маҳкам беркитиб олдим.

Аянчли ўкирик борган сари кучаяр, сабр косамни тўлдириб борарди, охири дод-вой шу даражага етдики, хонада чидаб ўтириб бўлмай қолди. Ташқарига, тиккага келиб қолган қуёшнинг мудратувчи оташи бағрига отилдим, ҳамон қулфлоғли катта дарвоза олдидан ўтиб, тош девор ортига бурилдим.

Ўкирик ташқарида яна ҳам кучлироқ жаранглар экан. Дунёи дуннинг бор уқубатлари шу ўкирикда мужассамдек эди. Ажабо, агар шу овозлар бўлмаса, қўшни хонада биров азоб тортаётганини билсам ҳам бунчалик изтироб чекмасмидим, деб ўйладим (бу ўй ҳанузгача мени қийнаб келади). Азоб-уқубат овозда зоҳир бўлиб, асабни қақшатса, юрак ўртаниб кетаркан. Кўкда қуёш порлаб туришига, денгиздан эсаётган енгил шабада ям-яшил палма шохларини оҳиста тебратаётга-

нига қарамай, токи тош девор билан ўралган уйдан олислаб кетмагунимча, дунё остин-устундек, ёвуз ва қонхўр арвоҳларга тўлиб-тошгандек туюлаверди.

IX б о б

ЎРМОНДАГИ ТЎҚНАШУВ

Мен уй орқасидаги тепаликни қоплаган қуюқ чакалакзор оралаб бошим оққан томонга қараб юрдим. Қадди расо гавжум дарахтлар орасидан ўтиб, тепаликнинг нариги томонидан чиқиб қолибман. Тепалик этагида торгина сайҳонлик ястанган бўлиб, кичкинагина жилға оқиб ётибди. Тўхтаб, у ёқ-бу ёққа қулоқ тутдим. Анча узоқлаб кетдимми ё ўрмоннинг қалинлигигами, тош девор томондан ҳеч қанақа овоз эшитилмасди. Атроф жимжит. Айни шу чоқ буталар орасидан қуён отилиб чиқди ва тепаликдан пастга чопди. Нима қиларимни билмай, иккиланиб турдим-да, ўрмон чеккасидан сояроқ бир жой танлаб ўтирдим.

Теварак-атроф ниҳоятда жозибали эди. Четлари қалин ўт-ўлан билан қопланган боис жилға кўзга ташланмас, фақат бир жойдагина сув сатҳи учбурчак тарзда йилтираб кўриниб турарди. Жилғанинг нариги ёғида, сийрак кўкимтир туман бағрида тўп-тўп қалин дарахтлар, ер бағирлаб ўсган буталар кўзга ташланади, улар узра эса мусаффо кўкимтир осмон чарақлайди. У ер-бу ерда оқ, қизил печаксимон гуллар ажиб товланади. Анчагача қаршимдаги гўзал табиат манзараларидан кўз узолмай ўтирдим, сўнг лоп этиб хаёлимда яна Монтгомерининг қароли, унинг ғалати сўхтаси жонланди. Кун ниҳоятда иссиқлигидан каллам жойида эмас, танам ҳам борган сари ҳолсизланиб, на мудраётганимни ва на уйғоқлигимни билардим.

Жилғанинг нариги ёғидан эшитилган буталар шитирлашидан ўзимга келганимда, билмадим, қанча вақт ўтган эди. Дастлаб қирққулоқ ва қамишлар учининг тебранишидан бошқа ҳеч нарса сезилмади. Сўнг жилға

ёқасида қандайдир мавжудот пайдо бўлди, айнан қандай мавжудот эди у — бир қарашда фарқлаёлмадим. У энгашиб сув ича бошлади. Фақат шундагина кўрдимки, мавжудот росмана одам, бироқ у... ҳайвон каби тўрт оёқлаб юрарди!

Эгнида кўкиш рангли либос, тана ва юз териси мис рангидек қизғиш, сочлари қоп-қора... Чамаси, бирдек ғаройиб бедаволик барча оролликларга хосга ўхшайди. У сувни тили билан чапиллатиб ичаётгани шундоққина эшитилиб турарди.

Уни яхшироқ кўриш учун олдинга эгилганимни биламан, қўлим тошми-ей, кесакками-ей тегиб кетса бўладими, у енгил дупурлаб пастга юмалади. Сув ичаётган кимса даст бошини кўтарди ва кўзларимиз илкис тўқнашди. У қаддини ростлаб, беўхшов қўли билан оғзини артганча менга тикилиб турарди. Тавба, унинг оёғи гавдасига нисбатан икки марта калта эди. Биз бир-биримизга хиёл шу асно ҳайрон тикилиб турдик. Кейин у шартта бурилди ва елкаси оша менга бир-икки ёв қараш қилиб, ўнг томондаги буталар орасига кириб кетди. Шох ва баргларнинг шитирлаши анчагача эшитилиб турди. Узоқлашиб бораркан, бошини буриб, менга қараб-қараб қўярди. Кўздан ғойиб бўлгач ҳам хийла вақтгача қимир этмай, у кетган томонга бақрайиб ўтирдим. Танамда бояги мудроқдан асар ҳам қолмаган эди.

Орқамдан эшитилган товушдан чўчиб, ялт этиб ўша томонга қарадим, кўзим қирнинг қоқ тепасига етиб улгурган қуённинг ликкиллоқ оқиш думчасини илғади, мен ирғиб ўрнимдан турдим.

Чошгоҳ сокинлигида ҳайвонсифат мавжудотнинг пайдо бўлиши атроф кимсасиз эмаслигидан далолат берарди. Тевараккa олазарак аланглaрканман, ёнимда қуролим йўқлигига афсусландим. Шунинг устига миямга, ахир ҳозир кўрган одамим кўкимтир тусдаги кийимга бурканган эди-ку, ёввойи бўлса, кийим киярмиди, деган фикр келди. Жуда бадфеъл эмасдир-

ов, менга шундай туюлди шекилли, ўзимизга ўхшаган ёввойи одам бўлса керак, деб ўзимни ўзим овутдим.

Лекин унинг пайдо бўлиши мени барибир ташвишга солиб қўйган эди. Қияликдан чапга юрдим, тик ўсган дарахтлар оралаб атрофга аланглаганча, кета бошладим. Қизиқ, нега бу одам тўрт оёқлаб юраркин, нега у сувни тили билан чапиллатиб ичди? Алҳол, қулоғимга яна ҳайвоннинг ўкириги эшитилди, мен пума бўлса керак деб ўйлаб, терс бурилдим ва қарама-қарши томонга кета бошладим. Йўл мени жилғага бошлаб келди ва мен кечиб ўтиб, рўпарадаги чакалакзор ичига шўнғидим.

Йўлим устида ғалати қип-қизил доғга кўзим тушиб, этим жимирлаб кетди, яқин келиб қарасам, жуда антиқа қўзиқорин экан. Худди япроқсимон замбуруғ дейсиз, қўлимни теккизишим билан суюлиб, шилимшиқ модда ҳосил қилди-қўйди. Сал юриб, шохлари ҳар томонга тарвақайлаган қирққулоқлар панасида нохуш манзара гувоҳи бўлдим: ерда қуён ўлиги чўзилиб ётар, мурда устида ялтироқ пашшалар вижирлашарди. Қуён танаси ҳали совиб улгурмаган, боши сапчадек узиб олинган эди. Ҳар ёққа сачраган қонни кўриб анграйиб қолдим. Во дариғ, бу ерда оролнинг бир нотавон келгинди бандаси жонига қасд қилинган эди!

Жасадда бошқа ҳеч қандай ёвузлик белгиси кўринмас, афтидан, қуён қўлга тушган-у, ўша лаҳзадаёқ куни битган эди. Унинг жажжигина момиқ жисмига синчиклаб тикилиб, буни ким қилди экан, деб ҳайрон бўлардим. Анави сув ичган одамнинг совуқ турқини кўрган пайтим миямга ўрнашган қўрқув яна ҳам кучайди. Бу ерда, манавунақанги нотайин одамлар орасида яшашнинг шақадар хавфли эканини ҳис этдим. Ўрмон кўзимга энди бошқача кўрина бошлади. Ҳар бир қоронғи кўланка кўланка эмас, тузоқдек, ҳар бир шитир эса таҳдид ва хавф-хатардек туюларди. Худди кўзга кўринмас мавжудотлар мени ҳар қадамда таъқиб этишаётгандек эди.

Орқага қайтишга қарор қилдим. Шартта бурилдим-

да, шох-шаббалар оралаб жон-жаҳдим билан худди жазаваси тутган одамдек олға интилдим, ишқилиб, омон-эсон очиқ жойга чиқиб олсам бас, дердим ўзимга-ўзим нуқул.

Катта бир яланглиққа чиқаверишда тўхтадим. У ер аслида яланглик эмас, дарахтлари кесиб олинган майдон эди; бироқ майда ниҳоллар аллақачон ўсиб улгурган, ортидан яна қалин дарахтзор бошланиб кетган, шохларга илашиб чирмовуқлар ўсиб ётар, ер қўзиқорин, гулдор замбуруғлар билан қопланганди. Рўпарада, йиқилган каттакон дарахтнинг замбуруғ қоплаган мўрт танаси устида яқинлашаётганимни сезмай, оёқларини чалиштирганча уч нафар ғалати одамсимон мавжудот ўтирарди. Улардан бири аниқ аёл, иккитаси эса эркак эди. Белларидан пастини беркитган қизғиш матони айтмаганда, улар қип яланғоч эдилар. Оролдаги мен кўрган бошқа ёввойи одамлардан фарқли ўлароқ, уларнинг териси хира қизғиш тусда эди. Юзлари семиз, ияклари йўқ, пешоналари олдинга бўртиб чиққан, сочлари сийрак, дағал. Умрим бино бўлиб бунақа ҳайвонсифат мавжудотларни учратмагандим.

Улар ўзаро гаплашишар, аниқроғи, улардан бири куйиниб, қолган иккитасига ниманидир тушунтирар, учовлон суҳбатга шу қадар берилиб кетишгандики, ҳатто қадам товушимни эшитишмасди. Уларнинг бош ва елкалари бир маромда тебранарди. Гапираётган мавжудотнинг оғзидан сўзлар дўриллаб, узуқ-юлуқ чиқар, аниқ эшитаётганимга қарамай, ҳеч балони тушуниб бўлмасди. Назаримда, у шунчаки бемаъни сафсата сотаётгандек эди. Пича ўтиб овози чўзиқ тус олди ва у қўлларини силкитиб, ўрнидан туриб кетди.

Қолган икковлон ҳам ўрнидан қўзғалишди ва қўлларини силкитиб, гавдаларини овоз оҳангига мос тебратганча унга жўр бўлишди. Уларнинг оёқлари ҳаддан ташқари калта, товонлари ғайриоддий тарзда ингичка эди. Учовлон энди оёқларини тапиллатиб, қўлларини силкитганча оҳиста айланишарди; уларнинг бир

маромдаги тез айтишувида ўзига хос мусиқий жарангдорлик зоҳир бўлиб, «алула»ми-ей, «балула»ми-ей деган сўзлар тез-тез такрорланарди. Уларнинг кўзлари ғалати чақнар, бадбуруш юзлари қувончдан порларди. Лабсиз даҳанларидан эса сўлак оқиб тушмоқда эди.

Беўхшов қилиқларини жим кузатарканман, шу пайтгача менга тинчлик бермаётган ҳис-туйғуларим боисини англагандек бўлдим: ўз сирли расм-русумлари билан машғул бу уч мавжудотнинг фақат суратигина одамни эслатар, бироқ сийратида ҳайвонсифат қандайдир уйқашлик зоҳир эди. Қиёфалари одамга ўхшагани, белидан пастини бир парча латта билан ўраганлари, қўпол инсоний гавда тузилишларидан қатъи назар, юз ифодалари, хатти-ҳаракатлари, хуллас, бутун туриш-турмушларида қандайдир ҳазм қилиб бўлмас, хусусан, чўчқага хос, кўзга яққол ташланувчан ҳайвоний муҳр мужассам эди.

Қаршимдаги манзарага англайиб тикиларканман, миямни ҳар хил даҳшатли саволлар банд этарди. Учовлон эса энди бири қолиб, бири қўйиб осмонга сапчир, чинқирар, ҳурилларди. Шу дам улардан бири сирпаниб кетди, бироқ йиқилмай, тўрт оёқлаб туриб қолди ва дарров ўзини ўнглади. Шу йилт этмиш ҳайвоний туйғунинг ўзиёқ уларнинг бор асл моҳиятини акс эттирарди.

Имкон қадар товуш чиқармасликка уриниб, оҳиста ортимга бурилдим, шох қисирласа ёки барг шитирлагудек бўлса ҳам сезиб қолишлари турган гап эди. Юрак ҳовучлаб ўзимни чакалакзорга урдим. Кўнглим жойига тушиб, бамайлихотир юра бошлагунимча талай вақт ўтди.

Шу дамда ягона дарду фикрим анави тавиялардан тезроқ узоқлашиш эди, олға интиларканман, дарахтлар оралаб кетган кўз илғамас сўқмоққа қандай чиқиб қолганимни сезмабман. Торгина яланглиқни кесиб ўтарканман, дарахтлар орасида, чамаси, ўттиз одимча нарида мен билан тенгма-тенг қадам ташлаб келаётган беўхшов оёқларни илғаб, эсхонам чиқиб кетаёз-

ди. Унинг белидан юқориси қалин чирмовуқ ва барглар ортида кўринмасди, мени кўриб қолмасин, деб дарров тўхтадим. Тўхташим ҳамон беўхшов оёқлар ҳам таққа тўхтади. Шу қадар ўтакам ёрилдики, оёғимни қўлга олиб қочиб беришимга сал қолди.

Қалашиб ётган шох-шаббалар орасидан аста қараб, жилғадан сув ичган махлуқнинг боши ва гавдасини дарров танидим. У ҳам менга тикилиб турар, ғирашира қоронғиликда кўзларидан яшил ўт чақнаётгандек туюларди. Бошини шартта бурган эди, ўт ўчди-қолди. У бир дақиқа қимир этмай турди-да, сўнг товуш чиқармай чопиб, яшил бутазорга кириб кетди. Кўз очиб юмгунча шох-шаббалар ортида ғойиб бўлди. У кўзга кўринмасди, бироқ сезгим унинг кетмаганини, шу ўртада писиб, мени кузатаётганини айтиб турарди.

Ажабо, одамми у ёки ҳайвон? Мендан нима истайди? Мен бечора бутунлай қуролсизман, ҳатто қўлимда калтак ҳам йўқ. Қочиш эса бефойда... Тўхта, нима бўлганда ҳам у менга ҳужум қилишга ботинмади-ку. Тишларимни маҳкам қисганимча унинг устига юрдим. Қўрқувдан этим увишаётган эса-да, билдирмасликка тиришардим. Оппоқ гуллаган йўғон новдалар орасидан ўтиб, унинг шундоққина рўпарада, йигирма қадамча нарида менга елкаси оша ҳадиксираб қараб турганини кўрдим. Кўзларига тик боқиб, яна бир қадам қўйдим.

— Кимсан? — деб сўрадим аста.

У ҳам мендан кўзини олиб қочмасликка уринарди.

— Керак эмас, — деди у туйқус, сўнг бурилди-да, бир сакраб ўзини буталар панасига олди. Тўхтаб, яна менга тикилди. Дарахтлар қўланкасида унинг кўзлари йилтилларди.

Ўпкам оғзимга тиқилди, энди хатарга тик боқишдан ўзга чорам қолмаган эди, начора, шартта бостириб боравердим. У яна ўзини панага олди, кўзлари яна йилтиллагандек туюлди.

Кун кеч бўлиб қолгани, ўрмонда юриш хавфли эка-

ни энди хаёлимга келди. Қуёш ҳозиргина ботган, тез тушадиган тропик оқшом осмонни машриқ томондан аллақачон ишғол этиб, тун элчиси — дастлабки парвона бошим узра товушсиз қанот қоқарди. Бирор хавф-хатар юз бермасидан дарҳол ўрмонни тарк этмоғим лозим эди.

Ўзи-ку, ўша кони азоб ҳужрага қайтиб боришни ўйлаш ҳам азоб, бироқ кечаси бу ёқларда тентирашнинг ўзи бўлмайди, тунда ҳар бало юз бериши мумкин. Яна бир бор анави бедаво яширинган кўкимтир оқшом пардасига қарадим ва ортимга бурилиб, пастга, жилғага қараб юрдим. Адашмасам, келган томонимга кетаётган эдим.

Юз берган воқеалардан бошим қотиб, тез-тез қадам ташлаб борарканман, яккам-дуккам дарахтлар ўсган ялангликдан чиқиб қолдим. Қуёш ботиши арафасидаги мусаффо тиниқлик аллақачон ғира-шира қоронғиликка жой бўшатган, оқшом борган сари қуюқлашар, бирин-сирин юлдузлар чарақлаб чиқмоқда эди; кундузи яшил рангда товланувчи оралиқлар, дарахт ўсмаган очиқ жойлар ҳозир қорайиб, сирли кўринарди.

Мен олға интилардим. Атрофни зулмат қоплаган. Ой шуъласида дарахт учлари тиккайиб кўринади, ердаги бор нарса эса айқаш-уйқаш, фарқлаб бўлмас ҳолда бир-бирига қоришган. Бора-бора дарахтлар сийраклашиб, бутазор бошланди. Кейин у оқиш қум ила қопланмиш кимсасиз яланглик билан алмашди, сўнг эса яна чакалакзор кўндаланг бўлди.

Ўнг томонимдан келаётган тинимсиз шитир-шитир ташвишга соларди. Олдинига, шундай туюлаётгандир, деб ўйлаб тўхтадим — дарахтларнинг тунги шабадада оҳиста тебранишидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Бироқ қадам ташладим дегунча яна кимнингдир оёқ товуши жўр бўлди.

Мен чакалакзорни четлаб, очиқ жойлардан юришга тиришдим, аҳён-аҳёнда шартта бурилиб, ўгринча таъқиб этаётган шарпани — агар у чиндан ҳам бор бўлса — фош этишга, уни ғафлатда қолдиришга ури-

нардим. Жами уринишларим беҳуда кетаётган эса-да, кимдир изма-из таъқиб этяпти, деган ўй барибир ичэтимни тимдаларди. Қадамимни тезлатдим ва ҳашпаш дегунча унчалик баланд бўлмаган тепаликка етдим, ундан ошиб ўтгач, тўхтаб, ортимга ўгирилдим ва келган томонимга синчиклаб тикилдим. Қорамтир уфқда ҳозиргина мен ошиб ўтган тепалик яққол кўринб турарди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, тепалик устида хира кўланка акс этди, акс этди-ю, кўздан йўқолди. Танаси қизғиш мухолифим изма-из келаётганига заррача шубҳам қолмади. Устига устак, йўлдан ҳам адашганга ўхшардим.

Нима қиларимни билмай, бошим қотган кўйи олдинга шошилдим. Шарпа ҳамон мени ўғринча таъқиб этарди. У гўё мени даф қилишга журъат этолмас ёки қулай фурсат пойларди. Мен имкон қадар ўрмон четидан юришга уринардим. Юриб-юриб тақка тўхтайманда, тевараккa аста қулоқ тутаман. Охири таъқиб этаётган рақибим мендан зерикди, ким билсин, балки бундай рақибнинг ўзи бўлмагандир, мен меровсираб шундай ўйлагандирман, деб ўзимни ишонтира бошладим. Ниҳоят, денгизнинг шовуллаши эшитилди. Қадамим нақадар тезлашганини билсангиз эди, мен деярли чопиб борардим, алҳол орқамда кимдир қаттиқ қоқингандек бўлди.

Шарт бурилиб, ортимда қорайиб турган дарахтларга тикилдим, қандайдир қора кўланка иккинчиси билан қўшилгандек туюлди. Қўрқувдан титраганча, жисмим қулоққа айланиб тингладим, бироқ чаккамдаги қон томиримнинг дук-дук тепишидан бошқа нарса эшитилмади. Асабим издан чиққан, шу боис хаёл олиб қочяпти, дея ўзимни овутиб, денгиз шовуллаётган томонга ошиқдим.

Озгина юриб-юрмасимдан ўрмон сийраклашди ва мен бўтана сув ювиб турган пастқам яйдоқ бурунга чиқдим. Тун сокин ва мусаффо, денгизнинг осуда сиртида осмондаги чаман юлдузлар шуъласи акс этиб жимирлайди. Сал нарида, яккам-дуккам тош ва қоялар

кўринган ерда сув унча ялтирамайди. Ғарб томонда туркум юлдузлар якка-якка оқшом юлдузларининг сарғиш жилоси билан қоришиб акс этади. Соҳил мен турган ердан шарқ томонга чўзилган, ғарбдан уни бурун тўсиб турибди. Демак, дея тусмолладим мен, Моронинг уйи яна ҳам ғарброқда бўлса керак.

Орқамда шох қисирлаб синди ва шитирлаган товуш эшитилди. Бурилиб, қорайиб кўринаётган дарахтзорга синчков юзландим. Тавба, ё кўзим ҳеч балони илғамасди, ёки қўрққанга қўш кўринади, деганларидек, ҳамма нарса менга таҳдид солаётганга ўхшарди. Ҳар бир кўланка қоронғида қандайдир ғайриоддий мавжудот тусида кўринар, ҳозир у худди менга ташланиб қоладигандек эди. Шу асно бир зум қотиб турдим, сўнг дарахтлардан кўз узмай, бурунни кесиб ўтиш мақсадида ғарб томонга йўналдим. Жойимдан қўзғалишимни биламан, кўланкалардан бирига жон кириб, кетимдан эргашди.

Юрагим қаттиқ дукиллаб ура кетди. Бахтимга кўп ўтмай ғарб томонда кенг кўрфаз кўринди ва мен яна жойимда таққа қотдим. Сассиз кўланка ҳам менга ўн қадамча етмай тўхтади. Олисда, кўрфаз этагида жимитдек ёруғ нуқта милтиллаб кўзга ташланар, кулранг қумлоқ соҳил эса хира юлдузлар нурида унчалик билинмасди. Милтиллаётган нур билан орамиз чамаси икки милча келарди. Соҳилга етиш учун анави даҳшатли кўланкаларга тўла ўрмонни кесиб ўтиб, бута ва чакалакзорлар ўсиб ётган тепаликдан пастга тушишим лозим эди.

Мени таъқиб этаётган шарпа энди аниқ кўринарди. У ҳайвон эмас, чунки икки оёғида тик турарди. Унга гапирмоқ учун оғиз жуфтлашимни биламан, титроқдан бўғзимга бир нарса тиқилди. Ўзимни зўрлаб бўлса ҳам бир амаллаб қичқирдим: — Ким у?

Бироқ ҳеч қандай жавоб янграмади. Мен олға бир қадам ташладим. У ўрнидан жилмади, бироқ тараддудлангандек бўлди. Худди шу пайт тошга қоқилиб кетдим.

Бу калламда ажойиб фикр туғдирди. Қора кўланкадан кўзимни узмай, энгашиб, ердан каттагина харсанг тош кўтардим. Буни кўриб, у худди ит каби дарҳол ўзини четга олди ва қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Мактабда ўқиб юрган пайтимиз баҳайбат итларга қарши ишлатган ҳийламиз эсимга тушиб, тошни дастрўмолимга ўрадим-да, кафтимга айлантириб ўраб олдим. Мендан анча нарида нимадир шитирлади, афтидан, рақибим чекинаётган эди. Кутилмаганда кайфиятим сўниб, аъзойи баданим бўшашди-қолди. Рақибим жуфтакни ростлар, мен эсам, қўлимда тош, дағ-дағ титрар, танам тердан шалаббо бўлиб кетганди.

Токи ўзимга келиб, ўрмон билан чакалакзорни кесиб ўтиб, буруннинг нариги томонига чиққунимча анча вақт ўтди. Мен юрмасдим, балки жон ҳовучлаб югурардим, энди чакалакзордан ўтиб, қумлоқ соҳилга чиқдим, деганимда ортимдан яна кимнингдир шатир-шутур қилиб чопиб келаётгани эшитилса бўладими.

Қўрқувдан тамомила гангиб, соҳил бўйлаб ура қочдим. Ортимдан яланг оёқларнинг тапир-тупури эшитилди. Мен жонҳолатда дод солиб, яна ҳам илдамроқ чопа кетдим. Нафасим бўғзимга тиқилиб қочиб борарканман, чўчитиб юбордим, шекилли, қуёнга катталиги тўртта келувчи аллақандай қорамтир махлуқлар сакраганча ўзларини чакалакзорга уришди. Токи кўзим тирик экан, бу даҳшатли таъқибни унутолмасам керак. Мен сув ёқалаб жонҳолатда қочиб борар, ортимдан етиб қолган рақибимнинг оёқлари эса сувга тушиб шалопларди. Милтиллоқ ёғду намунча узоқда-я, намунча узоқда?! Атроф қоп-қоронғи, жимжит. Фақат сувнинг шалоплаши — менга етиб олишига сал қолган оёқларнинг сувни шалоплатиши эшитилади, холос. Ўпкам оғзимга тиқилган, охирги пайтлар анча ҳолсизланиб қолганимдан нафасим қисилиб, базўр нафас олардим, биқиним худди пичоқ санчгандек санчарди. Сездимки, тош деворга етиб улгурмасимдан орқамдаги махлуқ менга етиб олади. Нафасим тиқилиб турганига қарамай, уни яқинроқ келтириб, даст

бурилдим-да, кучим борича қулочкашлаб туширдим. Дастрўмолдаги тош худди палахмон тошидек учди.

Бурилган вақтим тўрт оёқлаб қувиб келаётган махлуқ шошилиб икки оёқда туриб қолди ва тош нақ унинг чап чаккасига тегди. Ҳайвонсифат одам қалқиб тушди ва мени қўллари билан итарганча, гандираклаб қумга йиқилди, юз тубан сувга ағанади ва қимир этмай қолди.

Қорамтир мавжудотга яқин бориб қарашга юрагим дов бермасди. У оҳиста шовуллаётган сув бўйида, сокин юлдузлар шуъласи остида қолди, мен эса уни анча наридан ёнлаб ўтиб, милтиллаб кўринаётган ёғду сари кетдим. Пуманинг аянчли ўкиригини эшитиб, ниҳоят, енгил тортдим, мени мўъжизавор оролда дайдишга мажбур этган айнан шу овоз эди. Ўлгудек ҳолдан тойган эсам-да, сўнгги кучимни йиғиб, милтиллаб турган ёруғлик томон чопдим. Қоронғида кимдир ҳадеб мени чақираётганга ўхшарди.

Х б о б

ОДАМЗОД ФАРЁДИ

Уйга яқинлашарканман, чироқ ёғдуси мен турган хонанинг очиқ эшигидан таралаётганини кўрдим, яқингинадан, қоронғилик бағридан Монтгомерининг овози келди:

– Прендик!

Мен югуришда давом этдим. Монтгомери яна чақирди. Унга жавобан зўрға овоз беролдим, холос. Гандираклай-гандираклай аранг унинг олдига етиб келдим.

– Қаерларда юрибсиз? – деди у, юзимга ёруғ тузукроқ тушсин учун қўли билан мени эшикдан тушаётган чироқ шуъласига сургаб. – Биз икковлон ишга шу қадар берилиб кетибмизки, сизни бутунлай ёдимиздан чиқарибмиз. Эслаб, ярим соатдан бери қидириб юрибмиз.

У мени хонага етаклади, оромкурсига ўтқазди. Анча вақт чироқ нурида кўзимни очолмай ўтирдим.

— Бизга бир оғиз индамай, оролни айлангани чиқиб кетибсиз-да, — деди у, — шунақаям бўладими, роса хавотир олдим-ку. Ие... бу нимаси?..

Қолган-қутган кучим мени тарк этиб, бошим кўксимга шилқ этиб тушди. У шоша-пиша менга бренди ичирди.

— Худо ҳаққи, эшикни беркитинг! — дея илтижо қилдим мен.

— Бу дейман, хушсурат мезбонларимиздан бирортасини учратиб қолганга ўхшайсиз? — деди Монтгомери.

Сўнг илдам бориб эшикни беркитди-да, яна мен томон ўгирилди. Аввалига ҳеч нарса сўрамади, фақат менга сув билан тағин озгина бренди ичказди, мажбурлаб овқат едирди. Мен тамомила карахт эдим. Бир пайт у тилга кириб, аввал мени огоҳлантириб қўйишни унутганини маълум қилди, сўнг уйдан қачон чиқиб кетганим ва нималарни кўрганимни суриштира бошлади. Мен эсам унинг саволларига ўзимни зўрлаб, узуқ-юлуқ жавоб қайтарардим.

Ахир бу нима деган нарса? — дедим мен ниҳоят титраб-қақшаб.

— Ваҳима қилишга арзимайди, — жавоб берди Монтгомери, — менимча сизга, бугунга шунинг ўзи ҳам етади.

Шу чоқ яна пуманинг юракни ўртовчи ўкириги эшитилди. Монтгомери ғудраниб сўкинди.

— Худо урсин, агар, бу ер расволикда анави мушукбозор Гауер стритдан фарқ қилса Монтгомери, — дедим мен, — орқамдан қувлаган нима ўзи? Ҳайвонми ёки одам?

— Агар сиз ҳозироқ ётиб ухламасангиз, эрталабгача бутунлай ақлдан озасиз, — деди у.

Ўрнимдан туриб, унга юзма-юз келдим.

— Анави изимдан қувлаган махлуқ нима? — дея саволимни такрорладим.

У кўзимга тик қараб, лабини бурди. Сал бурун чақнаб турган нигоҳи бирдан хира тортди.

– Гапларингизга қараганда, у арвоҳ бўлса керак.

Унинг бу гапидан ғазабим қўзиди, лекин қандай қўзиган бўлса, шундай тез сўнди ва мен ўзимни яна оромкурсига ташлаб, бошимни кафтларим орасига олдим-да, маҳкам сиқдим. Пума тағин ўкиришини бошлади.

Монтгомери орқамдан яқин келиб, қўлини елкамга қўйди.

– Менга қаранг, Прендик, – деди, – сизнинг бу расво оролга келиб қолишингизга мен айбдор эмасман. Кейин, огайни, бу ер жуда сиз ўйлаганчалик даҳшатнинг уяси эмас. Фақат асабингиз анча толиққан. Уйқу дори берсам, ичасизми? Бу... ҳали-бери тугамайди, яна уч-тўрт соат давом этади. Ётиб, ухланг! Маслаҳатим шу, акс ҳолда ўзингизга жабр қилган бўласиз. Кейин бир нарса бўлса, айбга буюрмайсиз.

Мен лом-мим демадим. Энгашиб, юзимни кафтларим билан беркитиб олдим. У чиқиб кетди ва бир оздан сўнг кичкинагина шишада қандайдир қорамтир суюқлик кўтариб кирди. Шишани менга узатди. Мен доридан озроқ ичдим, кейин тўр беланчакка чиқиб ётишимга кўмаклашди.

Уйқудан уйғонганимда кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Анча вақт қимирламай шифтга термулиб ётдим. Шифтга ташланган тўсинлар кема ёғочидан экани кўриниб турарди. Ўгирилиб, стол устида нонуштам тайёр турганини кўрдим. Қорним очганини ҳис этиб, секин беланчакдан тушмоқчи бўлгандим, оғирлигим босиб гурсиллаб ағанадим. Бахтимга, полга тиззам, қўлларим билан тушдим ва бир амаллаб оёққа туриб олдим.

Сўнг нонуштага ўтирдим. Бошим зилдай оғир, кеча юз берган воқеалар миямда чарх урарди. Ойнасиз дарчадан роҳатбахш тонгги шабада урар, овқатга қўшилиб, танга бир олам ҳузур бахш этарди. Бир вақт ор-

қамдаги ичкари ҳовлига қараган эшик шарақлаб очилди ва Монтгомерининг юзи кўринди.

— Қалай, тузукмисиз энди? — деди у, — иш ниҳоятда кўп, бош қашлагани вақт йўқ.

Шундай деб у яна эшикни ёпди, бироқ қулфлашни ёдидан чиқарди.

Шу чоқ кўз олдимга беихтиёр унинг кечаги қиёфаси келди ва юз берган воқеалар хаёлимда қайта такрорлангандек бўлди. Ўша даҳшатлар кўз олдимдан ўтиб турган эдики, яна қулоғимга бақириқ эшитилди. Бироқ бу пуманинг овози эмасди.

Оғзимга олиб бораётган луқмам ҳавода қотиб, атрофга аста қулоқ тутдим. Жимжитлик, фақат тонгги шабада оҳиста шивирлайди, холос. Менга шундай туюлди-ёв, деган фикрга келдим.

Анча вақт шу алфозда жим ўтирдим, сўнг яна овқатланишга тутиндим, бироқ қулоғим динг эди. Сал вақт ўтиб-ўтмай, яна паст, жонсиз ингроқ эшитилди. Мен ўтирган жойимда қотдим. Бу товуш мени шу дамгача девор ортидан эшитилган барча аянчли ўкириклардан ҳам ортиқроқ ҳайратга солди. Хато қилаётган бўлишим сира мумкин эмасди, элас-элас қулоққа чалинаётган паст, титроқ товуш нималигини аниқ сезиб турардим: бу ора-сира узуқ-юлуқ фарёдлар билан бўлиниб турган ингроқ эди! Ва у аниқ ҳайвонники эмасди. Овоз соҳиби — ит чидамас азобларга тириклайин маҳкум этилган одам боласи, инсон!

Бунга ишончим комил эди, ирғиб ўрнимдан турдим-да, уч ҳатлашда етиб, ҳовлига қараган ичкари эшикни ланг очиб юбордим.

— Прендик, тўхтанг! — дея йўлимни тўсди бехос пайдо бўлган Монтгомери.

Чўчиб кетган итлар ириллаб, вовуллашди. Рўпарада турган жом қорамтир, тўқ қизил қон билан тўла эди. Димоғимга карбол ишқорининг ўзига хос чучмал ҳиди гуп этиб урилди. Ғира-шира қоронғу очиқ эшикдан дастгоҳга маҳкам чандиб боғланган, ҳаммаёғи қон, бошдан-оёқ тилиб ташланган ва бинтланган аллақан-

дай жонзот кўзга ташланарди. Ҳаш-паш дегунча, кекса Моронинг оқ сочли, баҳайбат калласи барча нарсани тўсди.

У кела солиб, қон юқи қўли билан елкамдан чангаллади ва ёш боладек силтаб кўтариб, ичкарига итқитди. Полга чалқанчасига гупиллаб тушдим. Эшик қарс этиб ёпилиб, дарғазаб Моро кўздан йўқолди. Сўнг эшик қулфининг шарақлаши ва Монтгомерининг уни юпатгани эшитилди.

– Ҳаёт-мамотимни тиккан ишимни барбод этай деди-я, – деди Моро.

– У буни тушунармиди, – деди Монтгомери ва кетидан яна нималардир деб минғирлади, бироқ менга эшитилмади.

– Бунга вақтим бормиди мени? – дея тўнғиллади Моро.

Қолган гап-сўзларни уқмадим. Баъзўр ўнгланиб, оёққа турдим. Аъзойи баданим қалтирар, миям алмойи-алжойи шубҳалардан ғовлаб кетган эди. Одамни вивисекция қилиш?! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатку, бу! Ушбу фикр хаёлимда чақмоқдай чақнади. Шу баробар туманли маҳобат ҳукмрон миямга беихтиёр ўзимни ҳам бир кунмас бир кун ана шундай аянчли қисмат кутмоқда, деган ўй урилди.

XI б о б

ОДАМ ИЗИДАН ОВ

Ташқари эшик очиқлигини ўйлашим ҳамон миямга бирдан қочсам, балки қутулиб кетарман, деган аҳмоқона фикр келди. Моронинг одам устида вивисекция тажрибаси ўтказаётганига энди заррача шубҳам қолмаган эди. Бу ерга қадам қўйиб, Моро деган номни эшитибманки, оролликларнинг ғайриоддий тарзда ҳайвонсифатлиги унинг қабиҳ тажрибалари билан боғлиқ бўлиши керак, деган ўй миямдан кетмасди. Энди бунинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб,

ишонч ҳосил қилдим. Унинг қон алмаштириш борасидаги илмий иши беихтиёр хаёлимга келди. Шубҳасиз, мен бу ерда кўрган мавжудотлар қабиҳона тажрибалар қурбони эди. Анави аблаҳлар бир бало қилиб мени бу ерда олиб қолишди, аввал бошда ишонч билдириб, лаққиллатишади, сўнгра бошимга дўзах азобини солиб, ўласи қилиб қиймалаб, энг разил пасткашликка дучор этишади — оролдаги тайин-тутуриғи йўқ ҳайвонсифат одамлар подасига қўшиб юборишади. Қўлга илинарли бирор қурол илинжида хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртирдим. Ҳеч вақо йўқ. Билмадим, қаердан куч кирди, оромкурсини шартта тўнтардим-да, четидан маҳкам босиб, оёғини суғуриб олдим. Қандай соз, унга қўшилиб михи ҳам чиқди, таёқча анча ваҳимали кўринарди. Шу дам ташқаридан эшикка яқинлашаётган қадам товушлари эшитилди, кутиб ўтирмай, эшикни шартта очдим — остонада Монтгомери турарди. Шубҳасиз, у эшикни қулфлагани келган эди.

Қўлимдаги михли таёқни ҳаволатиб, унинг башарасига солдим, аммо у чап беришга улгурди. Бир дақиқа шошиб қолдим, сўнгра бурилиб, тош девор бурчагига қочдим.

— Қанақа одамсиз-а, ўзи, Прендик? — деди у ҳайратомуз, — жинни-пинни бўлганмисиз?

Агар бир дақиқа кечикканимда, у эшикни устимдан қулфлаган ва тўрга тушган қуёндек тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмаган бўларди, дея ўйлардим мен ҳамон. У бирпасда кетимда пайдо бўлди ва яна:

— Прендик! — деб чақирди.

У ортимдан чопар, тинимсиз нималардир деб бақирарди.

Бу гал мен довдираб, кечаги томон эмас, унга тескари — шимоли-шарққа қочиб борардим. Қирғоқ бўйлаб ҳаллослаб борарканман, елкам оша ортимга ўгирилиб қарасам, Монтгомерига анави хизматкори қўшилиб олибди. Жон-жаҳдим билан тепалик сари

ўрладим, сўнг шарқ томонга бурилиб, иккала ёғи чакалакзор тошлоқ дарага чиқдим. Шу алфоз бир милча йўл босдим, кўксим ҳарсиллаб қисилар, қулоғимга юрагимнинг дукиллаб уриши аниқ эшитиларди. Ортимда Монтгомери ва хизматкорининг қадам товушлари эшитилмаётганига тўла ишонч ҳосил қилгач, тамоми ҳолсизланиб, шартта орқага, назаримда, қирғоқ томонга бурилдим ва ўзимни бор-е, деб қамишлар соясига отдим.

У ерда қимирлашга ҳам, кейин қандай иш тутишни ўйлашга ҳам юрагим бетламай, узоқ ётдим. Теграмда кимсасиз бўшлиқ офтобшувоқда мудрар, фақат чивинларнинг тинимсиз ғингиллашигина эшитиларди. Ён томонимдан кишини аллалаб, кўзини илинтирувчи ёқимли шилдираган товуш келди, бу қирғоққа оҳиста урилаётган тўлқин овози эди.

Бир соатлар чамаси ўтгач, узоқда, шимол томонда Монтгомерининг овози қулоққа чалинди, у мени чақирарди. Дарҳол сергакланиб, режа туза бошладим. Англашимча, оролда икки нафар вивисекциячию, улар ясаган ҳайвонсифат одамлардан бошқа ҳеч ким яшамас экан. Демак, зарурат туғилса, ҳайвонсифат одамлардан айримларини менга қарши қайрашдан ҳам тойишмайди. Устига-устак, Моро билан Монтгомерида қурол — тўппончалари бор, менда эса учи михли калтакдан бўлак ҳеч вақо йўқ.

Чанқаганим ва қорним очгани ёдимга тушгунга қадар жойимдан жилмай ётдим. Бироқ, кейинроқ аҳволим бутунлай танг эканига амин бўлдим. Ейишга бирор нарса топилиши мумкинлиги даргумон эди. Еса бўладиган мева ёки томир қидириб топиш учун ўсимликлар илмини яхши билиш керак. Оролдаги қуёнларга тузоқ қўяй десам, анжом йўқ. Ўйлаганим сари тушкунлик енгиб, миям ғовлаб борарди. Охири умидсизлик буткул исканжага олиб, кўз олдимда ўрмонда учратган ҳайвонсифат одамлар жонланди. Шуларни хаёлимдан ўтказарканман, ўзимча сўнгги умид учқунини топишга уринардим. Уларнинг ҳар бирини алоҳи-

да-алоҳида кўз олдимга келтирар, қайси бирининг менга ёрдами тегиши мумкинлигини аниқлашга тиришардим.

Бирдан янги хатардан огоҳ этиб, тозининг ҳургани эшитилди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, чунки ушлаб олишлари ҳеч гап эмасди, михли таёқни кўтарганча яшириниб ётган еримдан чиқиб, сув шилдираётган томонга юрдим. Ҳали-ҳали унутолмайман: чакалак шохлари, тиканаклар таталаб, игнадек санчилар, устбошим йиртилиб кетган, баданимдан қон тирқирарди. Шу аҳволда ҳаллослаб, шимол томон чўзилиб кетган кичкинагина кўрфаз лабидан чиқдим. Кўрфазни тиккасига кесиб, ўйлаб-нетиб ўтирмай, сувга тушдим. Саёз дарё суви тиззамгача кўмди. Ниҳоят, амаллаб нариги, ғарбий қирғоққа ўтиб олгач, юрагим дуккиллаб, ўзимни қуюқ қирққулоқлар ичига урдим ва нима бўлса энди пешонамдан кўрдим, деб кута бошладим. Итнинг яқинлашаётгани (у ёлғиз эди), чакалакзор яқинида ҳургани эшитилди. Бошқа овоз эшитилмади ва мен хайрият, қутулдим, деб енгил тин олдим.

Дақиқалар бирин-кетин ўтиб борар, яхшики, тинчликни ҳеч ким бузмасди. Бир соатлик осойишталикдан сўнг секин-аста ўзимга кела бошладим.

Энди мени қўрқув ҳам, умидсизлик ҳам қийнамасди. Мен бу иккала туйғунинг сарҳадларидан ўтиб бўлгандим. Яшашнинг заррача маъноси қолмаган, энди нима истасам, қилаверишим мумкиндек туюларди. Кўнглим шу чоқда Моро билан юзма-юз келишни тусаб қолганди. Ўзим ўтган дарёга қараб, агар иложсиз қолсам, барча азоблардан қутулишнинг ягона осон йўли — шу дарёга ғарқ бўлиб ўлиш, бунга ҳеч ким монелик қилолмайди, деб ўйлардим. Бирдан шундай қилгим ҳам келди, бироқ охиригача кутиш, юз беражак ҳамма воқеаларни ўз кўзим билан кўриш истаги, қолаверса, қонимдаги қизиқувчанлик устунлик қилиб, аҳдимдан қайтдим. Чакалакзорда таталанган, толиққан аъзоларимни силаганча атрофга аланглардим. Шу чоқ кўм-кўк буталар ортидан бир қоп-қора нусханинг

боши пайдо бўлди ва менга кўзларини лўқ қилганча туриб қолди.

Бу ўша, баркасни қирғоқда кутиб олган маймунсифат махлуқ эди. У палма танасини эгганча дарахтда осилиб турарди. Мен таёқ ўқталиб, ундан кўз узмай, ўрнимдан қўзғолдим. У жағи-жағига тегмай ғудурлай кетди:

— Сиз, сиз, сиз... — Унинг гапларидан менинг бор уққаним шу бўлди.

Кейин сакраб пастга тушди, қирққулоқ шохларини қўли билан икки томон сурганча, менга қизиқсиниб тикилди.

Анави ҳайвонсифат одамлардан фарқли ўлароқ, негадир унга нисбатан менда жирғаниш ҳисси пайдо бўлмади.

— Сиз ҳў, қайиқда келган одамсиз, — деди у.

Шубҳасиз, у одам эди: худди Монтгомерининг хизматкори каби гапиряпти-ку, ахир!

— Ҳа, — дедим, — мен ўша, қайиқда келган одамман. Ҳў, катта кема ташлаб кетди-ку.

— Ў-ў! — деди у ҳайратланиб, сўнг йилтиллаб турган ўйноқи кўзлари билан аввал қўлларимга, кейин таёқчага, оёғимга, титилиб кетган кийимларимга, тикан илиб, тирнаган яра-чақаларимга бир-бир қараб чиқди. Чамаси, у нимадандир қаттиқ ҳайратда эди. Яна қўлларимга тикилди. Сўнг қўлини олдинга чўзди-да, шошилмай бармоқларини санай бошлади:

— Бир, икки, уч, тўрт, бешта-а?

Мен бошда ҳеч нарса тушунмадим. Бу ҳайвонсифат одамларнинг аксарият қўллари майиб-мажруҳ эканини, айримларида ҳатто учтадан бармоқ етишмаслигини кейин англадим. Унинг бу ишини салом ўрнида билиб, алик олиб қўя қолдим. У бениҳоя мамнуният билан иржайди. Сўнг ўйноқи кўзлари яна атрофга аланглади. Туйқус дик этиб бурилди-да, кўздан ғойиб бўлди. У турган жойдаги қирққулоқ шохлари шитирлаб, аста тикланди.

Унинг кетидан юриб, чакалакзордан чиқдим. Ажа-

бо, у энди орқа ўгирганча, рўпарамдаги дарахтнинг барглари орасидан чиқиб турган ток танасига ўхшаш шохга ингичка қўллари билан осилиб, тебранмоқда эди.

– Ҳой! – деб чақирдим мен.

У енгил сакраб ерга тушди-да, менга рўбарў бўлди.

– Бу ёққа қара, егулик ҳеч нарса йўқми? – сўрадим ундан.

– Егулик? – деди у. – Есак, одамга ўхшаб ейишимиз керак. – Шундай деб, ҳозиргина ўзи осилиб турган шохга қараб қўйди. – Фақат ертўламизда...

– Қаерда ертўлангиз?

– У-ў!

– Мен ахир билмайман, бу ерга биринчи келишимку.

У шартта ўгирилди-да, илдам қадам ташлаб юриб кетди. Қизиқ, унинг ҳаракатларида ҳайратомуз чаққонлик зоҳир эди.

– Бу ёққа! – деб чақирди у.

Дарҳол унинг кетидан йўналдим. Бундай махлуқларнинг жойи қаер бўларди, бирор қаровсиз ертўладир-да, албатта, бунга ақлим етиб турарди. Ким билсин, балки улар менга яхши оқибат кўрсатишар, тезда тил топишиб ҳам кетармиз. Ўзимча тахмин қилаётган инсоний хислатлардан уларнинг нақадар йироқ экани ҳозир хаёлимнинг кўчасига ҳам келмас эди.

Маймунсифат ҳамроҳим ёнимда пилдираб кетмоқда, қўлларини ерга теккудек осилтириб олган, жағи олдинга туртиб чиққан. Қандай бўлмасин маълумот олиш учун аста суриштирдим:

– Қачондан бери бу оролдасан?

– Қачондан бери? – дея такрорлади у ва учта бармоғини айри қилиб кўрсатди. Хатти-ҳаракатлари тамомила овсарлигидан далолат берарди. Бу билан у нима демоқчи эканини аниқлашга уриндим, бироқ ҳаракатларим зое кетди. Уч-тўртта саволдаёқ у мендан нари кетди ва қандайдир мевага кўзи тушиб, дарахтга тирмашди. Кафтини тўлдириб пўстлоғи тикан ёнғоқдан

узиб тушди ва чақиб, ея бошлади. Мен ҳам егулик топилганидан ўзимда йўқ шод эдим. Яна бир-иккита нарсани сўрагандим, у оғзига келган калимани алжирай бошлади. Айрим гапларини амаллаб тушунса бўларди, бироқ аксарият гаплари тўтиқушнинг вайсашини эсга соларди.

У билан бўлиб, қаёққа йўналаётганимизга ҳам эътибор бермабман. Бир пайт танаси қорайиб, кўмирга айланган дарахтлар орасига кирдик, сўнг оқ-сарғимтир яланглиққа чиқдик. Ердан буралиб-буралиб қуюқ тутун ўрмалар, бурун ва кўзга кириб ачиштирарди. Ўнг қўлда, яланғоч қоя ортида кўм-кўк денгиз кўзга ташланади. Илонизи сўқмоқ бирдан пастлаб, иккита баланд, бетартиб шағал уюми ташкил этган жарлик бошланди. Биз пастга эндик.

Бўз-сариқ йилтироқ юзада акс этиб, кўзни қамаштираётган офтоб кўздан йўқолгач, жарлик ниҳоятда қоронғи туюлди. Жар деворлари борган сари баландлашар, бир-бирига қовушиб борарди. Кўз олдимда яшил ва қизғиш доғлар ўйноқлай кетди. Йўлбошловчим бирдан тўхтади ва:

– Уйим, – деди.

Қарасам, қандайдир чуқур унгурнинг оғзида турибман, уни қоронғуда сезмаган эканман.

Қулоғимга ғалати овозлар эшитилгандек бўлди, яхшироқ кўриш учун чап қўлим билан кўзларимни ишқалай бошладим. Ғордан ниҳоятда бадбўй ҳид анқирди. Одатда, маймунларнинг яхши тозаланмаган қафасидан шундай ҳид келади. Нарироқда, бир жуфт баланд қоя ортида ям-яшил нурафшон тепалик кўзга ташланар, қуёшнинг ингичка нурлари лахтак-лахтак ҳолда, икки томондан унгур ичига ҳам ёғилмоқда эди.

XII боб

ҚОНУН ЖАРЧИЛАРИ

Қўлимга совуқ нарса тегди. Чўчиб тушдим, қарасам, шундоқ ёнимда териси шилиб олинган болага ўхшаш хира қизғиш тусдаги алламбало махлуқ турибди. У худди ленивец каби мулойим, беозор, бироқ одамни жиркантирар даражада бадбашара, манглайи ниҳоятда паст, ҳаракатлари суст жонзот эди. Кўзим сал қоронғиликка ўргангач, атрофимдаги нарсаларни аниқроқ фарқлай бошладим. Ёнбошимдаги ленивецни эслатувчи жонзот ҳануз жойидан жилмас, менга тикилганча турарди. Ҳамроҳим эса қаёққадир ғойиб бўлганди.

Бу ер икки томони вулқондан ҳосил бўлган баланд деворлар билан ўралган торгина дара бўлиб, қотиб қолган лава оқимлари ҳар қадамда учрар, ҳар иккала девор ҳам сувўтларнинг қалин тўшаги билан қопланган, қуюқ ўсган палма ва қирққулоқлар ҳар жой-ҳар жойда кўз илғамас хилватгоҳларни барпо этганди. Ўртадан энига уч қадамча келувчи илонизи йўлак ўтган, қаерга қараманг, чирик мева-чева ва бошқа қолдиқлар ғарам бўлиб, йўлни тўсиб ётар, чидаб бўлмас даражада бадбўй ҳид таратарди.

Ленивецга ўхшаш пакана қизғиш жонзот, маймунсифат ҳамроҳим яқинроқдаги инларнинг биридан чиқиб, мени имо билан ичкарига таклиф қилгунга қадар, кўз узмай, қимир этмай тураверди. Ичкарига юраман, деб эдимки, ғаройиб гўшанинг яна бир бурчида баҳайбат, ўта бесўнақай махлуқ пайдо бўлди ва менга анграйганча, қандайдир тушунарсиз авзойда тош қотди. Бир дам иккиланиб қолдим, келган томонимга қараб қочиб қолайми, деб ҳам ўйладим, сўнг, бор-е, нима бўлса бўлди, ярим йўлдан қайтмайман, дедим-да, михли таёғимни қўлимда маҳкам тутганча, ҳамроҳим ортидан тор, сассиқ уяга бош суқдим.

Уя ярим доира шаклидаги кавланган кавакдан ибо-

рат эди. Унинг ичкари томонини ташкил этган қоя девор остида кокос ёнғоғи ва турли мева-чева тўп-тўп бўлиб турарди. Тош ва ёғочдан ясалган идиш-товоқлар ерда ётибди, фақат биргина идиш қўпол, энланма столдан жой олган. Ўчоқда ўт йўқ. Уянинг тим қоронғи бурчагида улкан қора шарпа ястаниб ўтирарди. Киришим билан у ўзича нимадир деб ғўлдирагандек бўлди. Маймунсифат ҳамроҳим шундоққина остонада, хира ёруғ тушиб турган ерда турарди, унга рўпара бурчакка ўтиб ўтиришим ҳамон менга кокос ёнғоғидан чақиб узатди. Ёнғоқни олдим-у, хонанинг диққинафаслигини ҳам унутиб, емоққа тутиндим. Пакана қизғиш жонзот уяга кираверишда турар, аллақандай қорамтир, кўзлари йилтироқ махлуқ эса унинг елкаси оша мени томоша қиларди.

— Ҳой, — деди тўғримда ўтирган сирли шарпа.

— У одам! У одам! — дея бидирлай кетди, мени бошлаб келган ҳамроҳим. — Одам, одам, менга ўхшаган тирик одам.

— Ўчир унингни, — дея ғудранди қоронғиликдаги шарпа.

Мен ўзимни зўрға идора қилиб, ёнғоқни ейишда давом этдим. Бутун эътиборимни жамлаб, қоронғилик бағрига тикилардим, бироқ ҳеч балони фарқлай олмасдим.

— У одам, — дея такрорлади қоронғиликдаги овоз. — У биз билан яшагани келдими?

Овоз кишини ҳайратга солар даражада бўғиқ, чийиллаш аралаш эшитилар, бироқ унинг инглизча талаффузида заррача нуқсон йўқ эди

Маймунсифат одам худди нимадир қилишим керакдек менга маъноли қаради.

Унинг муддаосини тушундим.

— У сизлар билан бирга яшагани келди, — дедим мен.

— У одам. У Қонунни билиши керак.

Энди сал бўлса-да, зулмат қўйнидаги қоп-қора букчайган гавданинг кўз илғар-илғамас қиёфасини фарқ-

лай бошладим. Кираверишда яна иккита куйдирган калла пайдо бўлиб, уя баттар қоронғулашди. Таёқни яна ҳам маҳкамроқ ушладим. Қоронғилик қўйнидаги шарпа овозини баралла қўйиб:

— Сўзларни такрорла, — деди.

Мен тушунмадим.

— Тўрт оёқлаб юрилмасин — бу Қонун, — деди у қироат билан.

Мен тамомила гангиб қолдим.

— Сўзларни такрорла, — деди маймунсифат одам, ўзи ҳам ўша жумлани қайтариб. Кираверишдаги нусхалар ҳам худди пўписа қилаётгандек, унга қўшилишди.

Мен уларнинг аҳмоқона жумласини такрорлашим кераклигини тушундим. Бироқ, бундан беш баттар бемаънигарчилик олдинда экан. Қоронғилик қўйнидаги овоз аллақандай тушунарсиз ибодатни қироат билан зикр этишга тушди, қолганлар, шу жумладан камина ҳам, унинг айтганларини жўр овозда такрорлай бошладик. Фақат такрорлабгина қолмай, махлуқлар таналарини у ёқдан-бу ёққа баробар ташлаб тебранишар, қўлларини тиззаларига уриб шапиллатишарди, мен ҳам шуни такрорлардим. Хаёлимда худди ўлганман-у, нариги дунёда юргандек эдим. Зулмат қўйнида қора-қура шарпалар тўпланган, ора-сира ёруғда ё у, ё бу аъзолари кўриниб қолар, бараварига бир маромда тебраниб, зикр тушишарди:

— Тўрт оёқлаб юрилмасин — бу Қонун. Ахир, биз одаммиз-ку?

— Сув тилда чапиллатиб ичилмасин — бу Қонун. Ахир биз одаммиз-ку?

— Гўшт ва балиқ хомлайин ейилмасин — бу Қонун. Ахир биз одаммиз-ку?

— Дарахт пўстлоғи тирноқ билан шилинмасин — бу Қонун. Ахир биз одаммиз-ку?

— Бошқа одамлар кетидан ов қилинмасин — бу Қонун. Ахир биз одаммиз-ку?

Хуллас, шу асно тақиқ кетидан тақиқ айтилаверди, бора-бора шундай чеклашларгача бориб етдики,

улар нафақат беъмани ва беибо, балки ақлга сиғмас даражада аҳмоқона ҳам эди. Биз жўр овозда тинимсиз зикр тушар, ҳайратомуз Қонунни такрорлаганимиз сари жазавамиз ортиб яна ҳам илдамроқ чайқалардик. Четдан қараганда, менга ҳам аллақачон бу ҳайвонсифат одамларнинг нуқси урганга ўхшар, бироқ ичимда истеҳзо ва нафрат туйғулари аёвсиз кураш олиб борарди. Узундан-узун тақиқ рўйхати тугаб, қироат оҳанги янгича тус олди:

– Уқубат уйи Уникидир.

– Яратгувчи қўл Уникидир.

– Янчгувчи қўл Уникидир.

– Шифокор қўл Уникидир.

Ва ҳоказо ва ҳоказо, хуллас, янада узундан-узоқ рўйхат, аллақайси номаълум «У» ҳақда қип-қизил сафсата. Бунинг барини туш деб ўйлаш ҳам мумкин эди, бироқ тушида одам қироат қилолмайди-ку.

– Чақмоқ Уникидир, – дея зикр тушардик биз.

– Тубсиз шўр денгиз Уникидир.

Шу чоқ миямда даҳшатли бир шубҳа милт этди: Моро бу бечора ҳайвонларни одамга айлантириб, шўрлик миясига ўзига сажда қилишни қуйган. Қироатни бас қилмоқчи бўлардим, бироқ мени қуршаган оппоқ тишлару ўткир тирноқларни кўриб, бунга журъат этолмасдим.

– Самодаги юлдузлар Уникидир.

Ниҳоят, зикр тушишни бас қилдик. Маймунсифат одамнинг юзи тердан йилтилларди. Кўзим қоронғиликка ўрганиб, бурчакда ўтирган, ҳозиргина хирилloқ овозда зикр тушган шарпани аниқроқ кўрдим. Бўйбасти худди одамникидек, бироқ аъзойи бадани скайтерьер зотли итнинг жунини эслатгувчи ўсиқ, тим кулранг тук билан қопланган. Ажабо, қандай жонзот бўлди бу? Қолганлар-чи? Ўзингизни бир ана шунақа, ақл бовар қилмас майиб-мажруҳ ва восвослар қуршовида тасаввур этиб кўринг, шундагина менинг айни ҳолдаги аҳволимни тушунишингиз мумкин.

– Унинг қўли беш панжалик, беш панжалик, ме-

никидек беш панжалик, — дея бидирларди маймунсифат одам.

Мен қўлларимни чўздим. Бурчакдаги кулранг шарпа олдинга энгашди.

— Тўрт оёқлаб юрилмасин — бу Қонун. Ахир, биз одаммиз-ку? — деди у тағин.

У ғалати майиб панжаларини чўзиб, бармоқларимни қаттиқ сиқди. Панжалари худди кийикнинг туёғини эслатар, ундан бармоқ йўнилганга ўхшарди. Мен қўрқув ва оғриқдан дод деб юбораёздим. У яна ҳам энгашиб, бармоқларимга синчиклаб тикилди, шунда калласи кираверишдан тушаётган ёруққа тўғри келди-ю, бутун турқи-таровати кўз ўнгимда намоён бўлди. Кўриб, этим жунжикиб кетди: ё тавба, у одам бўлиб одамга, ҳайвон бўлиб ҳайвонга ўхшамас, кўз ва оғиз учун мўлжалланган учта ёйсимон қорамтир ғовакдан иборат сержун, паҳмоқ пўстакни эслатарди унинг афти.

— Бунинг чангали кичкина экан, яхши, — деди бесўнақай паҳмоқ.

У қўлимни қўйиб юборди, мен эсам жонҳолатда таёққа ёпишдим

— Томир ва ўт-ўланлар билан озиқланиш керак — Унинг иродаси шу, — деди маймунсифат одам.

— Мен Қонун жарчисиман, — деди паҳмоқ махлуқ. — Барча янги келганлар бу ерда мендан Қонунни ўрганишади. Мен қоронғида ўтириб, барчани Қонунга даъват этаман.

— Ҳа, шунақа, — дея тасдиқлади кираверишда турган махлуқлардан бири.

— Кимда-ким Қонунни бузса, уни даҳшатли жазо кутади. Унга шафқат йўқ.

— Шафқат йўқ, — дея такрорлашди ҳайвонсифат одамлар бир-бирларига пинҳона олазарак қараб.

— Йўқ, йўқ, — дея тасдиқлади маймунсифат одам ҳам. — Асло шафқат йўқ. Эсингда тут! Бир гал мен айб қилдим, ёмон иш тутдим. Минғирлаб, минғирлаб, охири гапираолмай қолдим. Ҳеч ким мени тушунмай

қолди. Мени жазолашди, мана, қўлимда тамға. Ё қудратингдан, ўзинг паноҳингда асра!

– Шафқат йўқ, – деди бурчакдаги баҳайбат паҳмоқ махлуқ.

– Шафқат йўқ, – дея бир-бирларига шубҳали бақрайиб, жўр бўлишди ҳайвонсифат одамлар.

– Ҳар кимда бир камчилик бўлади, – деди Қонун жарчиси.

– Сенинг камчилигинг ҳали бизга номаълум, лекин секин-аста билиб оламиз. Айримлар тинчгина юрганларнинг пайига тушадилар, сездирмай пойлайдилар, қулай фурсат топиб ташланадилар, тишлаб жонини оладилар, шундай тишлайдиларки, нақ қонини сўрадилар... Бу ёмон.

– Одам овланмасин – бу Қонун. Ахир, биз одаммиз-ку? Гўшт ва балиқ хомлайин ейилмасин – бу Қонун. Ахир, биз одаммиз-ку?

– Шафқат йўқ, – деди кираверишда турган олачипор махлуқ.

– Ҳар кимда бир камчилик бўлади, – дея такрорлади Қонун жарчиси. – Айримлар қўли ва тишлари билан ўсимлик томирларини кавлайди, исканади... Бу ёмон.

– Шафқат йўқ, – дейишди кираверишда турганлар.

– Айримлар дарахт танасини тирнайди, айримлар гўр очиб, жасад қидиради ёки сузишиб, тепишиб, тимдалашиб уришади, айримлар ҳеч бир сабабсиз тишлайди, узади, айримлар шалтоққа юмаламаса, ётгандек бўлмайди.

– Шафқат йўқ, – деди маймунсифат одам яна, оёғини қашларкан.

– Шафқат йўқ, – дея такрорлади пакана қизғиш махлуқ.

– Жазо шафқатсиз ва муқаррардир. Шунинг учун ҳам Қонунни ўрган. Сўзларни такрорла. – Шундай деб у яна Қонун сўзларини зикр этишга тушди, барчамиз биргаликда унинг айтганларини қироат билан такрор-

лаб, яна у ёқдан-бу ёққа чайқала бошладик. Уянинг диққинафаслиги ва ҳадеб бир хил калимани такрорлаш кўнглимни беҳузур қилар, бироқ нимадир юз бериб, қутуларман, деган умидда тўхтамай уларга жўр бўлардим.

— Тўрт оёқлаб юрилмасин — бу Қонун. Ахир, биз одаммиз-ку?

Биз шу қадар шовқин солардикки, ташқаридан кимдир, адашмасам, мен ўрмонда учратган чўчқасифат одамлардан бири пакана қизғиш мухлуқнинг елкаси оша бош суқиб, жонҳолатда алламбало деб қичқирмаса, ташқаридаги тўс-тўполонни сезмас ҳам эдик. Уяга кираверишда турган махлуқлар ўша заҳоти ғойиб бўлишди, уларнинг кетидан маймунсифат одам, унга эргашиб қоронғи бурчакда ўтирган паҳмоқ махлуқ ҳам ташқари отилди. Уни энди аниқ кўрдим — баҳайбат, бесўнақай, ялтироқ юнгли мавжудот экан. Уяда бир ўзим ёлғиз қолдим.

Ўрнимдан туриб, остонага етар-етмасимдан тозининг овози эшитилди.

Кўз очиб юмгунча ташқарига отилиб чиқдим, қўлимда таёқ, аъзойи баданим дағ-дағ титрарди. Рўпарамда бесўнақай бошлари елкаларига чуқур ботган ҳайвонсифат одамлар менга беўхшов орқаларини ўгирганча турардилар. Улар ниманингдир ташвишида, бир-бирларига асабий имо-ишоралар қилишарди. Яна бир қанча ҳайвонсифат нусхалар уяларидан бошларини чиқариб, нима гап ўзи, дегандек ҳайрон боқишарди. Барчанинг нигоҳи қадалган томонга қараб, ғорга кираверишда, йўлак бошидаги дарахтлар панасида келаётган Моронинг қорамтир сумбатию, ғазабдан бўзарган юзини илғадим. У ҳуриб, олдинга сапчиётган тозини занжиридан маҳкам ушлаб олган, ортидан, қўлида тўппонча тутган Монтгомери соядек эргашиб келарди.

Бир зум қўрқувдан донг қотиб қолдим.

Орқамга ўгирилгандим, товоқдай кулранг юзли, қисиқ кўзлари йилтировчи улкан махлуқ йўлимни тўсганча, мен томон яқинлашиб келаётганини кўрдим.

Атрофга аланғладим, ўнг томонда, мендан, чамаси, ўн қадамча нарида — ғорнинг қоя девори оралиғида ёриқ сезилди, у ердан ингичка қинғир нур тушиб турарди.

— Тўхта! — дея қичқирди Моро, менинг ўша томонга қўзғалганимни кўриб. — Ушланглар уни!

Дастлаб махлуқлардан бири, кетидан қолганлари мен томон ўгирилишди. Бахтимга, уларнинг ҳайвоний онглари суст идрок этарди.

Бесўнақай алвасти, Моро нима деяпти экан, дея ўгирилиши билан олға ташландим ва тўппа-тўғри елкам билан бориб унга урилдим. Махлуқ мункиб кетди. Мени ушламоқчи бўлиб узалганди, бироқ қўли етмади. Пакана қизғиш махлуқ менга ташланди, қўлимдаги михли таёқ билан совуқ башарасига ўхшатиб туширдим-да, олға сакрадим ва ҳаш-паш дегунча девордаги, юқорига олиб чиқувчи ёриққа тирмашдим. У, афтидан, ғорда мўри вазифасини ўтарди. Орқамдан «Ушла!», «Қўйворма!» деган бақириқ-чақириқлар эшитилар, кулранг юзли паҳмоқ махлуқ менга деярли етиб олган, бесўнақай гавдаси билан ёриққа тиқиларди.

— Ушла, ушла! — дея ҳайҳайлашарди қолганлар.

Мен амаллаб тирмашиб ёриқ оралиғидан ўтдим ва ҳайвонсифат одамлар қароргоҳининг ғарб томонидаги сарғимтир-яшил текисликка чиқиб олдим.

Яккам-дуккам дарахтлар ўсган оқиш қия тепаликдан энкайиб чопиб, қамишлар қуюқ ўсган сайҳонликка етдим. Қамишзорни кесиб ўтиб, қалин қорамтир бутазорга кирдим. Оёқ ости чилпиллаган сув эди. Ғордаги ёриқ жонимга оро кирди: тор ва қия бўлгани боис, таъқиб этувчилар анча ушланиб қолди. Фақат қамишзорга шўнғиганимдагина, улардан бири тепаликда кўзга ташланди. Бутазорда анча тентирадим. Атрофни қий-чув, тўс-тўполон тўлдириб бораётганди. Тепаликдан мени қувиб келаётганларнинг бақириқ-чақириқлари, қамишларнинг шитирлаши, унда-мунда шохларнинг қисирлагани эшитиларди. Таъқиб этувчиларнинг айримлари худди ёввойи ҳайвондек ўкири-

шарди. Чап томондан този аккилади. Ўша тарафдан Моро ва Монтгомеринг бақириб-чақирган овози эшитилди. Мен шу заҳотиёқ ўнгга бурилдим. Худди Монтгомери, жонингдан умидинг бўлса, тезроқ қочиб қол, дея бақираётгандек туюларди.

Дабдурустдан оёғим остидаги ер юмшади ва пилчиллаб, балчиққа айланди, тиззамгача лой кечиб, зўрға қалин қамишзор оралиғидан ўтган илонизи сўқмоққа чиқиб олдим. Қувлаб келаётганларнинг қий-чуви энди чап томондан эшитилди. Бир жойга етганимда, палакат, оёғим остидан учта қизғиш, катталиги мушукдек келувчи ғалати жонзот ирғиб, ура қочса бўладими. Сўқмоқ борган сари юқорига ўрлади, юриб-юриб, яна сарғимтир теписликдан чиқдим, ундан нари қамишзор бошланди.

Таъқиб этувчилардан қочиб борарканман, сўқмоқ бирдан икки томони тик қия жарликка бурилди. Жонҳолатда чопиб келаётганимдан, оёғим остида пайдо бўлган бўшлиқни пайқамай, қулочимни ёзганча, бошим билан жарга қуладим. Тиконли буталар устига тушибман, уст-бошим йиртилиб, аъзойи баданим шилиниб, баъзўр ўрнимдан туриб олдим. Қулоқ жонвор ҳам яхшигина йиртилибди, юз-кўзим қон. Йиқилган ерим тошлоқ, чўкалдириклар ўсган экан. Пастда оқиш тутунни эслатувчи сийрак туман сузар, жар ўртасидан илонизи бўлиб оқиб ўтган жилғадан буғ кўтарилмоқда эди. Тавба, куппа-кундуз куни, офтоб чарақлаган пайтда туман нима қилади? Бироқ ажабланишга вақт йўқ эди. Мен оқим бўйлаб ўнгга бурилдим, мақсадим денгизга чиқиб, ғарқ бўлиб ўлиш эди. Шунда илғадим, таёғим йўқ, йиқилган еримда қолиб кетибди.

Тез орада жарлик торайди, йўл йўқолгач, эҳтиётсизлик қилиб, жилғани кечмоқчи бўлибман. Ўша заҳоти ирғиб, ўзимни четга отдим — жилға суви оёқни жизғанак қилар даражала қайноқ эди. Илғашимча, сув юзаси юпқа олтингугурт парда билан қопланган эди. Озгина юрмасимдан, жарлик бурилиб, кўкиш уфқ кўзга

ташланди. Қуёш нурлари денгиз сатҳида акс этиб, товланарди. Ана, сенга керак бўлса ўлим!

Ниҳоятда асабим таранг, ўпкам оғзимга тиқилиб қолган, харсиллаб нафас олардим. Бир томондан, анави таъқиб этувчиларни узоқда қолдириб кетганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Энди ўзини сувга ғарқ этадиган номард йўқ! Томирларимда қайноқ қон гупирарди шу онда.

Келган томонимга ўгирилиб, аста қулоқ тутдим. Чивинларнинг ғинғиллашию унда-бунда қўниб-учиб юрган майда ҳашаротларнинг чириллашидан бўлак товуш йўқ, сукунат.

Бироқ, ҳадемай итнинг овози қулоққа чалинди, ниҳоятда узоқда эди у, сўнг ғўнғир-ғўнғир гап-сўзлар эшитилди, қамчи тарсиллади. Овозлар бир кучайиб, бир пасаярди. Шовқин оқимга тескари томонга йўналди ва секин-аста олислаб тинди. Маълум вақтгача таъқиб этувчилардан қутулдим.

Энди ҳайвонсифат одамлардан қандай ёвузлик чиқиши мумкинлиги менга беш қўлдек аён эди.

XIII б о б

МУЗОКАРА

Яна йўлимда давом этиб, денгиз томон кетдим. Жилғанинг саёз, қайноқ сув ёйилиб оқаётган қумлоқ ерида тўп-тўп қисқичбақа ва катта-кичик қирқоёқлар танда қуришганди, оёқ товушларимни эшитиб, улар ҳар томонга тирқираб қочишди. Ниҳоят, денгизга етиб келдим ва фақат шундагина қутулганимга ишонч ҳосил қилдим. Бурилиб, қўлларимни белимга тираганча, ортда қолган яшил чакалакзорларга тикилдим, бағридан буғ кўтарилаётган жар унинг ўртасида худди узун қора чандиққа ўхшарди. Шу қадар саросимада эдимки, рости, буни ўз бошида синамаган одам тасаввур этиши мушкул — шу тобда ҳатто ўлим парвомга келмай қолганди.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, ҳали имконият бор экан. Моро ва Монтгомери анави ҳайвонсифат одамлар тўдаси билан мени орол ичкарисидан қидираётганида, уларни қирғоқ бўйлаб ёнлаб ўтиб, тош деворга етиб олсам-чи? Ҳа, шундай қиламан, уларни ёнлаб ўтаман-да, девордан тош кўчираман, зеро, девор мустаҳкам қурилмаган, бундай қилиш жуда осон. Тош билан уриб кичкина эшик қулфини бузаман, ичкарига кириб пичоқми, тўппончами, ишқилиб, қўлимга нимаики илинса оламан, уларнинг қайтишига ҳужумга тайёр тураман. Осон жон берадиган аҳмоқ йўқ, ётиб қолгунча, отиб қол, дейдилар!

Хаёлан шуларни чамалаб, ғарб томонга бурилдимда, қирғоқ бўйлаб юриб кетдим. Ботиб бораётган қуёш нури кўзимни қамаштирди. Тинч океанининг сокин тўлқинлари аста шовиллаб, қирғоқни яларди.

Қирғоқ жанубга эниб, ботаётган қуёш ўнг тарафимга ўтиб қолди. Бир вақт рўпарамдан, анча олисдаги буталар орасидан аввал битта, сўнг алланечта қора тимсалар чиқиб келди. Тозини занжиридан тутган Моро, Монтгомери ва икки нафар ҳайвонсифат одам. Таққа тўхтадим.

Улар яқинлаша бошлашди. Жойимда туравердим. Ҳайвонсифат одамлар чакалакзор томондан мени тўсиб чиқиш мақсадида қадамларини тезлатишди. Монтгомери тўғри менга қараб чопди. Моро ити билан унча шошилмас, оҳиста қадам ташлаб юриб келарди.

Қотган жойимдан қўзғалиб, денгизга юзландим ва тикка сувга кириб кетавердим. Қирғоқ ниҳоятда саёз экан, ўттиз қадамлар юрганимдан кейингина сув зўрға белимга чиқди. Сувдаги балиқларнинг ҳар томонга тирқираб қочишаётгани аниқ кўринарди.

— Ҳой биродар, бу нима қилганингиз? — қичқирди Монтгомери.

Белимгача сув, тўхтаб, уларга ўгирилдим.

Монтгомери ҳансираганча сув бўйида турар, кўп югургани боис юзига қон тепчиб, узун майин сочлари тўзғиб кетган, пастки лаби осилиб тушганидан кем-

шик тишлари кўриниб қолганди. Шу орада Моро ҳам етиб келди, юз ифодаси жиддий, ранги бўздек оқ, қўлидаги ити менга қараб тинмай ҳурарди. Иккаласининг ҳам қўлида йўғон қамчи. Улардан нарироқда икки ҳайвонсифат махлуқ менга кўзларини лўқ қилганча туришибди.

– Буми? – дедим мен. – Буни чўкиб ўлиш, дейдилар.

Монтгомери билан Моро кўз уриштириб олишди.

– Нега энди? – сўради Моро.

– Қўлингизда ит азобига учрагандан бу минг карра афзал.

– Айтувдим-ку сизга, – деди Монтгомери, Моро унга жавобан нимадир пичирлади.

– Нега азоблайди, деб ўйлаяпсиз? – сўради Моро.

– Кўриниб турибди, – жавоб бердим мен. – Барчасига ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим. Анавилар... Ҳув, ана!

– Тсс! – деди Моро, қўлини кўтариб жим дегандек ишора қиларкан.

– Истамайман, – дедим мен, – улар одам эди. Энди-чи? Аммо мен уларнинг аҳволига тушмоқчи эмасман.

Уларнинг елкаси оша қирғоққа қарадим. Юқорироқда Монтгомерининг Млинг исмли анави хизматкори ҳамда баркасда кўрганим – ҳаммаёғи оқ мато билан чирмалган бедаво турарди. Улардан сал нарида, дарахтлар соясида кичкина маймунсифат ҳамроҳим кўзга ташланар, унинг орқасида яна аллақандай нотаниш сўхталар тўпланишганди.

– Булар ким энди? – дедим мен уларга ишора қилиб, ҳамма эшитсин учун овозимни баралла қўйиб. – Улар одам эди, худди сизга ўхшаган одам, бироқ сиз уларга ҳайвонларга хос қусурларни жойладингиз, қулга айлантирдингиз, шунда ҳам барибир улардан ҳадигингиз бор. Ҳой, эшитинглар! – дея бақирдим ҳайвонсифат одамларга, Морога қўлимни шоп қилиб. – Гапимга қулоқ солинглар! Наҳотки манавиларнинг

сизлардан ҳадиксирашини, қўрқишини билмасангиз? Нега улардан қўрқасиз? Ахир, сизлар кўпчиликсиз-ку...

— Прендик! — қичқирди Монтгомери. — Худо ҳаққи, овозингизни ўчиринг!

— Прендик! — унга қўшилиб ўшқирди Моро.

Овозим эшитилмасин учун иккови баробар шовқин солаётган эди. Уларнинг ортида бошларини қуйи солинтирганча, менга ўқрайиб, майиб қўллари ерга осилган, елка суяклари туртиб чиққан, букри ҳайвонсифат одамлар туришарди. Улар худди ўзларининг инсоний ўтмишларидан ниманидир эслаб, мени тушунишга ҳаракат қилишаётганга ўхшаб кўринишди шу топда кўзимга.

Мен уларнинг гапига парво қилмай бақиравердим, нима деганим ҳозир яхши эсимда йўқ; чамаси, Моро билан Монтгомерини ўлдириш кераклиги, улардан қўрқишнинг мутлақо ҳожати йўқлиги ҳақида уқтирардим, бунинг охир-оқибатда ўзим учун ҳам хавфли эканига эътибор бермай, ҳайвонсифат одамларнинг миясига қуяётгандим. Гапларимни яхшироқ эшитиш мақсадида жулдур қора кийимдаги кўккўз ҳайвонсифат одам аста дарахтлар панасидан чиқди, уни оролга келган куним кечқурун кўргандим. Бошқа махлуқлар ҳам унга эргашишди.

Ниҳоят, пича нафас ростлаш мақсадида бақиришдан тўхтадим.

— Бирпас гапимга қулоқ солинг, — деди Моро қатъий оҳангда, — сўнг майли, нима десангиз, деяверинг.

— Хўш? — дедим мен.

У йўталиб, бир зум ўйлаб олди ва сўнг менга бақира кетди.

— Лотинча гапираман, Прендик, мактаб ўқувчиси даражасида бўлса ҳам айтишга ҳаракат қиламан. Тушунишга уринг. Ҳи нон сунт номинес, сунт анималиа қуи нос набемус... қисқаси, вивисекция қилганмиз. Шунчаки, одамга айлантириш жараёни. Бу ёққа чиқинг, ҳаммасини тушунтириб бераман.

Мен кулдим.

– Алдагани бола яхши, – дедим. – Улар ўзаро гаплашишади, уй-жой қуришади, овқат пиширib ейишади-ку. Улар аслида одам бўлишган. Қирғоққа чиқиб бўпман!

– Айтиб қўяй, сиз турган ердан нарёғи чуқур... Акула ҳам кўп.

– Айни муддао-да, ўзи шу керак менга, – жавоб бердим мен. – Кўп қийналиб ўтирмайман. Хўп бўлмаса.

– Ҳой, шошмасангиз-чи.

У чўнтагидан қуёшда ялтираган нимадир чиқариб, оёғи остига ташлади.

– Бу ўқланган тўппонча, – деди у. – Монтгомери ҳам ташлайди. Биз сиз истаган масофага бориб турамиз. Қирғоққа чиқинг-да, тўппончаларни олинг.

– Лақиллатманг, сизларда яна бор.

– Ақл билан иш тутинг, Прендик. Аввало, бу оролга сизни мен чақирмаганман. Қолаверса, сизга зиён-заҳмат етказиш ниятимиз бўлганида, кеча тундаёқ ухлатиб қўйиб, нима истасак, қилаверардик. Ниҳоят, бугунги восвослардан қутулдингиз ҳисоб, энди танангизга бир ўйлаб кўринг. Наҳот Монтгомери сиз ўйлаган одамга ўхшаса? Фақат сизнинг фойдангизни деб ортингиздан қувяпмиз. Бу оролга ишониб бўлмайди, унда хатарли мавжудотлар кўп. Кейин, ўзингиз чўкаман, деб турган бўлсангиз, сизни отиб нима қиламиз?

– Унда ғорда одамларингиз нега менга ҳамла қилишди?

– Сизни тутиб, хавф-хатардан сақлаб қолмоқчи эдик. Қочганингиздан сўнг, сизни омон-эсон сақлаш мақсадида уларни атай изингиздан адаштирдик.

Ўйланиб қолдим. Унинг бу гапларида жон бордек эди. Бироқ шу пайт яна бир нима эсимга тушди.

– Ўз кўзим билан кўрмаган бўлсам экан, – дедим, – тош девор ичида, ҳовлида...

– У пума эди.

– Менга қаранг, Прендик, – деди Монтгомери. – Одам эмас, ғирт тўнка экансиз. Бу ёққа чиқинг ахир,

анави тўппончаларни олинг, кейин бафуржа гаплашайлик. Шунчалик ҳам бўладими одам.

Гапнинг очиғи, мен Морога умуман ишонмасдим, ҳатто ундан қўрқардим. Монтгомери, ҳартугул, менга яқин ва ишончлироқ эди.

— Майли, нари кетинглар унда, — дедим мен ва бир оз ўйланиб тургач, қўшимча қилдим: — Фақат қўлларингни кўтариб оласизлар.

— Бунинг иложи йўқ, — деди Монтгомери, боши билан орқадагиларга маъноли ишора қилиб. — Обрўмиз бир тийин бўлади.

— Майли, дарахтларнинг олдига бориб туринглар унда, — дедим мен.

— Бунақа бемазагарчиликларни биринчи кўришим... — дея тўнғиллади Монтгомери.

Улар икковлон ўгирилишди-да, чўзиқ кўланка ташлаб турган олтитами, еттита баҳайбат, кучли, бироқ бу дунёнинг бандаларига сира ўхшамайдиган бедаво махлуқлар томон йўналишди. Монтгомери қамчисини қарсиллатган эди, шўрликлар шу заҳоти оёқларини қўлларига олиб, дарахтлар панасига уриб кетишди. Монтгомери билан Моро мени қониқтирарли масофага узоқлашгач, аста қирғоққа чиқдим-да, тўппончаларни олиб, текшириб кўрдим. Шунчаки бир ҳийла бўлмасин тағин, деб ердаги юмалоқ лава парчасига қарата ўқ уздим, унинг тўзғиб, қирғоққа қора кукундек сочилганини мириқиб кузатдим.

Лекин, барибир, кўнглим таскин топмасди.

— Майли, бахташ таваккал, — дедим-да, икки қўлимда биттадан тўппончани тайёр тутганча, улар томон юрдим.

— Мана бу бошқа гап, — деди Моро анча хотиржам, — афсус, сизнинг бемаза васвасангиз туфайли бугун жуда кўп қимматли вақтимни йўқотдим.

Унинг гап оҳангида андак нафрат ҳам бор эдики, бу менга жуда қаттиқ ботди. Моро билан Монтгомери индамай олдимга тушиб, тўғрига қараб юришди.

Ҳайвонсифат одамлар тўдаси дарахтлар панасида

ҳайратда кузатиб қолишди. Улар ёнидан имкон қадар хотиржам ўтишга ҳаракат қилдим. Биттаси ортимдан йўналган эди, Монтгомерининг қамчиси тарсиллади, у тирақайлаб қочиб қолди. Қолганлари қимир этишмас, бизга тикилганча, жойларида қотиб туришарди. Ким билсин, балки улар чиндан ҳам аввал ҳайвон бўлишгандир. Бироқ, ҳайвон зотининг фикр юритишга уринишини, умрим бино бўлиб, энди кўриб турардим.

XIV б о б

ДОКТОР МОРОНИНГ ТУШУНТИРГАНИ

— Энди, Прендик, сизга ҳаммасини бир бошдан тушунтириб берай, — деди доктор Моро, озроқ тамадди қилиб, чанқоғимизни қондирганимиздан сўнг. — Сиз мен шу пайтгача билган меҳмонлар ичида энг шартакиси экансиз. Айтиб қўяй, бу охирги ён беришим. Мабодо, яна бирор марта ўзимни-ўзим ўлдираман, деб қўрқитишни ният қилсангиз, ўлай агар, оқибати қандай тугашидан қатъи назар, аралашмайман.

У ҳужрамдаги оромкурсида қон юқисиз бармоқлари орасида сигара тутганча ўтирарди. Осма чироқнинг хира нурлари унинг оқ сочли бошини ёритар, нигоҳи кичкина дарча ортида милтиллаётган юлдузларга қадалган эди. Мен, иккала қўлимда ҳам биттадан тўппонча, столнинг нариги томонида ўтирар, Мородан иложи борича узоқроқ бўлишга уринардим. Монтгомери негадир кўринмасди. Ўзи торгина хонада, икковининг қуршовида ўтиришга кўзим ҳам учаётгани йўқ эди шу тобда.

— Шундай қилиб, бояги таърифингиз билан айтганда, вивисекция қилинаётган жонзот одам эмас, пума эканлигини тан олдингиз? — сўради Моро.

У мени сал олдин ҳовлидаги даҳшатли саҳнани кўриб чиқишга мажбур этган эди.

— Ҳа, у пума, — дедим мен. — Кўрдим, тирик, би-

роқ шўринг қурғур шунчалик ҳам тилкаланиб, майиб қилинадими? Эй худо, бундай манзарага қайта гувоҳ бўлишидан ўзинг асра. Бундай қабиҳликни...

— Қўйинг, куйинманг, — деди Моро, — бола эмассиз, сал ўзингизни қўлга олинг. Монтгомери ҳам бошда худди сизга ўхшарди. Хуллас, пума эканини тан оласиз, шундайми? Энди жим ўтириб, менинг физиологик назариямга қулоқ солинг.

Шу асно гапга тушиб, у амалга ошираётган ишининг бутун моҳиятини эринмасдан тушунтириб чиқди. Унинг далиллари содда, равон, ишонарли эди. Онда-сонда аччиқ киноя сезилиб турарди гап оҳангида. Мен эсам борган сари қилган ишимдан уялиб, пушаймон чекиб борардим.

Хуллас, мен бу ерда кўрган мавжудотларнинг ҳеч бири аввал одам бўлмаган, барчаси беқиёс вивисекция тажрибаси шарофати билан ҳайвондан одамга айлантирилган экан.

— Юқори малакали вивисекциячи тирик мавжудотлар билан қандай мўъжизалар яратиши мумкинлигини унутибсиз, — деди Моро. — Шахсан менга келсак, бу ердаги ишларим нега олдинроқ қилинмаганига ҳайрон бўламан. Тўғри, майда-чуйда, арзимаган уринишлар, ампутация, тил кесиш, турли аъзоларни олиб ташлаш каби тажрибалар бўлган, албатта. Ўйлайманки, ғилайлик жарроҳлик йўли билан юзага келтирилиши ва аксинча буткул йўқотилиши мумкинлиги сизга яхши маълум. Айрим аъзоларнинг олиб ташланиши, вужудда пигментнинг ўзгариши, ёғ ҳужайраларнинг юзага келиш жараёни турлича кечиши каби иккинчи хил ўзгаришларга сабаб бўлади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммасини эшитгансиз, биласиз.

— Албатта биламан, — дедим мен. — Бироқ анави бедаволарингиз...

— Гапнинг бердисини айтгунча жим туринг, — деди у қўл ишораси билан мени тўхтатиб. — Мен энди бошладим. Бу шунчаки хомаки тажрибалар, холос. Жарроҳликнинг имкониятлари чексиз. Унинг асосий мақ-

сади фақат кесиш, алмаштириш эмас, бутлаш, яратиш ҳам. Сиз бурун жароҳатланганда амалга ошириладиган операция ҳақида эшитган бўлишингиз керак. Пешонадан бир парча эт кесилиб, бурунга қўйилади-да, тикилади ва шу ҳолатда яра битади. Бу айрим олинган тана миқёсида унинг қисмларини бир жойдан бошқа жойга кўчириш демак. Бир тирик жонзотнинг аъзосини бошқа тирик жонзотга кўчириш мумкин бўлган ҳодиса, мана, масалан, тишни олинг. Одатда, эт билан суяк яра тез битиши учун кўчириб ўтказилди. Жарроҳ янги кесилган жойга тирик мавжудотнинг этини ёки ҳали совумаган танадан олинга керакли суяк парчасини жойлайди-да, тикади. Сиз Хантернинг буқа бўйнига хўроз пихини тикканини эшитгандирсиз. Ё бўлмаса жазоирлик зуавларнинг каркишох-каламушларини эсланг — бу бедаволар ҳам ана шундай, яъни каркишох думидан тасма кесиб, каламуш тумшуғига пайвандлаш йўли билан ясалади.

— Ясалади! — дея хитоб қилдим мен. — Демоқчисизки...

— Худди шундай. Сиз бу ерда кўрган мавжудотлар фақат тилкаланиб, янгича шамойилга солинган жонзотлар, холос. Менинг бутун умрим шунга, жонзотларнинг шакл-шамойилини ўзгартиришни ўрганишга бағишланган. Неча йилдирки, машаққат билан, игна билан қудуқ қазиб ўрганганман бу муаммони. Ҳа, нимабало, намунча қўрқиб кетдингиз, ҳеч қанақа янги гап айтаётганим йўқ-ку. Бу амалий анатомиянинг имконида узоқ йиллардан буён мана мен деб ётибди, фақат унга дадил қўл уришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Менга фақат ҳайвоннинг ташқи қиёфасини ўзгартиришгина маълум эмас. Организм физиологиясини, унинг кимёвий таркибини ҳам маълум миқдорда ўзгартириш мумкин. Жумладан, узоққа бориб нима қиламиз, вакцинация қилиш ёки бошқа қатор жонли, жонсиз нарсалар билан қилинадиган пайвандлаш ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Буларнинг барини яхши биласиз, сизга айтиб ўтиришимнинг ҳожати

йўқ. Қон қуйиш ҳам худди шунинг ўзгинаси, дарвоқе, мен фаолиятимни шуни ўрганишдан бошлаганман. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда яқин. Улардан анча йироқ ҳамда мураккаброқ саналмиш операциялар ўрта аср жарроҳлари томонидан ўтказилган, улар пашмалоқ одам, майибу мажруҳ гадо, кулги қўзғайдиган бадбуруш масхарабозлар ясаганлар. Улар санъатининг анча-мунча қолдиқлари ҳозир ҳам масхарабоз ва акробатларни тайёрлашда асқотяпти. Виктор Гюго «Кулаётган одам» асарида буларни хўб тасвирлаган... Ўйлайманки, энди мени яхшироқ тушунаётгандирсиз. Ҳайвон танасининг бир жойини бошқа жойига кўчириш мумкинлигини ёки бир ҳайвон этини иккинчи ҳайвонга кўчириш имконияти борлигини, организмнинг кимёвий реакциясини, ўсиш ва ривожланиш характерини, тана аъзолари ҳаракатини ўзгартириш, ҳатто ички тузилишининг туб моҳиятини ҳам ўзгартириб юбориш эҳтимоли мавжудлигини тушуна бошлагандирсиз?

Шунга қарамай, токи бу иш билан мен шуғулланганимга қадар, ҳозирги толиби илмлардан ҳеч қайсиси бу фавқулодда илм соҳасига тизимли ва бут қўл урмади. Қилинган бўлса, жарроҳлик илмининг сўнгги ютуқлари сифатида унча-мунча шу қабилдаги тасодифий ишлар қилинди, холос. Ўша ишлар ҳам, агар эсингизга тушаётган бўлса, аслида ўз ҳолича, мутлақо тасодифан жоҳил шахслар ёинки жиноятчилар томонидан, от ва ит ўргатувчилар, хуллас, ўз шахсий манфаатини кўзлаган турли тоифадаги ғирт саводсиз, истеъдоди бир пул одамлар томонидан амалга оширилди. Антисептик жарроҳлик билан қуролланган ҳолда, тирик организм қонуниятларини яхши билган олим сифатида бу муаммо устида биринчи бўлиб мен иш бошладим, десам бўлаверади.

Бироқ, бу гап бундай ишлар илгари ҳеч қилинмаган, деганим эмас, номаълум уринишлар бўлган, албатта. Масалан, сиам эгизакларини олайлик... Ёки инквизиция даври зиндонларидаги ишларни... Шубҳасиз,

уларнинг асосий мақсади даҳшатли қийноқ усулларини ўйлаб топиш эди, бироқ инквизициячилар ичида маълум илмий мақсадни кўзлаганлар ҳам бўлган бўлиши мумкин.

– Бироқ, – унинг гапини бўлдим мен, – махлуқларингизнинг тили бор-ку!

У буни тасдиқлади ва вивисекциянинг имконияти фақат тана ўзгартириш билан чегараланмаслигини исботлай кетди. Масалан, чўчқа учун нима зарур бўлса, барини ўзгартириш мумкин. Ақлий фаолият организмга нисбатан кам ўрганилган. Айни кунда ниҳоятда ривожланган гипноз илми ҳали кўп эски инстинктларни янгича таъсир билан алмаштириш, мияга қаттиқ ўрнашган ёки мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фикр-тушунчаларни келажакда пайвандлаш ёки кўчириб ўзгартириш имкониятларини ваъда қилмоқда. Биз ақлий тарбия деб атаган ҳодисаларнинг аксарияти аслида инстинктнинг сунъий ўзгартирилиши, бузилиши, холос. Жанговорлик туйғуси ўзни мардона қурбон этиш деб, тийилган жинсий майл эса тақводорлик туйғуси дея сингдирилаверади. Одам билан маймун ўртасидаги асосий фарқ асосан бўғизда, яъни маймуннинг фикр ифодаловчи фарқли товуш тугунчакларини ҳосил қила олмаслигида, деб изоҳлади Моро. Мен унинг бу фикрига қўшилмадим, бироқ у, худди эътирозимни бир пулга олмагандек, гапимга қаршилик билдириб ўтирмади. Йўқ, худди шундай, дея фикрини такрор тасдиқлади-да, яна гапида давом этди.

Мен ундан тажриба учун нега айнан одам қиёфасини танлаганини сўрадим. Унинг бу танловида инсон қавмига нисбатан қандайдир хусумат яширидек туюларди. Не ажабки, бу туйғу ҳозир ҳам мени тарк этгани йўқ.

Мутлақо тасодифан шундай бўлган, деб тушунтирди у.

– Ўзи-ку, худди шундай муваффақият билан қўйни ламага, ламани эса қўйга айлантираверсам ҳам бўлар-

ди. Биласизми, инсон қиёфасида ҳайвонникидан қандайдир фарқли, ниҳоятда кучли эстетик туйғу уйғотувчи нимадир бордек туюлди. Бироқ мен фақат одам яратиш билангина чегараланганим йўқ, бир неча марта... — У бир дақиқа жим қолди. — Эҳ, бу ҳаёт! Сувдек оқди-кетди-я, умрим! Қаранг, сизни қутқараман деб, қимматли бир кунимни йўқотдим, яна бир соатдан бери лақиллаб, ҳисоб бериб ўтирганим-чи?

— Лекин, барибир, мен сизни тушунолмаяпман, — дедим, — тирик жонзотларни азоблаётганингизни нима билан изоҳлайсиз? Менимча, вивисекцияни фақат шу ҳолдагина оқлаш мумкинки, агар у...

— Ҳа, албатта, — дея илиб кетди Моро. — Бироқ, кўриб турибсизки, менинг маслагим ўзгача. Умуман, биз иккимиз бошқа-бошқа қутблардамиз. Сиз материалистсиз.

— Бўлмаган гап, мен мутлақо материалист эмасман, — дедим мен қизишиб.

— Менинг нуқтаи назаримда шундай, ҳа, фақат менинг нуқтаи назаримда. Зеро, биз битта масалада — азоб-уқубатлар масаласида келиша олмадик. Шуни билингки, токи сиз дод-фарёдларни эшитиб ёхуд азобланаётганларни кўриб қийналаркансиз, азоб-уқубатлар таъсирига бериларкансиз, демак, булар гуноҳ ҳақидаги дунёқарашингизни белгилар экан, ҳайвондан заррача фарқингиз йўқ, фақат унга нисбатан хиёл тиниқроқ фикрлайсиз, холос. Бу азоб...

Унинг қувлик билан гапни айлантираверишидан сабрим тугаб, энсам қотган каби елка қисдим.

— Э, нақадар арзимас нарса у! Илм-фан билан машғул тафаккур унинг қанчалик арзимаслигини чуқур тушуниб етмоғи зарур! Эҳтимол, кичкинагина сайёрамиздан бошқа ерда — исталган юлдузга чиқиб-чиқмай, ортга қарасангиз, мутлақо кўринмай кетувчи шу юмалоқ коинот заррасидан нарида сиз билан биз азобу уқубат деб атаган тушунчанинг номи ҳам йўқдир. Балки биз эндигина тимирскилаб очаётган қонунлардан бошқа нарсанинг топилиши гумондир... Ҳатто биз

яшаб турган заминда, тирик жонзотлар орасида ҳам азоб-уқубат дегани нима ўзи?

У шундай деб чўнтагидан пакки чиқарди, унинг ингичка учли пичоқчасини очди-да, оёғи менга яхшироқ кўринсин учун оромкурсини яқинимга сурди. Сўнг шошилмай сийпалаб, сонидан бир ерини танлади-да, пичоқ тиғини ғирч этиб санчди.

— Шубҳа йўққи, буни биринчи марта кўришингиз эмас. Игна санчганчалик ҳам оғриқ сезилгани йўқ. Бу нимани кўрсатади? Оғриқни ҳис этиш сезгиси мускул учун шарт эмас, шу боис ҳам унда бу сезги йўқ. Лекин терининг айрим жойлари оғриқни оз-моз сезиши мумкин, демак, соннинг ҳам у ер-бу ери уни сезиши керак. Умуман, оғриқ — бу худди шифокорлар каби бизни ташқи таъсирдан огоҳлантириб, эҳтиёткор бўлишга ўргатувчи ички маслаҳатгўйимиз. Барча тирик ҳужайралар, шу жумладан, асаб томирлари ҳам мутлақо оғриқ сезмайди, ҳаттоки ҳиссий асаб толалари ҳам шундай. Кўз асаб ҳужайраларида ҳам чинакам оғриқ сезгиси бўлмайди. Кўз асаб ҳужайралари жароҳатланса, худди қулоққа зарар етганда шанғиллагани каби, кўз олдида чақин чақнагандек бўлади. Ўсимликлар оғриқ сезишмайди, майда жониворлар — юлдузбалиқлар, қисқичбақа сингари жониворлар ҳам оғриқ сезишмаса керак. Одамларга келсак, улар қанчалик ақлан камол топсалар, шунча ўз жонларининг ҳузурини кўзлаб юрадиган бўладилар ва хавфдан огоҳлантирувчи омил — оғриқни истамайдилар. Мен тараққиёт жараёнида эртами-кечми рад этилиши мумкин бўлмаган бирор нокерак нарса ҳақида эшитган эмасман. Сиз-чи?

Мана кўрасиз, азоб туйғуси ҳам кераксиз бўлиб қолади бир куни.

Қолаверса, Прендик, мен барча бамаъни одамлар қатори художўйман. Балки тангрининг иродаси сиздан кўра кўпроқ менга аёндир, чунки мен бутун умрим мобайнида унинг илму амалларини қўлимдан келганча ўргандим, сиз, адашмасам, у вақт иштонсиз

шаталоқ отиб юрардингиз. Яна қайтариб айтаман: роҳат ва азобнинг жаннатга ҳам, дўзахга ҳам алоқаси йўқ. Роҳат ва Азоб! 0! Тақводор кимсаларнинг ибодат чоғидаги жазаваси улар учун Муҳаммад пайғамбар айтган жаннатий роҳат-фароғатнинг ўзи эмасми? Фақат роҳат ва азоб билангина кун кечираётган тумонат эркагу аёлда наҳот ҳайвонлик муҳри — ўзлари бино бўлган аждодларидан мерос муҳр сақланиб қолмаган, Прендик?! Токи сўнгги нафасимиз чиқиб, қаро ерга кирмас эканмиз, роҳат ва азоб бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

Кўрдингизми, мен илмий ишни ўзимча эмас, у ўзи бошлаган йўл бўйлаб давом эттирдим. Илмий иш таомили ўзи шу. Дейлик, мен бир муаммога дуч келиб, унга жавоб топиш йўлларини ахтардим, энди топдим, деганимда, у тағин янги муаммо туғдирди. Шундаймикан ёки бундай?.. Олим одам учун бу саволлар қанчалик муҳим эканини тасаввур этолмайсиз, уни шу тобда қандай ақлий эҳтирос қамраб олишини билсангиз эди! Бу фикрий туғённинг ғаройиб, таърифлаб бўлмас кайфини туйишни хаёлга ҳам сиғдира олмайсиз. Қаршингдаги мутлақ хилқат ҳайвон ҳам, одам ҳам эмас, жумбоқ. Ачиниш ҳисси... у ҳақда эшитсам, қачонлардир унутган нарсамни эслагандай бўламан. Мақсадим, бирдан-бир мақсадим тирик организмнинг пластиклигини ипидан-игнасигача мукаммал ўрганиш эди.

— Бироқ, бу ўтакетган разиллик-ку, ахир! — дедим мен.

— Бу ишнинг маънавий томони мени заррача қизиқтирган эмас. Табиатни ўрганган сари одам ҳам унинг ўзи каби бешафқат бўлиб бораркан. Мен фақат ишладим, кўзлаган мақсадимдан бошқа нарсани ўйламадим, қўлимдан битиб чиққани ғорга кетаверди... Мен, Монтгомери ва олти нафар полинезиялик канак бу ерга келиб тушганимизга, мана, ҳадемай ўн бир йил тўлади. Ям-яшил сокин орол, бизни қуршаб турган бепоён океан худди кечагидек кўз ўнгимда. Оролни табиат баайни мен учун яратгандек эди.

Юкларни тушириб, бошпана қуришга киришдик. Канаклар жарлик яқинида ўзларига капа тиклашди. Мен ўзим билан олиб келган ҳайвонлар устида иш бошладим. Дастлаб унча-мунча кутилмаган муваффақиятсизликларга ҳам дуч келдим. Ишни қўйдан бошлагандим, бироқ иккинчи куниёқ тиғ сал нотўғри кетиб жони узилди. Иккинчи қўйга қўл урдим, кўп азоб чекди, жонивор, ахийри яралари битсин учун тек қўйдим. Ишни тугатганимда, у менга худди одамнинг ўзи бўлиб кўринган эди, бироқ пича вақт ўтгач, қараб-қараб ундан ҳафсалам пир бўла бошлади, йўл қўйган хатоларим кўзимга аниқ кўринди, мени ниҳоятда ваҳима босди: бу жониворнинг онги оддий қўйникидан сира фарқ қилмасди. Унга боққаним сайин кўзимга беўхшов кўринаверди ва бор-е, деб ундан воз кечдим-қўйдим. Қўй қавмида умуман юрак деган нарса бўлмас экан, билгани фақат қўрқув ва фарёд, салгина қийинчиликка дуч келди дегунча, зир титрашади, хуллас, одам ясаш учун мутлақо бефойда экан улар.

Сўнг гориллага ўтдим, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлаб, кўп машаққатлар чекдим, биринчи одамни ясадим. Ҳафталаб, тунни тун, кунни кун демай тер тўкиб мақсадимга эришдим. Одам-ку, амаллаб ясашга ясалди, энди миясини қайта ишлашни айтинг. Қанча нарсани қўшиш, ўзгартириш керак бўлди. У олдимда тайёр, ўраб-чирмалган, боғлиқ холда қимир этмай ётаркан, ҳабаш ирқига бундан ортиқ мос келадиган нусха топилмаса керак, деб кўнглимдан ўтказардим. Яшаб кетишига ишонч қосил қилиб, сал-пал кўнглим тинчлангач, ёлғиз қолдириб, мана шу, биз суҳбат қураётган ҳужрага кирдим. Кирсам, Монтгомери ўтирибди, қарасам, иш чатоқ, худди сизнинг кўйингизга тушиб қолган. У ҳам худди сиз каби одамга айлантирилаётган махлуқнинг оҳ-воҳини эшитиб турган-да. Бошда унга кўп нарсани тушунтириб ўтирмадим. Канаклар ҳам воқеадан хабар топиб, унча-мунча нарсага ақллари етиб қолган эди. Мени кўришса, эсхоналари чиқиб, зир титрайдиган бўлиб қолишди.

Монтгомерини эвини қилиб ўзим томонга оғдириб олдим. Иккаламизнинг ҳам дарду ҳасратимиз канакларни қочириб юбормаслик бўлиб қолди. Охири барибир учтаси жуфтакни ростлади, эплаб бўлмади ва биз яхтадан ажрадик. Мен ихлос билан ясаган одамимни ўқита бошладим — бу тахминан уч-тўрт ойга чўзилди. Унга оз-моз инглизчани ўргатдим, санашни машқ қилдирдим, ҳатто алифбони ёд олдиришга ҳам уриниб кўрдим. Мен ҳаётимда ундан бешбаттар уқувсиз гумроҳларни ҳам кўрганман, бироқ у ўргангунча жуда қийналди. Ахир, мияси баайни топ-тоза дафтар варағи эди-да, ҳатто ўзининг келиб чиқишини ҳам билмасди, боёқиш. Яралари битиб, тузалиб, фақат айрим носоғлиқ аломатларию, сал-пал оёқ оқсаши қолганда, оз-моз гапирадиган бўлганидан сўнг, уни канаклар олдига бошлаб келдим ва бу кимса энди сизлар билан яшайди, дедим.

Даставвал уни кўриб канакларнинг кайфи учиб кетди. Бу мени бир оз ранжитди, чунки ўз ижод маҳсулим ҳақида яхши фикрда эдим. Бироқ, у тушмагур шунақа ёқимтой, аломат чиқиб қолдики, ҳаш-паш дегунча канакларни ўзига бутунлай ийдира олди, ҳатто унинг тарбияси билан ўзлари шуғуллана бошлашди. Зеҳни ўткир, ҳар балони дарҳол қабул қилар, тез ўрганар, ўхшатиб тақлид қиларди. У ўзига шунақанги боп капа қуриб олдики, канакларникидан ўлса, ўлиги ортиқ эди. Канаклар ичида битта сал тақводорроғи бор эди, ўша унга ўқишни ўргатди, тўғрироғи, сал-пал ҳарф танитди. Миясига оддий ахлоқ-одоб тушунчаларини сингдиришга уриниб кўрди, буни қарангки, унда маймунлик сифатлари намоён бўлмади.

Ишдан қўлим бўшаган кезлар, инглиз физиологларининг кўзи мошдек очилсин учун Англияга бу ҳақда ёзиб юборайми ҳам дедим. Бахтга қарши, бир куни унинг дарахт шохида ўтириб, жиғига тегаётган иккита канакни ғудиллаб сўкаётгани устидан чиқдим. Мен уришиб бердим, бундай қилиш ярамаслигини яхшилаб тушунтирдим, уялтирдим ва ижодим маҳсулини

Англияга олиб боришдан аввал янада яхшироқ натижага эришишим керак экан, деган хулосага келиб, хонамга қайтдим. Яхши натижаларга эришмадим эмас, эришдим. Бироқ ишим мен истагандек астойдил юришиб кетмади, минг уринмайин, улардаги ҳайвоний қусур йўқолмади, кундан-кунга намоён бўлаверди, кундан-кунга... Аммо, барибир мақсадимга эришишим бор. Нақадар қийин бўлмасин, барибир... Анави пума...

Бор гап шу. Канаклар битта қолмай ўлиб кетишди. Бири баркасдан ағанаб, чўкиб ўлди, биттаси товонидаги ярага бўлмагур ўсимлик заҳри тушиб, жон берди. Яхтада қочган учтаси ҳам чўкиб кетган бўлиши керак. Қолган биттасини эса... ўлдиришди. Начора, уларсиз ҳам кундалик юмушларимизни бажаришга мажбур эдик. Монтгомери дастлаб ўзини худди сиз каби тутди, кейин...

– Охирги канак нима бўлиб ўлди? – дея чўрт кесиб сўрадим мен.

– Гап шундаки, бир қанча одамсифат мавжудотларни тажриба қилиб кўргач, яна битта махлуқни яратдим... – Моро шундай деб чайналди.

– Хўш, кейин-чи? – сўрадим мен.

– Уни ўлдиришди.

– Тушунмадим, – дедим мен, – айтмоқчисизки...

– Ўша ўлдирди канакни, энди тушунгандирсиз? Мавжудотларнинг ҳам бир нечасини тутиб, бошига етди. Уни ушлаймиз деб икки кун овора бўлдик. Тасодифан занжиридан бўшаб кетди, қочади, деб ким ҳам ўйлабди уни. Ўзи ишни энди бошлагандим, ҳали тўла битгани йўқ эди. Шунчаки, тажриба қилаётувдик... Ўзиям даҳшат эди-да: панжалари йўқ, калласи бир бало, ерда илонга ўхшаб судраларди. Кучи танасига сиғмайди, қимирлагани сари оғриқдан тўлғониб биланглайди, ерда худди денгиз чўчқаси каби сузаётгандек ҳаракат қилади. Йўлида нимаики учраса, уйини куйдириб, анча пайт ўрмонда яширин кун кечирди, изига тушганимиздан сўнг оролнинг шимол томонига қочди. Уни қўлга тушириш учун иккига бўли-

нишимизга тўғри келди. Монтгомери мен билан бораман деб, туриб олди. Канакда милтиқ бор эди, қарангки, унинг жасадини топганимизда милтиқ «S» ҳарфи шаклида букланиб, тамомила ғажиб ташланганини кўрдик...

Иблисни Монтгомери отиб ўлдирди. Шундан бери фақат одам ёки майда-чуйда мавжудотларни тажриба қиламан.

Моро жимиб қолди. Мен унинг юзидан кўзимни узмасдим.

— Англиядаги тўққиз йилни ҳам қўшганда, йигирма йилдирки, шу ишни қиламан, бироқ яратган ҳар бир нарсамдан қониқтирмайдиган нимадир топилади ва яна янги тажрибаларга уннайман. Баъзан сал мақсадимга эришгандек бўламан, баъзан узоқлашаман, ишқилиб, кўзлаган чўққимни ҳали забт этолганимча йўқ. Ҳайвонни одам қиёфасига ҳеч қийналмай кирита оламан, уни чайир ва чаққон ёки кучли ва баҳайбат қилиш ҳам қўлимдан келади; бироқ қўл ва тирноқларни ясаш масаласида мендан ожиз одам йўқ: бу шу қадар нозик ишки, асти қўяверасиз, ҳарчанд уринмайин, уларни сира ўхшатолмайман. Бироқ энг мураккаб иш — уларнинг миясини ўзгартириш. Яратилмиш мавжудотларнинг онг даражаси баъзан ўта паст ёки узуқ-юлуқ чиқиб қолади. Энг ёмони — буларнинг барчаси замирида алланечук англаб ва аниқлаб бўлмас ҳис-туйғулар ётгани. Кутилмаганда улардан инсоният учун зарарли интилиш, туйғу ва хоҳиш-ирода худди вулқондек отилиб чиқади ва мавжудотларнинг бутун борлиғини ҳадик, адоват ва нафрат билан тўлдириб тоширади. Сизга бу махлуқларим, кўзингиз тушганда ғалати ва жирканч кўринади, мен эса уларни яратган пайтимда росмана одамдек қабул қиламан. Фақат кейинчалик, уларни анча вақт кузатганимдан сўнггина ҳафсалам пир бўлади. Бирин-сирин хатти-ҳаракатларида ҳайвоний аломатлар қалқиб юзага чиқаверади, кўзга аниқ ташланаверади... Аммо барибир мен ғалаба қозонишим керак. Ҳар сафар тирик жонзотни ўт ло-

виллаб турган уқубат ўчоғига ташлаганимда, ўзимга-ўзим, мана энди, ундаги барча ҳайвоний сифатлар ёниб кул бўлди, лоақал шу гал ундан ўзим кўзлаган махлуқни бино қиламан, дейман, лекин қани энди?! Бир гомондан, мундоқ ўйлаб қараганда, ўн йил муддат ҳеч нарса эмас. Инсон инсон бўлгунича, минг йиллар кетган... — Шундай деб, у маъюс ўй суриб қолди.

— Бироқ мен мақсадим сари яқинлашяпман... Анави пума, — пича жимликдан сўнг у давом этди: — Ҳайвон барибир ҳайвонлигини қилар экан. Сал назардан қочирдим дегунимча, эски қилиқларини эслаб, ҳайвоний сифатларини намоён эта бошлашади...

Яна орага узоқ жимлик чўкди.

— Махлуқларингиз бари анави ғорда яшайдими? — деб сўрадим мен.

— Ҳа. Уларда ҳайвоний хислатлар кўринди дегунча ўз ҳолларига ташлайман, ўзлари тез топиб олишади у ёқни. Бу уйдан, айниқса, мендан ўлгудек қўрқишади. Ғорда одамларга таассуб қилиб яшашади. Монтгомери улар билан иноқ, борди-келди қилиб туради. Биттаиккитасини бизга ёрдамлашиб, унча-мунча оғиримизни енгил қилишга ҳам ўргатган. Менга айтишга уялади-ю, лекин сезаман: раҳми келади уларга. Албатта, менинг қаршилик жойим йўқ, бу унинг шахсий иши. Мен эсам уларни кўрганда, фақат ўз ишимдан норизолик туйғусини туяман. Улар худди тақводор канак ўргатиб кетганидек, онгли ҳаётга таассуб қилиб яшашади, шўрликлар. Улар ўзларича Қонун деб номлайдиган бир нималар ҳам бор. «Ҳамма нарсага қодир яратгувчи»лари, яъни каминага атаб мадҳия ҳам ўқийдилар. Ўзлари ўзларига уя ковлашади, мева-чева теришади, ўт-хашак йиғишади, ҳаттоки оила ҳам қуришади. Менга уларнинг ичию-ташигача, ҳатто қалбларида нима борлигига қадар аён, уларнинг ҳайвондан бир туки ўзга эмас, ҳайвоний туйғулар — нафрат ва ҳирс доимо ҳамроҳ, жўш уриб, ўзини намоён этиб туради. Хуллас, ўта ғаройиб бу махлуқлар! Барча тирик жонзотлар каби, улар ҳам жуда мураккаб. Уларда қисман

мағрурлик, қисман беҳуда жинсий майл, қисман ноўрин синчковлик мужассамлашган ғалати бир интилиш сезилади. Буни кўриб, менинг фақат кулгим қистайди... Лекин пумадан умидим катта, унинг боши ва мияси устида қаттиқ ишлаяпман...

Шундай деб, у узоқ вақт жим қолди. Иккимиз ҳам ўз ўй-хаёлларимизга ғарқ эдик.

— Хўш, — деди у ниҳоят, — нималарни ўйлаб кетдингиз? Ҳали ҳам мендан қўрқяпсизми?

Мен унга кўз ташладим, қаршимда рангпар, оқ сочли, қарашлари хотиржам мўйсафид ўтирарди. Шу хотиржамлиги, қадди-бастининг улуғворлиги унга ҳусн бағишлаган, минг нафар хушбичим қария орасида ҳам яққол ажралиб туриши аниқ эди. Ичимда нимадир зил кетгандек бўлди, саволига жавоб қайтариш ўрнига икки қўлимдаги тўппончани унга тутдим.

— Сизда тураверсин, — деди у, эсноғини босиб. Ўрнидан қўзғалиб, менга бир оз тикилиб турди-да, кулди.

— Икки кундан бери роса кунингизни кўрдингиз, — деди. — Мана, келишиб ҳам олдик. Энди ётиб, дам олсангиз ҳам бўлар. Хўп, майли, тунингиз хайрли бўлсин!

У бир оз ўйланиб турди-да, сўнг ичкари эшикни очиб, чиқиб кетди. Мен дарров ташқи эшикни қулфладим.

Сўнг яна жойимга чўкдим, руҳим ланж, ҳам ақлан, ҳам жисмонан чарчаган ҳолда, ҳеч нарсани ўйлагим келмасди. Қорамтир дарча худди кўзга айланиб, мени кузатаётганга ўхшарди. Ниҳоят, мажбуран чироқни ўчирдим ва тўр беланчакка чиқиб ётдим. Сал ўтмай кўзим илинди.

XV боб

ҲАЙВОНСИФАТ ОДАМЛАР ТАЪРИФИДА

Уйқудан эрта тонгда уйғондим. Уйғонишим ҳамон Моро билан бўлган кечаги суҳбат лоп этиб ёдимга келди. Беланчакдан тушиб, эшикнинг қулф-қулфмаслигини текшириб кўрдим. Сўнг деразага қопланган панжарани назардан ўтказдим. Бу махлуқлар одамга ўхшашгани билан ҳайвондан фарқлари йўқ, одам тусидаги қўрқинчли тасқаралар, холос. Улардан ҳар балони кутиш мумкин. Бу эса оддий қўрқувдан ҳам ваҳималироқ. Эшик тақиллаб, Млингнинг бўғиқ, манқа овози эшитилди. Тўппончалардан бирини шу заҳоти чўнтагимга солиб, ўқ узишга ҳозирландим-да, эшикни очдим.

Млинг сабзавотдан тайёрланган одатдаги нонуштаю, яна унча яхши пиширилмаган қуён гўшти кўтариб кирди ва менга салом берди. Орқасидан Монтгомери кириб келди. Кўзлари олма териб, ўша заҳоти қўлим чўнтагимдалигини илғади ва у зўрма-зўраки илжайди.

Ўша куни пумага дам берилди, яралари битиб, тузалиши керак экан; бўш бўлишига қарамай, Моро одатига кўра кунни ёлғиз ўтказди, бизга қўшилмади. Мен эсам, фурсатдан фойдаланиб, Монтгомеридан ҳайвонсифат одамлар, уларнинг ҳаёти тўғрисида сўраб-суриштирдим. Айниқса, бир нарсани — бу алвастиларнинг Моро ва Монтгомерига дахл этиб, сўнг бир-бирлари билан ғажишишларига нима монелик қилаётганини жуда-жуда билгим келарди.

Монтгомерининг гапига қараганда, Моро иккови-ни омон сақлаб турган бирдан-бир нарса махлуқлар ақлий даражасининг чекланганлиги экан. Уларнинг онги бошқа ҳайвонларникидан анча юқори эканига қарамай, ҳайвоний туйғулари тез-тез уйғониб туришидан қатъи назар, улар онгига Моро сингдирган, ақлий фаолиятларини жиловлаб турувчи маълум қуйма ғоялар ҳам йўқ эмас эмиш. Улар чиндан ҳам гип-

нозланган, айрим нарсалар мутлақ мумкин эмас, айрим нарсалар эса тақиқланади деб ўргатилганди, бу тақиқу чеклашлар мияларининг қатига шу қадар ўрнашганки, уларга итоат этмаслик ёки қарши бош кўтариш ҳалокат ҳисобланаркан. Шунга қарамай, айрим ҳолларда азалий туйғулар Моро сингдирган шартларга зид келиб қолар, бироқ бу доим ҳам аҳамият касб этавермасмиш. Қонун деб номланувчи қатор тақиқлар (уларнинг қироат билан зикр тушишлари гувоҳи бўлганман) улар миясига мустаҳкам ўрнашган, бироқ қайсар ҳайвоний табиатлари билан доимо зиддиятли курашда экан. Улар тинимсиз равишда такрорлаб юрувчи Қонун ва Моро уларнинг қон таъмини билишларига имкони борича монелик қиларди. Моро ҳам, Монтгомери ҳам махлуқлар томонидан бу таъмнинг туйилиши не балоларга сабаб бўлишини яхши тушунар эканлар.

Монтгомерининг айтишича, ҳайвонсифат одамларда, айниқса, мушуклар қавмига мансубларида қоронғи тушиши билан Қонундан қўрқиш ҳисси чекиниб, ҳайвоний хислатлар кучаяркан. Қош қорайиши билан уларнинг важоҳатлари ўзгариб, ўлжа кетидан қувиш истаги жўш урар, кундузи ҳеч журъат этолмайдиган ишларга шайланишаркан. Айнан шу сабаб оролга келган куним кечқурун мени қоплонсифат одам қувлаган экан. Бироқ оролга келган дастлабки кунларимда улар Қонунни хуфиёна, фақат тунда бузишарди, кундуз ёруғида эса жамики қонун-қоидаларга тўла итоат ва ҳурмат-эҳтиром ҳукм сурарди.

Энди орол ва унинг ҳайвоний аҳолиси хусусида айрим умумий маълумотларни айтиб ўтай. Қирғоғи эгри-бугри, пастқам бу оролнинг майдони нари борса етти ёки саккиз квадрат мил келарди. Ўзи вулқон туфайли вужудга келган, уч томондан ҳам маржон қоялар билан ўралган. Оролнинг шимол томонидаги доимий тутаб турадиган ер ёриқлари ҳамда қайнар булоқлар бир пайтлар оролни вужудга келтирган асов кучлардан нишона. Вақти-вақти билан сал-пал ер

қимирлаши ҳам кузатилади, баъзи ёриқлар туриб-туриб буғ пуркаб қолади. Бундан бошқа деярли ҳеч нарса сезилмайди. Монтгомери берган маълумотларга кўра, оролда яшовчи асосий аҳоли Моронинг қўлидан чиққан, чакалакзорларда яшовчи одамзот қавмига бегона майда жонзотларни ҳисобламаганда, олтмишдан ортиқ ғаройиб тасқарадан иборат. Бундай мавжудотлар жами юз йигирматача яратилган, бироқ аксарияти ўлиб кетган, айримларининг, Моро менга гапириб берганидек, қўлсиз-оёқсиз, биланглаб, ўрмалаб юрадиганларининг эса баҳридан ўтилган. Улар кўпайишга яхшигина кўпайишаркан-у, бироқ насллари яшаб кетмас экан. Монтгомерининг айтишича, янги туғилганларнинг бирортасида ҳам инсонлик аломати бўлмаган. Моро улар билан шуғулланиб, айримларига инсон қиёфасини бахш этишга ҳаракат қилиб кўрибди. Аёллари эркакларга нисбатан озчиликни ташкил қилиб, сўққабошлик Қонунда қайд этилганига қарамай, аксарият эркаклар уларнинг кўнглини яширинча овлайверишаркан.

Мен ҳайвонсифат одамлар таърифини бекаму кўст келтиролмайман — кўзим майда икир-чикирларни илғашга ожиз, афсуски, уларнинг суратларини ҳам сизга чизиб кўрсатолмайман. Улар афт-ангоридаги одамни ҳайратга соладиган нарса оёқларининг таналарига нисбатан калталиги эди. Қаранг, ҳусн-тароват ҳақидаги инсон тасаввури нисбий экан — бора-бора кўзим уларнинг ўша туришига ҳам кўникиб қолдики, оқибатда, ўзимнинг узун оёқларим ўзимга эриш туюла бошлади. Яна бир жойи, уларнинг юзлари олдинга бўртиб чиққан, беллари беўхшов букри, одамникига сира ўхшамасди. Ҳатто маймунсифат одамнинг бели одамники каби хипча, чиройли эмасди. Кўпчилигининг елкаси беўхшов туртиб чиққан, калта қўллари шалвираб, икки ёнига осилиб турарди. Ораларида юнглилар ҳам йўқ эмасди, бироқ ўта сержун, ўсиқ юнглилар кам эди, ҳартугул, менга оролда яшаган даврим бундайлар дуч келмади.

Яна бир кўзга ялт этиб ташланувчи қусур уларнинг юз тузилишида зоҳир — деярли ҳаммаларининг даҳани олдинга туртиб чиққан, қулоқлари хунук, бурунлари дўмпайган, пачоқ, сочлари эса паҳмоқ, дағал, кўзларининг туси ҳам, ўрнашиши ва тузилиши ҳам ғалати. Уларнинг ҳеч қайсиниси жилмаёлмас, фақат маймунсифат одамгина базўр ишшаярди, холос. Бу умумий сифатларни ҳисобламаганда, уларнинг қиёфаларида сира ўхшашлик йўқ, ҳар бирида асл наслий сифатлари сақланиб қолган, гарчи улар одам қиёфасида эса-да, бу уларнинг аслида қоплон, ҳўкиз ё чўчқа эканликларини, бир ёки бир неча жонивордан бино бўлганликларини яширолмасди. Овозларида ҳам катта фарқ сезиларди. Қўллари сира қўлга ўхшамас, айримлариники одамзот қўлини эслатгани билан, ҳар кимда панжа сони ҳар хил, тирноқлари дағал, бармоқлари ҳеч нарсани сезмасди.

Ҳайвонсифат одамлар ичида энг ваҳималиси қоплонсифат одам ҳамда сиртлон ва чўчқадан ясалгани эди. Баркасни соҳилга чиқарган уч нафар ҳўкизсифат одам баҳайбатликда улардан ўтарди. Кейин эса кумушсимон паҳмоқ юнгли Қонун жарчиси, Млинг ҳамда қип-қизил масхарабознинг ўзи — маймун билан эчки қоришуви натижасида юзага келган махлуқ турарди. Улардан ташқари яна уч нафар тўнғизсифат одам, битта чўчқасифат аёл, от ва каркидон чатишмаси ҳамда нимадан ясалгани номаълум анча заифалар мавжуд эди. Яна анчагина бўрисифат одамлар, битта айиқ ва ҳўкиз қоришмаси ҳамда битта кўппаксифат одам ҳам бор. Маймунсифат одам тўғрисида аввал эшитгансиз. Бундан ташқари, у ерда тағин бир ўлгудек жирканч, сассиқ, мен кўзим тушди дегунча, ижирғанадиган урғочи тулки ва айиқдан бино бўлмиш кампир ҳам юрарди. Айтишларича, у ниҳоятда тақводор ва ўтакетган Қонун тарафдори эмиш. Улар ичида энг пачоғи беш-олти нафар ёш олачипор махлуқ ва ҳув, ўша ленивецга ўхшаш қизғиш тусли миттивой эди.

Дастлаб бу махлуқларни кўриб, этим жунжикиб

юрган бўлсам ҳам, ҳайвондан бир туклари ўзга эмаслигини билсам ҳам, барибир, аста-секин кўникдим, уларга худди Монтгомерига ўхшаб муомала қилишга одатландим. Монтгомери улар билан анчадан буён мулоқотда бўлар, тўлақонли одамлардек мулозамат кўрсатарди. Лондонда кечирилган ҳаёт унинг учун абадий ўтмишга айланган эди. У йилда бир мартагина Арикага — Моронинг ҳайвонлар билан олди-сотди қилувчи таниши олдига бориб келарди. У ёқларда — испаниялик метис денгизчилар танда қурмиш жойларда — инсон аталмиш хилқатнинг тузук намунаси учрармиди, дейсиз? Ҳатто кемадагилар ҳам унинг кўзига бу ердагилар менга қандай кўринса, шундай кўринибди — оёқлари беўхшов тарзда узун, юзлари япалоқ, пешоналари дўнг, ниҳоятда шубҳали, хатарнок ва бешафқат. Умуман, у одамларни жини суймас эди. Каминага нисбатан озгина одамгарчилиги ҳам, ўзининг айтишича, мени қутқариб қолганида экан.

Назаримда, ўзга сийратдаги махлуқларнинг айримларига унинг хуфёна меҳри, қандайдир тушуниб бўлмас майли ҳам борга ўхшар, лекин буни мендан яширишга уринарди.

Унинг малайи — ҳайвонсифат одамлар ичида биринчи бўлиб кўрганим қора юзли Млинг барча махлуқлар қатори яшамас, тош девор ичида, торгина бир каталакда турарди. Унинг ҳам ақл даражаси маймунсифат одамникидан сира фарқ қилмас, бироқ ҳайвонсифат одамлар ичида уқувлироғи ҳам, одамга яқини ҳам шу эди. Шунгами, Монтгомери уни пиширишкуйдиришга, бошқа енгил-елпи уй-рўзғор юмушларини бажаришга ўргатганди. Млинг Моронинг даҳшатнок санъати ютуғи бўлиб, айиқ, ит ва ҳўкиз қоришмаси, хуллас, сидқидилдан яратилган мавжудот эди. У Монтгомерига жуда содиқ бўлиб, роса ҳурматини жойига қўярди. Баъзи-баъзида у буни пайқаб, Млингни эркалатса ёхуд ҳазиллашиб қайсидир ном билан чақирса, у мамнун бўлиб, осмонга сакрарди. Баъзи ҳолларда эса Монтгомери унга қаттиқ тегар, айниқ-

са, маст пайти уни урар, тепки билан сийлар, тош ёки ёндирилган гугурт чўпини мўлжаллаб отарди. Бироқ Монтгомери суйсин-суймасин, дунёда унинг ёнида бўлишдек бахт йўқ эди Млингга.

Ёдингизда бўлса, ҳайвонсифат одамларга нақадар кўникиб борганим ҳақида юқорида айтгандим, қарангки, бошда ғайритабиий туюлган нарсалар ҳам энди жўн, худди аслида шундай бўлиши керакдек кўриниб қолди. Балки, чиндан мавжуд муҳит теварак-атрофда ҳам ўз аксини қолдирар. Монтгомери билан Моро шунақа ўзига хос, аломат одамлар эдики, улар даврасида инсон ҳақидаги азалий тасаввурларимнинг ўзгаришсиз қолиши сира ақлга тўғри келмасди. Баркасдан юкларни туширишган қўпол ва баҳайбат ҳўкизсифат одамлардан бирининг оғир қадам ташлаб, чакалакзор оралаб кетаётганини кўриб, оғзим очилади, жисмоний меҳнатдан эзилиб, ҳориб, уйига мункайиб қайтаётган шўрлик деҳқондан унинг фарқи нима, дейман ўзимча. Афтида айёрлик акс этган ярим тулки, ярим айиқ аёлни учратганимда эса одамга хос нимаанидир сезгандек бўламан. Тавба, уни аввал қаерда, қайси шаҳарда кўрганман, деб ёқа ушлайман.

Албатта, уларнинг ҳайвоний хислатлари вақти-вақти билан ярқ этиб кўзга ташланиб ҳам қоларди. Уялардан бирига кираверишда чўнқайиб, ёввойи ҳайвонга ўхшаб ўтирган букри бир тасқарани ўзим кузатдим: у қўлларини олдинга чўзиб эснади, оғзи ланг очилиб, олмосдек ўткир, ваҳимали ҳамда бақувват, йилтироқ қилични эслатувчи сўйлоқ тишлари кўринди. Ёки, дейлик, тор сўқмоқ бўйлаб юриб келаётганимда олдимдан оқ матога ўраб-чирмалган нозиккина аёл чиқиб қолади, қизиқиб, кўзига тик қарайман ва юрагим орқамга тортиб кетади, чунки кўз эмас, ғовакни эслатувчи бир балони кўраман. Пастроқда эса исқирт либоси қатидан чиқиб турмиш эгри-бугри тирноқлари... Одам ҳайрон қоладиган яна бир жойи, бу антиқа мавжудотлар, аниқроғи, уларнинг аёл қавмига мансублари, келган кунимдан бошлаб, хунук, бедаво экан-

ликларини сезибми, ҳатто одамлардан ҳам кўпроқ ўзларига оройиш берадиган, кийимларига қарайдиган бўлиб қолишди.

XVI б о б

ҲАЙВОНСИФАТ ОДАМЛАР ҚОН ТАЪМИНИ ТУЙДИЛАР

Ёзувчилик тажрибам бўлмагани учунми, калаванинг учини тез-тез йўқотиб, мавзудан четлашиб кетяпман. Нонуштадан сўнг Монтгомери билан оролни айлангани, тутаб ётган ер ёриқлари, кечагина ботиб, оёғим куйган қайноқ булоқларни томоша қилгани чиқдик. Иккаламиз ҳам қуролланиб олдик — қўлимизда биттадан қамчи, ўқланган тўппонча. Қалин чакалакзор оралаб юриб эдик, баногоҳ қуённинг жон халпида чийиллаган овози эшитилди. Тўхтаб, теварак-атрофга қулоқ тутдик, бироқ овоз бошқа такрорланмади. Йўлимизда давом этдик. Монтгомери диққатимни буталар орасида ирғишлаб юрган бир неча пуштиранг, муштдеккина, орқа оёқлари узун мавжудотларга қаратди. Бу жониворлар Моро яратган ҳайвонсифат одамлар наслидан ясалган, дея уқтирди менга Монтгомери. Бошда уларни бир тирикчиликка яраб қолар, деган хаёлда ясаган экан, бироқ ҳайвонсифат одамлар туққан болаларини ҳадеб еб қўяверишибди, хуллас, унинг бу умиди ҳам пучга чиқибди. Мен бунақа жониворни илгари — қоплонсифат одам қувган оқшом, сўнг эса Моро таъқибидан қочаётганимда кўргандим. Шу пайт туйқус улардан бири биздан қочаман деб шамол қўпорган дарахт чуқурига тушиб кетди. Чуқурдан чиқиб улгурмасидан биз уни тутиб олдик. Жонивор худди мушукка ўхшаб пихиллар, жонҳолатда орқа оёқлари билан депсинар, ҳатто тишлашга ҳам уринарди, бироқ унинг тишлари ўтмас, сал-пал чимчилагандек бўларди, холос. Бу жажжи жониворга мен жуда қизиқиб қолдим, Монтгомерининг таъкидла-

шича, улар ҳеч ер титишмас, кейин ниҳоятда покиза жонивор эканлар. Унинг бу гапидан шаҳар атрофидаги боғларда қуён ўрнига шуларни кўпайтирса бўларкан, деб ўйладим.

Оҳиста қадам ташлаб кетиб борарканмиз, пўстлоғи узун-узун қилиб арчилган дарахт рўпарасидан чиқдик. Монтгомери уни кўрсатиб:

— «Дарахтларнинг пўстлоғи шилинмасин — бу Қонун», — деди. — Аммо бунга ҳамма ҳам амал қилавермайди!

Агар адашмасам, кейин сатир ва маймунсифат одамларга дуч келдик. Сатир Моронинг қадим ўтмиш ҳақидаги тасаввурлари маҳсули эди. Унинг юз шакли худди эчкиникига монанд бўлиб, қўпол, беўхшов яҳудийлар башарасига ўхшашиб кетарди. Овози базўр титраб чиқар, оёқлари худди рассомлар тасвирламиш шайтонникига ўхшарди. Ёнидан ўгаётганимизда у аллақандай қўзиқоринсифат мевани шиммоқда эди. Иккови ҳам эгилиб Монтгомерига салом беришди:

— Иккинчи қамчидор оғамизга саломлар бўлсин!

— Қамчидор оғаларингиз энди учта, шу ёдларингда турсин! — деди Монтгомери.

— Ие, ҳали у ясалган эмасми? — деди маймунсифат одам.

— Мен ҳам ясалганман, деб айтувди-ку?! — Сатирсифат махлуқ менга қизиқсиниб тикилди.

— Учинчи қамчидор оға йиғлаб денгизга қочган, юзи оппоқ, ориқ.

— Айтиб қўяй, унинг қамчиси ингичка бўлгани билан узун, — деди Монтгомери.

— Кеча унинг ҳаммаёғи қон, йиғлаётганди, — деди сатир.

— Сизнинг ҳеч ерингиз қонамайди, сиз ҳеч қачон йиғламайсиз. Хўжайиннинг ҳеч ери қонамайди, у ҳеч қачон йиғламайди.

— Вой, сен, шумтака-ей! — дея хитоб қилди Монтгомери.

— Тилингни тий, яна ўзинг қон йиғлаб қолма.

— Унинг панжаси бешта, у менга ўхшаган беш панжали одам, — деди маймунсифат.

— Қани, кетдик, Прендик, — дея билагимдан тутиб, йўлга бошлади мени Монтгомери.

Сатир билан маймунсифат одам бир-бирига ғўлдираганча ортимиздан қараб қолишди.

— У индамаяпти, — деди сатир. — Одам бўлса, гапирарди.

— Кеча у мендан егани нарса сўраб юрганди, — деди маймунсифат. — Ўзи тополмапти.

Шу тахлит яна алламбалолар деб ғудиллашди, сўнг сатир одамнинг кулгани эшитилди.

Қайтишда қуён ўлигига дуч келдик. Шўрлик жониворнинг қизғиш танаси тилка-пора бўлиб ётар, қовурғалари суягигача ғажилган, гўштли жойлари ямланганди.

Буни кўриб, Монтгомери таққа тўхтади.

— Эй, худойим! — деб юборди у энгашиб, ерда сочилиб ётган суякларни яхшироқ кўриш учун қўлига оларкан. — Ё парвардигор, бу нимаси энди?

— Ҳайвонларингиздан қайси биридир эски одатини қўмсаб қолган кўринади, — дедим мен бир оз сукутдан сўнг. — Қаранг, умуртқа ғажилган.

Монтгомери суякларга тикилганча қотиб турар, ранги бўздек оқариб кетган, лаби қийшайиб, бурилиб қолганди.

— Иш чатоқ, — деди у, худди ўзига-ўзи гапираётган каби пичирлаб.

— Бу мен учун янгилик эмас, — дедим. — Шунга ўхшаш ҳодисага келган кунимоқ гувоҳ бўлгандим.

— Нималар деяпсиз? Аниқроқ гапиринг, нимани кўрувдингиз?

— Боши узилган қуённи.

— Келган кунингиз-а?

— Ҳа, келган биринчи кунимоқ, кечки пайт, ташқарига чиққанимда, тош деворнинг ортидаги чакалакзорда. Боши сапчадек узиб олинган эди.

У чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

— Бу ёғини сўрасангиз, қайси бир ҳайвонингизнинг иши эканига ҳам ақлим етиб турибди. Лекин бу шунчаки бир тахмин. Ўша жасадни учратишдан олдин иблисларингиздан бири яқинроқдаги жилғадан сув ичаётганини кўрган эдим.

— Тили билан чапиллатиб ичаётганмиди?

— Ҳа.

— «Сув тил билан чапиллатиб ичилмасин — бу Қонун». Қаранг, Моро кўздан йироқлигида Қонунга улар қандай амал қилишаркан!

Бу ўша, мени қувлаган иблис эди.

— Тушунарли, — деди Монтгомери, — йиртқичларнинг бўлгани шу ўзи. Ваҳшийликдан сўнг албатта сув ичишади. Қон таъми — мана, гап нимада. Қайсиниси эди? Кўрсангиз танийсизми?

Қуён жасади тепасида тураркан, у теварак-атрофга хавотирли аланглар, кўзлари чакалакзор бағридаги кўланка ва ғовлар, бизни қуршамиш хавф-хатарга тўла ўрмон бўйлаб олма-кесак терарди.

— Қон таъми, — деб такрорлади у тағин.

Сўнг ёнидан тўппончасини чиқариб, ўқланган-ўқланмаганини текшириб кўрди ва қайта чўнтагига солди. Осилган лаблари тез-тез уча бошлади.

— Танисам кераг-ов. Бошига тош билан уриб, сулайтириб қўйгандим. Яхшигина ғурра қолган бўлиши керак бошида.

— Қуённи ғажиган ўшами, йўқми, ҳали исботлаш керак, — деди Монтгомери. — Асли ўша бошоғриқларни олиб келмасам бўларкан, эҳ, аттанг.

Мен кетишга чоғландим, аммо у қимир этмас, дабдаласи чиққан қуён жасади устида боши қотиб, ўйланиб қолган эди.

Индамай нари кетдим, бир оз юриб, қуён қолдиқлари кўринмайдиган ерга етгач:

— Кетдик! — деб чақирдим.

Фақат шундагина у ҳушига келиб, мен томон йўналди.

— Биласизми, — деди у паст овозда, — бу гумроҳ-

ларнинг барчасига ерда яшовчи тирик мавжудотларни еб бўлмайди, деб ўргатилганди. Алалхусус, улардан бирортаси қон таъмини тотган бўлса...

Анча жойгача иккаламиз ҳам жим кетдик. Сўнг у, худди ўзига мурожаат қилган каби:

– Ажабо, бу қандай юз берди экан? – деди. Бир оз жимликдан сўнг:

– Кеча тоза бемаъни иш қилибман-да, – дея давом этди. – Анави хизматкорим... Мен унга қуённи сўйиб, тозалаш ва пиширишни ўргатгандим. Шуниси қизиққи... У хумпар мириқиб бармоқларини ялаётганди. Илгари сира бундай ҳолни кузатмагандим. Бунга дарҳол чек қўйишимиз керак. Бориб, Морога айтмасак бўлмайди.

Уйга кетиб борарканмиз, унинг бутун фикру хаёли шу билан банд эди.

Янгилик Морога Монтгомерига нисбатан ҳам қаттиқроқ таъсир қилди, шуни айтишим керакки, улардаги қўрқув беихтиёр менга ҳам ўтди.

– Олдини олишимиз шарт, – деди Моро. – Шахсан мен буни қоплонсифат одам қилганига аминман. Лекин буни бўйнига қўймоқ керак. Афсус, минг афсус, Монтгомери, гўштга бўлган нафсингизни оз бўлсада тийиб, бунақа бало-қазони бошламасангиз бўларди. Бошимизга энди бир фалокат ёғилмаса гўрга эди.

– Ғирт эшак эканман, – деди Монтгомери. – Бироқ бўлар иш бўлди. Ахир қуён сотиб олишни ўзингиз буюргандингиз-ку?

– Ҳамма ишни йиғиштириб, ҳозироқ жиддий шуғулланиш керак, – деди Моро.

– Агар бирор кор-ҳол юз бергудек бўлса, Млинг ўзини ўзи ҳимоя қила олармикан?

– Билмадим, бир нима дейишим қийин, – деди Монтгомери.

– Млингни яхши биламан-ку, аммо...

Ўша куниёқ Моро, Монтгомери, Млинг ва мен тўппа-тўғри оролнинг нариги томонидаги жарликка – унгурда жойлашган уяларга йўл олдик. Ҳаммамиз

қуролланганмиз. Млингнинг қўлида ўзи ўтин ёриб юрадиган болта ва уч-тўрт бор юмалоқланган сим. Моронинг елкасида чўпонларнинг каттакон бурғуси осиғлиқ.

— Сиз ҳозир ҳайвонсифат одамлар йиғинига гувоҳ бўласиз, — деди менга Монтгомери. — Бу жуда қизиқ томоша.

Моро йўл бўйи миқ этмади, унинг жиддий оппоқ соқолли юзи маъюс эди.

Биз бўғи чиқиб турган қайноқ сувли жарликдан ўтдик, чакалакзор оралиғидаги илонизи сўқмоқдан токи юзаси кўкиш-сарғимтир кукунсимон парда билан (афтидан, у олтингугурт кукуни эди) қопланган кенг текисликка чиққунча юрдик. Ёввойи ўтлар ўсиб ётган соҳил ортида денгиз жимиллаб турарди. Каттагина пастқам жой — табиат яратган ўзига хос амфитеатр саҳнига етганда тўхтадик. Моро бурғусини чалди, унинг овози сукунат бағрини тилиб, олис-олисларга таралди. Азаматнинг ўпкаси хўп бутун экан, бурғу овози борган сари авжга минар, акс-садоси қулоқни йиртар даражада янгларди.

— Уф! — деди Моро ниҳоят бурғуни тушириб. Бирдан сарғиш қамишлар шитирлаб, куни кеча мен қочиб ўтган ботқоқлик бағридаги қалин ям-яшил чакалакзордан овозлар эшитилди. Сўнг сап-сариқ текис сайҳонликнинг уч-тўрт бурчидан бизга томон шошиб келаётган ҳайвонсифат одамларнинг бедаво сумбатлари кўзга ташланди. Қамиш ва дарахтлар панасидан бирин-сирин чиқиб, қуёшда жизиллаб ётган қум бўйлаб маймоқланиб келаётган бу бадбашара иблисларни кўриб, мени яна ваҳима босди. Моро билан Монтгомери эса заррача ҳаяжонланишгани йўқ. Хуллас, истасам, истамасам — уларнинг ёнида қоққан қозиқдек қотиб туришдан бошқа иложим қолмади. Биринчи бўлиб сатир одам етиб келди. Тавба, аниқ соя ташлаб туришига ва туёғи теккан ердан чанг кўтарилаётганига қарамай, у бу дунё хилқатига сира ўхшамасди; унинг кетидан тўқайзордан яна бир алвасти — от билан кар-

кидон қоришмаси чиқди, биз томон яқинлашаркан, ҳамон пичан чайнамоқда эди у. Ортидан чўчқасифат хотин ҳамда икки нафар қашқирсифат аёл пайдо бўлди. Сўнг эса кўзлари қип-қизил, юзи қабариқ тулки ва айиқ қоришмаси ҳамда қолган-қутган бедаволар ошиқиб келишарди. Яқинлашар эканлар, Морога бўйлари баробар эгилиб, таъзим бажо айлашар, бир-бирларига эътибор бермаган ҳолда Қонуннинг савт қисмидан парча ўқиб, зикр тушишарди: «Янчгувчи қўл Уникидир. Шифо бахш этгувчи қўл Уникидир...» ва ҳоказо.

Бизгача, чамаси, ўттиз қадамча қолганда улар тўхташди ва ерга чўк тушиб, бошларидан тупроқ сепа бошлашди. Бир тасаввур қилинг-а! Биз, уч нафар кўкиш энгил-бошли шўрлик ҳамда бедаво турқи совуқ қарол мовий, мусаффо гардиш остида, офтоб жизғанак куйдираётган сарғимтир текис майдонда, чўк тушганча қилиқ кўрсатаётган алвастилар қуршовида, айримлари, юзларида ва гавда тузилишларида акс этган айрим унсурларни ҳисобламаганда, туппа-тузук одамга ўхшовчи, айримлари майибу мажруҳ, яна бир қисми эса алоқ-чалоқ тушда кўрингувчи иблису алвасти монанд махлуқлар даврасида турардик. Бир томонда бош-кети йўқ қамишзор, иккинчи томонда сайҳонлик билан дара бағридаги уялар оралиғини қопламиш палмалар қуюқ ўсган ўрмон ва ниҳоят, учинчи томонда Тинч океанининг шимолга томон ястанган туманли уфқи.

– Олтмиш икки, олтмиш уч, – дея санаб чиқди Моро. – Яна тўртта кам.

– Қоплонсифат одам кўринмайди, – дедим мен.

Моро шу заҳоти яна бурғу чалди, унинг овозини эшитган ҳамон ҳайвонсифат одамлар ер бағирлаб эмаклаб, судрала бошладилар. Ниҳоят, қамишлар орасидан аста энгашганча, Моронинг кўзини шамғалат қилиб, жазава билан тупроқ тўзғитаётган подага яширинча қўшилиб олишни кўзлаган қоплонсифат одам чиқиб келди. Ўша заҳоти кўзим унинг манглайидаги ғуррани илғади. Охирида маймунсифат одам пайдо бўлди. Олдин келган жониворлар ер супураверіб, то-

қатлари тоқ бўлган, жиғи-бийронлари чиқиб, унга еб қўйгудек тикилардилар.

— Бас, жим бўлинглар! — деди Моро жаранглаган овозда, қатъий. Ҳайвонсифат одамлар дарров эмаклаш ва топинишдан тўхтаб, кетларини ерга қўйдилар.

— Қонун жарчиси қани? — деб сўради Моро. Кулранг паҳмоқ махлуқ шу заҳоти боши ерга теккудай эгилиб, таъзим қилди.

— Қани, бошла, — деди Моро ва ўтирган оломон яна чўккалаб, у ёндан-бу ёнга чайқалганча, аввал ўнг, сўнг чап қўллари билан олтингугурт кукунини бошлари узра сочиб, зикр туша кетишди.

Навбат: «Гўшт ва балиқ хомлайин ейилмасин — бу Қонун» деган жумлага етганда, Моро оппоқ коқсуяк қўлини юқорига кўтариб:

— Бас, тўхтанглар! — дея қичқирди ва ҳамманинг бирдан овози ўчди.

Назаримда, улар нима юз беришини ҳис этар ва бундан аллақачон ваҳимага тушаётган эдилар. Мен эсам уларнинг ҳайратомуз ваҳимали юзларига тикилардим. Титраб-қақшаб, мўлтиллаб турган кўзларида яширин даҳшат қотиб қолганини кўриб, уларни қачондир одам деб ҳисоблаганимга ажабланардим.

— Худди шу Тақиққа хилоф иш содир бўлган, — деди Моро.

— Шафқат йўқ, — деди кўз деган нарсадан мосуво кумушранг паҳмоқ махлуқ.

— Шафқат йўқ, — дея такрорлашди тиз чўкмиш ҳайвонсифат одамлар.

— Қонунни бузган муртад ким? — қичқирди Моро қўлидаги қамчини ерга тарсиллатиб уриб.

Сиртлон ва чўчқа чатишмаси ҳамда қоплонсифат одам менга сал ўнғайсизланаётганга ўхшаб кўринишди. Моро чеккан азоб-уқубатларини эслаб, ваҳима оташида қовурилаётган махлуқларга тикилганча жим туриб қолди.

— Қонунни бузган ким, деяпман? — такрорлади Моро, овози момақалдироқдай гулдираб кетди.

– Қонунни бузганнинг касри тегмай қолмайди, – дея зикр тушарди Қонун жарчиси.

Моро қоплонсифат одамнинг кўзига шундай қаттиқ тикилдики, гўё шу қараши билан унинг ич-аврасигача ағдариб, бор гапни билиб олмоқчидек эди.

– Қонунни бузган иблис... – деди Моро ундан кўзини узиб, биз томонга қараркан. Унинг овозида қандайдир тантана зоҳирдек эди.

– ...уқубат уйига қайтажак, – дея бараварига илиб кетишди ҳайвонсифат одамлар. – Уқубат уйига қайтажак, о, қудратли оға!

– Қайтажак уқубат уйига, қайтажак, – дея бидирларди маймунсифат одам, худди бу фикр унга лаззат бахш этаётгандек.

– Эшитдингми? – деди Моро айбдор томонга ўгириларкан. – Дўстлар... Ҳой!

У гапини тугатолмади – қоплонсифат одам, худди Моронинг нигоҳи сеҳридан қутулган каби, ўрнидан даст туриб, кўзларидан ўт чақнаганча, йирик ваҳшиёна ўткир тишларини йилтиратиб, ўз яратгувчисига ташланди. Бундай ҳамлага фақат бошга тушажак чексиз уқубат ваҳимасигина туртки бўлиши мумкин эди. Олтмиш нафардан ортиқ махлуқ дув этиб оёққа қалқди. Дарҳол тўппончамни чиқардим. Шу сония Моро ўзи яратмиш махлуқ билан тўқнашди. Қоплонсифат одамнинг зарбидан у қалқиб кетди. Бақириқ-чақириқ ва увлашлар оламни тутди. Атроф чанг-тўзонга тўлди. Худди исён кўтарилди-ёв, деб ўйлардим мен шу тобда...

Қоплонсифат одамнинг ғазабнок юзи бир лаҳза лип этиб олдимдан ўтгандек бўлди – унинг кетидан Млинг таъқиб этарди. Шу пайт кўзим туйқус сариқ кўзлари ғазабдан ёниб турган сиртлон ва чўчқа қоришмасига тушди, важоҳатидан, у менга ташланмоқчи эди. Унинг туртиб чиққан елкаси оша менга сатир одам қараб турарди. Моронинг ўқ узгани эшитилди ва оломон узра чақмоқ чаққандек бўлди. Тўда ҳеч балога қарамай, олға ташланди ва мени ҳам домига тортиб, суриб кетди.

Алҳол, мен айюҳаннос солганча чопиб кетаётган тўда билан бирга қоплонсифат одам ортидан қувдим.

Эсимда қолган бори — шу. Қоплонсифат одамнинг Морога ташланганини аниқ кўрдим, сўнгра ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди, жоним ҳалқумимга тиқилиб, чопаётганимни ҳам эслайман.

Млинг энг олдинда қувиб борар, қоплонсифат одам билан деярли бақамти келиб қолганди. Унинг ортидан тиллари бир қарич осилиб бўрисифат хотинлар йирик одимлар билан йўртиб боришарди. Улардан кейинда асабий ўкирганча, оқ матога ўралган икки ҳўкизсифат одам лўкилларди. Ана улардан сўнг қолган ҳайвонсифат одамлар қуршовида Моро чопиб борар, кенг айвонли похол шляпасини шамол учириб кетган, қўлида тўппонча, ўсиқ оқ сочлари тўзғиб, ҳурпайган эди. Сиртлон ва чўчқа қоришмаси менга елимдек ёпишганча, ёвуз нигоҳини узмай югурарди. Қолган махлуқлар бақириб-чақирганча, ортимиздан тапир-тупур чопиб келишарди.

Қоплонсифат одам қаршисидан чиққан баланд қамиш пояларини жонҳолатда қайириб, ўзига йўл очар, қамиш сўталари ортидан таъқиб этиб келаётган Млингнинг юзига тарсиллаб уриларди. Биз ҳам қамишзорга етиб, улар ортидан йўл солдик. Қамишлар оралаб қувди-қувди яқин ярим милга чўзилди, сўнг қалин ўрмонзор бошланиб, юриш хийла қийинлашди. Оломон бўлиб босиб бораётганимизга қарамай, шохшаббалар юз-кўзимизни савалар, чирмовиққа ўхшаш нарсалар ёқамиздан тортиб, почамизга ўралар, танамизга тиканлар санчилиб, тимдалаб, уст-бошимизни юз пора қилмоқда эди.

— Бу ерлардан у иблис тўрт оёқлаб ўтган, — деди Моро нафаси бўғзига тиқилиб, у энди мендан олдинга ўтиб олган эди.

— Шафқат йўқ, — деди қув-қув талвасасидаги бўри ва айиқ қоришмаси нақ тумшуғим тагида тиржайиб.

Қува-қува қоялар орасидан чиқдик, олдинда қочқин кўринди, у тўрт оёқлаб чопиб борар, елкаси оша

қайрилиб, бизга ирилларди. Унга жавобан ғўда ичидан бўри наслининг шодон увлаши янгради. Қоплонсифат одамнинг кийими ҳали эгнида эди, олисдан унинг юзи худди одамникига ўхшаб кўринар, фақат тўрт оёқлаб чопаётгани мушуксимонлар қавмидан эканини кўрсатар, елка кураклари нинг кўз илғар-илғамас чаққон ҳаракати таъқиб этилаётган мавжудотнинг ҳайвон эканидан далолат бериб турарди. У сариқ гулли қандайдир тикансимон бута устидан сакраб ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди. Млинг ҳам ўша бута олдига деярли етганди.

Кўлчилигимизнинг нафасимиз тиқилиб, ҳаракатларимиз сустлашиб қолганди. Яланг жойдан ўтаётганимизда ортга ўгирилдим: энди биз тўп эмас, баайни ипга тизилган каби борардик. Сиртлон ва чўчқа чатишмаси ҳамон мендан кўзини узмай, ёнма-ён келар, онда-сонда мени майна қилаётгандек ишшайиб, ҳурҳурлаб қўярди.

Қоялар охирлагач, қоплонсифат одам келган куним мени қувлаган бурунга қараб кетаётганини тушуниб қолди-ю, туйқус йўлни яна чакалакзорга бурди. Унинг муддаосини англаган Монтгомери йўлини тўсмоққа ошиқди ва чекинишга мажбур қилди.

Шу кўйи нафасим бўғзимга тиқилиб, қоя-тошларга қоқилиб-урилиб, тиканак-чўкиртакларга шилиниб, қамишу қирққулоқлар орасида уриниб-суриниб, Қонунни бузган қоплонсифат одамни тутиш ишига имдод кўрсатмоқда эдим, сиртлону чўчқа қоришмаси эса тишларини кўрсатиб, ваҳшиёна ишшайганча, ёнимдан бир қарич ҳам силжимай борарди. Бошим айланиб гандираклар, юрагим ҳовлиққанидан қинига сиғмас, ўлардек чарчаганим, буткул адойи тамом бўлганимга қарамай, шерикларимни кўздан қочирмасликка тиришардим. Акс ҳолда, анави даҳшатли махлуқ билан ёлғиз қолишим турган гап эди. Ва мен куннинг қизиғига ҳам, чарчаб, ит азобига тушганимга ҳам қарамай, олға чопардим. Ниҳоят, қувди-қувди ҳовури бир оз босилди. Биз у шўрликни оролнинг бир бурчига қисиб қўйдик. Моро қўлида қамчи, бизни ёй шаклида

жипслаб, олға бошлади, олдинга интилар эканмиз, бир-биримизга алланима товушлар берар, бирга-бирга ҳаракат қилардик, ўлжамиз эса борган сари ҳалқа орасида сиқилиб бормоқда эди. У сассиз, сездирмай, ўзини ўша оқшом мен ундан қочиб, яширинган шох-шаббалар орасига олди.

– Эҳтиёт бўлинглар! – деб қичқирди Моро. – Эҳтиёт бўлинглар!

Сафимиз бу пайтда чакалакзорни қуршаб, қочқинни тўлиқ ҳалқага олиб улгурганди.

Тўқайзор ичидан Монтгомерининг:

– Ташланиши мумкин, ҳушёр бўлинглар! – деган овози эшитилди.

Мен бу пайт чакалакзордаги дўнгда турардим. Монтгомери билан Моро эса пастда соҳилни тит-пит қилишмоқда эди. Хуллас, узун-қисқа бўлиб, шошилмай бир-бирига чирмашиб кетган шох-шаббалар орасидан ўтиб борардик. Қочқин дамини ичига ютгандай, биқиниб олганди.

– Уқубат уйига қайтади, қайтади уқубат уйига, қайтади! – деган овози келарди маймун одамнинг йигирма қадамча наридан.

Буни эшитиб, раҳмим келганидан шўрлик қоплонсифат одамнинг ўзимга қилган зуғумини ҳам кечириб юборибман.

Ўнг томонда от ва каркидон қоришмасининг залворли туёғи остида шох-шабба ва новдаларнинг қисирлаб сингани эшитилди. Шу пайт кўзим тўсатдан бир-бирига чирмашиб кетган буталар орасида, қалин ўсган ўт-ўланлар панасида турган, биз таъқиб этаётган қочқинга тушди. Жойимда таққа тўхтадим. У ғужанак бўлиб олган, елкаси оша бош буриб, яшил йилтироқ кўзларини менга тикканча қотганди.

Балки бу сизга ғалати, номутаносиб туюлар-у, лекин шу тобда рўпарамдаги мавжудотнинг ҳаққоний ҳайвоний тарзини, йилтираб турган кўзларию, қўрқувдан буришган, одамникига унча ўхшамаган турқини кўриб туриб, барибир, унда одамга хос нимадир бор-

лигини ҳис этардим. Яна бир муддат, бошқа таъқиб этувчилар ҳам уни кўришади, қўлидин нима ҳам келарди — шўрлик қўлга тушади, яна тош девор ортидаги азобу уқубатларга дучор бўлади... Мен шартта тўппончамни чиқардим-да, унинг даҳшат қотиб қолган кўзлари ўртасини нишонга олиб, тепкини босдим.

Шу лаҳзада сиртлону чўчқа қоришмаси ҳам уни илғади, илғади-ю, жон-жаҳди билан чинқириб, унга ташланди ва қонсираган тишларини унинг бўғзига ботирди. Теварак-атроф, қалин чакалакзор остин-устин бўлиб, ҳаммаёқни қасир-қусур овозлар тутиб кетди, ҳайвонсифат одамлар чумолидай ёпирилиб келишарди.

— Ўлдирманг уни, Прендик! — дея қичқирди Моро. — Ўлдирманг!

У йўғон қирққулоқлар орасидан энгашиб ўтиб келмоқда эди, етиб келиб, қамчисининг сопи билан ураура сиртлону чўчқа қоришмасини ҳайдади, сўнг Монтгомери билан бирга ҳамон типирчилаётган ўлаксани тўсиб, унга сари талпинаётган асабий, қонга ташна ҳайвонсифат одамлар тўдасини (айниқса, Млинг улар орасида жонбозлик кўрсатарди) тарқата бошлади. Кумушранг паҳмоқ махлуқ нақ қўлтиғим тагидан ўтиб, ҳид олганича иссиқ мурдага яқинлашди. Қолганлар ҳам ҳайвоний қутқу билан мени итариб-суриб, ўлик томон талпинардилар.

— Аттанг, Прендик! — деди Моро. — У менга тириклайин керак эди-я.

— Афсус, — дедим мен, аслида қилган ишимдан рози эсам-да. — Бундай бўлади, деб сира ўйламовдим.

Чарчоқ ва изтиробдан ҳолим қуриб, ўзимни оғир бетобдек ҳис қилардим. Ортимга бурилдим-да, ололмон орасидан туртина-суртина ўтиб, қияликдан тўғри бурун юқорисига қараб кетдим. Моро томоғи қирилгудек берган кўрсатмага биноан, оқ матога чирмалган уч ҳўкизсифат сўлоқмон жонсиз танани сувга томон судраб кетишганини сездим.

Энди ёлғиз қолиш унча хатарли эмасди. Ҳайвонси-

фат одамлар мурдага худди инсонлардек оқибат кўрсатиб, ҳўкизсифат махлуқлар уни денгиз томон судрашаркан, пишқириб, ғудиллаб, гала-гала бўлиб ортидан эргашишди. Мен эсам, зилдек оғир жасадни денгиз томон судраб кетаётган ҳўкизсифат одамларни кузатганча, бурун сари юқорилардим. Улар шом қоронғисида қорайиб кўринишарди. Шу тобда миямга худди денгиз тўлқинидек ёпирилиб, оролда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг бари бемаъни, беҳуда эмасми, деган фикр келди. Пастда, олис қоялар орасида Моро билан Монтгомерининг атрофида маймунсифат одам, сиртлону чўчқа қоришмаси ва яна бир неча ҳайвонсифат одамлар уймалашишарди. Уларни ҳали асабийлик тарк этмаган, барчаси бир бўлиб, уввос солганча муқаддас Қонунга нисбатан ўзларининг содиқлигини холисанлилло намойиш этмоқчи бўлардилар. Бироқ, мен ич-ичимдан қуёнлар ҳалокатида сиртлону чўчқа қоришмасининг ҳам ҳиссаси борлигини сезиб турардим. Мени яна бир ғалати ҳиссиёт чулғаб олгандики, тавба, шакл-шамойиллар нақадар хунук, беўхшов бўлишига қарамай, кўз ўнгимда инсон турмуш тарзи ўзининг бор ранг-баранглиги, туйғулар олами ва тасодифлари билан акс этиб турарди. Фақат ўлган жонзот росмана одам эмас, қоплонсифат одам эди. Бор фарқи — шугина, холос.

Шўрлик махлуқлар! Кўз ўнгимда Моро даҳшати ўзининг бор қирралари билан намоён бўлаётганди. Илгари Моронинг қўлига тушиб чиққан бу шўрпешона жониворларда даҳшат ва уқубат қандай муҳр қолдириши мумкинлигини сира ўйламаган эканман. Тош девор ортида кечирган азоб-уқубатларнигина ҳисобга олиб, даҳшатга тушиб юраверибман. Гап аслида бутунлай бошқа нарсада экан. Ҳайвонлик пайтлари уларнинг ҳис-туйғулари атроф-муҳитга уйғун мослашган бўлган ва тайинки, ҳар қандай жонзот ҳаётдан қанчалик баҳра олиб яшаса, улар ҳам шундай баҳраманд яшаганлар. Бироқ, энди уларнинг оёқ-қўллари боғлиқ, ғайришуурий инсоний шартларга бўйсунган-

лар, ўзлари асло тушунмайдиган Қонун деб аталмиш тарки маҳол қўрқувга бандилар; инсон ҳаётига бундайин нобоп тақлид фақат азоб-уқубатлардан бошланганди ва адоқсиз ички курашлардан, Морога нисбатан ниҳоясиз қўрқувдан, ҳадикдан иборат бўлиб қолганди. Буларнинг барчасидан кўзланган пировард мақсад нима? Айнан, шу бемаънилик мени ғазаблантирарди.

Мабодо, Моро фойдали ва барча учун тушунарли мақсадни кўзлаганда, жилла қурса, унга хайрихоҳлик билдирган бўлурдим. Мен ўзимни азоб-уқубатларга мутлақо қарши, ўта кўнгилчан одамлар тоифасидан деб ҳисобламайман. Башарти, унинг бу қилмишларига нафрат туртки бўлганида ҳам индамай кечирардим. Аммо, буларни у хаёлига ҳам келтирмас, парвойифалак, кўнглига нима келса, шуни қилаётганди! Табиатан ҳар бало-баттарларга қизиқиши, мақсаду маслаксиз қабиҳ изланишлари уни шу йўлга солган ва унинг қўлидан янги тур махлуқлар курашиш, адашиш ҳамда охири дўзах азобида ўлиб кетиш учун потирлаб яралаверган. Бадбахтлик уларнинг пешоналарига ёзилганди: қонларидаги наслий ҳайвоний қусурлари мудом қутқу солиб турар, фақат Қонунгина муқаррар қонли тўқнашувларга йўл қўймай келарди.

Ўша кунларда, денг, ҳайвонсифат одамлардан қўрқиб юрган одам энди Мородан қўрқадиган бўлиб қолдим. Мазам қочиб, ниҳоясиз азобга гирифтор бўлдим, бу қўрқув, васваса охир-оқибат миямда шундай чуқур асорат қолдирдики, ҳеч сўраманг. Оролдаги бемаъни жабр-зулмни кўриб, боқий дунёнинг одиллигига ҳам ишонмай қўйдим. Қандайдир бешафқат тегирмон жонзотларни қийиб-қиймалаб, махлуқларни ясар, иттифоқо, мен ҳам, Моро ҳам (илмга муккадан кетгани туфайли), Монтгомери ҳам (ичкиликка ружу қўйгани боис), ҳис-туйғуларига содиқ, онг даражалари паст ҳайвонсифат одамлар ҳам — ҳаммамиз бир гўр бўлиб, ана шу тегирмоннинг беаёв тошлари орасида эзғиланаётган эдик. Бироқ, бундай ру-

ҳий ҳолатга мен дарров тушганим йўқ... Чамаси, бу ҳақда гап очиб, мавзудан илгарилаб кетаётганга ўхшайман.

XVII боб

ФАЛОКАТ

Орадан беш-олти ҳафта ўтди ва Моронинг ғайриинсоний тажрибаларидан кўнглим бутунлай совиб, дилимда унга нисбатан нафратдан ўзга ҳеч нарса қолмади. Фикру зикрим қандай бўлмасин, тезроқ одам зотини мазахловчи махлуқлар яратгувчисидан қутулиш, ўзимга ўхшаш кўнгилга хуш кимсалар билан чин инсоний муносабатларга қайтиш бўлиб қолган эди. Мендан йироқдаги ҳамтовоқ дўстларим кўзимга шу қадар тинч, роҳат-фароғатда юришгандек кўринардики, беихтиёр уларга ҳавасим келарди. Монтгомери билан қалинлигим ҳам узоққа чўзилмади. Одамлардан узоқ вақт йироқда бўлгани, ички ликка ниҳоятда мойиллиги, ҳайвонсифат одамларга нисбатан очиқдан-очиқ хайрихоҳлиги ундан аллақачон кўнглимни совутган эди. Бир неча марта анавилар олдига у билан бирга боришдан бош тортдим, Монтгомери ўзи бориб-келиб юрди. Мен шундоқ ҳам ўзи ҳайвонсифат одамлар билан мулоқотдан ўзимни олиб қочардим. Асосий вақтимни, худо ёрлақаб, бирор халоскор кема кўриниб қолармикан, деган илинжда соҳилда ўтказардим. Кемадан-ку, тайинки, дарак йўқ эди. Умрим, то бир кун бошимизга фалокат ёғилиб, оролдаги ҳаётни остинустин қилиб юбормагунча, шу зайлда кечиб турди.

Бу воқеа оролга келганимдан етти-саккиз ҳафтача кейин содир бўлди. Балки, ундан ҳам кейинроқ юз бергандир — билмадим, вақт ҳисобини аниқ юритганим йўқ. Фожиа ҳеч кутилмаганда, эрта тонгда, чамаси, соат олтиларда содир бўлди. Ўша куни каллайи саҳарлаб ҳовлига ўтин таший бошлаган ўнтача ҳайвонсифат одамнинг қий-чувидан эрта уйғондим.

Нонушта қилиб, ташқарига чиқдим, очиқ дарвоза олдига бориб, мусаффо тонг ҳавосидан тўйиб симирдим-да, тамаки тутатдим. Кўп ўтмай тош девор бурчида Моро кўриниб, мен билан сўрашди. Ёнимдан ўтди-да, сўнг орқа томонимда тажрибахона эшигининг шарақлаб очилгани, унинг тап-туп қилиб ичкарига киргани эшитилди. Менда, бу пайтга келиб, оролдаги чексиз даҳшатларга аллақачон кўникма ҳосил бўлган, шу боис Моро дўзах азобига гирифтор этаётган шўрлик пуманинг навбатдаги дод-фарёдини этим жунжикмай, эътиборсиз қабул қилдим. У азроилни шунақа чинқириқ билан кутиб олдики, бундай жазавага фақат асаби қақшаган аёл зотигина қодирдек эди назаримда.

Сўнг эса нимадир бўлди. Ҳозирга қадар, ўшанда, ичкарида нима юз бергани менга қоронғу. Орқамда бақириқ-чақириқ ва ниманингдир гурсиллаб ағанагани эшитилди, ўгирилсам, мен томон даҳшатли бир нусха яқинлашиб келяпти, на одам ва на ҳайвонга ўхшайди, бамисоли ажина дейсиз, қоп-қора, ҳаммаёғи қонталаш чандиқ, яраларидан қон томчилаяпти, киприксиз кўзлари йилтиллайди. Ўзимни ҳимоя қилиш учун қўлимни кўтарганимни биламан, кучли зарбадан олдинга мук кетдим, қўлим қирс этиб синганини сездим. Бошдан-оёқ танғиб боғланган, ҳаммаёғидан қонга беланган бинтлар осилиб турган баҳайбат иблис эса устимдан бир сакраб ўтди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Мен ётган алфозда қирғоқ томон юмаладим, ўзимни ўнглаб, ўтиришга уриндим, бироқ синган қўлим тагимда қолса бўладими. Сўнг Моро кўринди, унинг ранги ўчиб кетган, бўлиқ кенг юзи пешонасидан сизиб оқаётган қонга бўялиб, таърифлаб бўлмас даҳшат касб этганди. У, қўлида тўппонча, менга шунчаки кўз қирини ташлади-да, пуманинг ортидан чопди.

Соғ қўлим билан уриниб, аранг ўтириб олдим. Рўпарамда, қирғоқ бўйлаб катта-катта қадамлар билан сакраганча, аъзойи бадани ўраб-чирмалган иблис югуриб борар, унинг ортидан Моро қувиб кетмоқда эди.

Махлуқ хиёл орқасига ўгирилиб, Морони кўриб қолди ва кутилмаганда йўлни чакалакзорга бурди. Сакраб-сакраб, борган сари Мородан узоқлашмоқда эди у. Махлуқ бора-бора охири ўзини чакалакзорга урди, ушлаш илинжида қўлини олдинга чўзганча ортидан қувиб келаётган Моро иложсиз унга қарата ўқ узди, аммо ўқи хато кетди — иблис ғойиб бўлди. У билан изма-из, яшил бутазор ичида Моро ҳам кўздан йўқолди.

Уларни кузатарканман, қўл оғриғим шу қадар кучайдики, инграганча гандираклаб ўрнимдан туриб кетдим. Остонада Монтгомери пайдо бўлди, у кийиниб олган, қўлида тўппонча ушлаб турарди.

— Э худо, яна нима бало, Прендик?! — дея қичқирди у, қўлим синиб, майиб бўлганини ҳам сезмай. — Анави иблис қочдими? Деворга қоқилган қозиқларни ҳам суғурибди-да! Уларни кўрдингизми? — Шу дам у қўлимни чангаллаб турганимни сезди ва: — Ие, нима қилди? — деб сўради.

— Эшик олдида тургандим, — дедим мен.

У қўлимни ушлаб кўрди.

— Кўйлагингиз қон, — деди у, енгимни шимарркан. Тўппончасини чўнтагига солиб, қўлимни оғрита пайпаслаб кўрди ва мени суяганча уйга етаклади.

— Қўлингиз синипти, — деди у. — Гапиринг, нима бўлди ўзи?

Бўлган воқеани узуқ-юлуқ, ора-сира инграб-синграб гапириб бердим, бу орада у қўлимни боғлаб, бўйним оша ўтказилган ипга осди-да, хиёл ўзини ортга ташлаб, менга тикилди.

— Жойида, — деди у ва қўшимча қилди: — Энди нима қилдик-а?

У анча ўйланиб қолди. Сўнг бориб дарвозаларни беркитди, нимагадир ҳаяллаб кетди.

Менинг бор дарду фикрим қўлимда эди. Бўлиб ўтган воқеа оролдаги даҳшатли ҳодисаларнинг навбатдаги биттасидек туюларди худди. Оромкурсига жойлашиб ўтирдим-да, бор юракдан оролни лаънатлай бошладим. Қўлим аввал зирқираб, сўнг эса қаттиқ ачишиб

оғрий бошлади, шу лаҳза остонада Монтгомери пайдо бўлди.

Унинг ранги ўчган, пастки лаби ҳар галгидан ҳам осилиб тушганди.

— Ер ютганми, нима бало, улардан ном-нишон йўқ, — деди у. — Балки Морога ёрдамим керакдир. — У менга маъносиз тикилди. — Кучли экан, иблис. Деворга қоқилган темир қозиқларни суғуриб чиқибди-я.

У олдин дераза, сўнг эшик ёнига борди-да, тағин менга ўгирилди.

— Топмасам бўлмайди, — деди у. — Мана бу тўппончани олинг, асқотиб қолар.

У тўппончасини ёнимга, столга ташлади ва чиқиб кетди, хонада узоқ ўтира олмадим, тўппончани ушлаб, эшик томон йўналдим.

Атроф сукутга чўмган, ҳаёт нафаси сезилмасди. Қилт этган шабада йўқ, денгиз сатҳи ойнадек йилтирар, осмон мусаффо, соҳил бўм-бўш эди. Бу мудҳиш сукунат юрагимга баттар ваҳима солди.

Куй хиргойи қилиб, хуштак чалиб чалғишга уриндим, аммо наф чиқмади. Яна бўралаб сўкиндим, эрталабдан бери бу иккинчи сўкинишим эди. Сўнг тош девор бурчагига ўтиб, Моро билан Монтгомерини ютмиш кўм-кўк чакалакзорга тикилдим. Улар қачон келишади энди? Ишқилиб, соғмиканлар?

Қирғоқдан олисда митти кулранг ҳайвонсифат одам пайдо бўлди, чопқиллаб сувга тушди-да, шалоплатиб сув сачрата бошлади. Мен худди қўриқчи аскар каби эшикдан бурчакка, бурчакдан эшикка томон тинимсиз юра бошладим. Бир вақт қулоғимга олисдан Монтгомерининг овози чалингандек бўлди, «Мо-о-ро! Мо-о-ро!», деб чақирарди у. Қўлим энди унчалик қаттиқ оғримас, фақат иситмада ловуллаб ёнарди. Аъзойи баданимни безгак тутар, томоғим қуриб, сув ичгим келарди. Кўланкам борган сари қисқариб бормоқда эди. Олисда кўринаётган кулранг махлуқдан, токи ғойиб бўлгунча, кўз узмадим. Наҳот, Моро билан Монтгомери энди буткул қайтишмаса? Уч нафар денгиз қуши

тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган аллақандай матоҳни талашиб, чўқишарди.

Бир маҳал узоқда, тош девор ортида ўқ овози янгради. Узоқ жимликдан сўнг бу овоз яна такрорланди, яқингинадан кимнингдир қаттиқ бақиргани эшитилди ва яна мудҳиш сукунат чўкди. Хаёлимга ҳар хил бўлмағур нарсалар кела бошлади. Яна шундоққина яқин жойда ўқ узилди.

Юрагим така-пука бўлиб, бурчакка чопдим, у ерда юзига қон тепчиган, сочлари тўзғиган, шимининг тиззалари йиртиқ Монтгомери турарди. Унинг мурданикини эслатувчи юзида даҳшат қотиб қолган эди. Ортидан оёқларини зўрға судраб, ҳайвонсифат одам — Млинг келар, даҳани теграсида қандайдир қўрқинчли қора-қура доғлар кўзга ташланарди.

— У қайтдими? — деб сўроқлади Монтгомери.

— Мороми? — деб сўрадим. — Йўқ.

— Ё парвардигор! — дея худди ҳаво етишмаётгандек бўғилди Монтгомери. — Ичкарига кирайлик, — деди сўнг қўлимдан тутиб. — Улар бутунлай қутуриб кетишибди. Бари ҳар ёқда тўзғиб юрибди. Нима гап экан-а? Ҳеч балога ақлим етмай қолди. Нафасимни ростлаб олай, ҳаммасини айтиб бераман. Ичгани ҳеч нарса борми?

У оқсоқланиб ичкари кирди ва ўзини оромкурсига ташлади. Млинг остонага етмай, ерга ётиб олди, у худди итга ўхшаб акилларди. Мен Монтгомерига озроқ ароқ ва сув келтирдим. У тўғридаги бўшлиққа тикилганча меровсираб ўтирарди, бироқ секин-аста ўзига келди ва бир оздан сўнг рўй берган воқеани сўзлашга тушди.

Уларнинг изидан анча тентирабди. Пайҳон бўлган, синган шох-шаббалар, пумадан тушиб, илиниб қолган оқ бинт парчалари, у ер-бу ерда баргу япроқларга томган қон томчилари изларидан боришига кўмак берибди. Бироқ, мен қоплонсифат одамнинг сув ичаётганида кўрган жилғадан ўтиб, тошлоқ ерга етганда,

изни йўқотибди ва таваккалига Моронинг исмини айтиб чақирганча, ғарб томонга кетаверибди. Млинг, пуманинг қочганидан бехабар, ўрмонда ўтин кесиб юрган экан, хўжасининг овозини эшитиб, олдига борипти. Улар икковлон Моронинг исмини айтиб чақирганча кетаверишибди. Йўлда икки нафар ҳайвонсифат одам пайдо бўлибди, писмайиб буталар орасидан изма-из юришармиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари сирли, имо-ишоралари бежо эмиш, Монтгомери дарров гумонсирабди. Уларни чақирган экан, худди гуноҳ иш қилгандек, тирақайлаб қочишибди. Шундан сўнг у Морони чақиришни бас қилиб, бироз нима қиларини билмай сандироқлагач, ғордаги уяларни текшириб кўришга жазм этибди. Ғор бўм-бўш экан.

Дам сайин юраги ҳаприқаверибди ва изига қайтибди. Йўлда мен дастлабки кун ўрмонда рақс тушаётганини кузатган икки чўчқасифат одамни учратибди, иккаласининг ҳам оғзи қон, асабий титрашармиш. Улар қирққулоқларни қасира-қусур синдириб, чиқиб келишибди ва уни кўриб, ғазабу важоҳатда таққа тўхташибди. Монтгомери хавотирга тушиб, қамчисини тарсиллатган экан, бирдан ташланиб қолишибди. Шу кунгача бирорта ҳайвонсифат одам бундай қилишга журъат этолмаган экан. Монтгомери биринг қоқ миясидан отиб улгурибди, Млинг эса иккинчисига ташланибди, улар юмалаб, олишиб кетишибди. Млинг уни босиб, бўғзидан олган экан, Монтгомери фурсатдан фойдаланиб уни ҳам нариги дунёга жўнатибди. Млингни ҳам ортидан эргашишга мажбур қилиш осон кўчмаганмиш.

Шундан сўнг, улар бу ёққа қайтишибди. Йўлда келаётиб, Млинг бирдан ўзини бутазорга урибди ва у ердан пакана ёввойи мушуксифат одамни ушлаб, судраб чиқибди, унинг ҳам тумшуғи қон, оёғи эса ярадор, оқсармиш. У тавия озгина юргач, иш кўрсатибди: четга тисарилибди-да, важоҳат билан уларга ташланибди. Афтидан, Монтгомери уни осонгина ер тишлатган.

— Нима бало бўляпти-я, ўзи? — сўрадим мен.

У бошини сарак-сарак қилганча, яна стаканга қўл чўзди.

XVIII б о б

МОРО ТОПИЛДИ

Монтгомери учинчи қадаҳни бўшатгач, аралашишга мажбур бўлдим. Унинг аллақачон кайфи ошиб қолганди. Морога бир жиддий кор-ҳол бўлди, йўқса, шу пайтгача қаерда бўлмасин, етиб келарди. Бундай қўлни қовуштириб ўтиравермайлик, излаш керак, дедим унга. Монтгомери бир оз тайсаллади-ю, лекин кўнди. Озгина тамадди қилиб олдик-да, учаламиз йўлга тушдик.

Бу, балки, ўша пайт асабим ниҳоятда таранглигидандир, бироқ ҳозир ҳам ўша илиқ тропик чошгоҳ паллада тентираганларимиз ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Млинг мункайганча олдинда, ғаройиб тим қора калласи шиддат билан у ён-бу ён бурилиб, йўлнинг ҳар икки томонини сергак кузатиб борарди. Унинг қўлида ҳеч нарса йўқ, болтачаси ҳам чўчқасифат одамлар билан тўқнашув чоғи йўқолган эди. Борди-ю, иш яна олишувга тақалса, тиши бор, ҳартугул, ундан фойдаланиш тажрибаси ҳам йўқ эмас. Монтгомери гандираклаганча, унинг ортида борарди, икки қўли чўнтагида, боши қуйи солинган. Ичишига монелик қилганимгами, кайф устида озгина мендан ранжиб қолганди. Менинг чап қўлим бўйнимга осиғлиқ (яхшики, чап қўлим), ўнг қўлимда тўппончани маҳкам ушлаб олгандим.

Оролнинг қалин, ёввойи ўсимталари оралаб, тор сўқмоқдан шимоли-ғарб томон юрдик. Млинг дабдурустдан тўхтаб, ҳушёр тортди. Монтгомери унга урилиб кетай деб тўхтади. Қулоқ тутиб жим қолдик, сал ўтмай, дарахтлар орасидан овозлар ва оёқ товушлари эшитилди. Улар биз томон яқинлашардилар.

— У ўлди, — деди қандайдир паст, титроқ товуш.

– Ўлгани йўқ, ўлгани йўқ, – ғўнғиллади яна бири.

– Кўрдик-ку, кўрдик-ку, – деди бир неча овоз.

– Ҳой! – деб бирдан қичқирди Монтгомери. – Ҳой, менга қараларинг!

– Оббо! – дедим мен ва дарҳол тўппончани ҳозирладим. Орага жимлик чўкди, сўнг қалин кўм-кўк чакалакзорнинг ҳали у ери, ҳали бу ери шитирлаб, зумда атрофимизда беш-олтитача ғаройиб башара пайдо бўлди, уларнинг юз ифодалари янгича тус олган, ўзгариб қолишганди. Млинг бўғзидан ириллагандай товуш чиқарди. Улар орасидан маймунсифат одамни дарҳол ажратдим – уни олдинроқ овозидан таниган эдим. Яна Монтгомери билан баркасда кўрганим – оқ матога ўраб-чирмалган икки махлуқни осонгина танидим. Уларнинг ёнида ҳамма ёғини доғ босган олачипор иккита махлуқ турар, яна ўша букри, сочлари чаккасини ёппа қоплаган, қалин қошлари ўсиқ, эшилиб кетган тарам-тарам соч ўрамлари суйри пешонаси узра ликиллаб ўйнаётган кумушранг паҳмоқ – Қонун жарчиси ҳам бор эди. Баҳайбат, юз деган нарсадан мосуво бу махлуқ кўм-кўк тўқайзор ичида ғалати қизил кўзларини бизга тикканча турарди.

Анча вақт ҳеч кимдан садо чиқмади. Ниҳоят, Монтгомери ҳиқичоқ аралаш овозда:

– Ким, уни ўлди деяётган? – деб сўради. Маймунсифат одам гуноҳкорларча кумушранг паҳмоққа қаради.

– У ўлган, – деди паҳмоқ. – Манавилар кўришибди. Аслида, рўпарамиздагилардан қўрқишнинг сира ҳожати йўқ эди. Уларнинг ўзлари биздан қўрқиб-писиб, юракларини ҳовучлаб туришарди.

– Қаерда? – сўради Монтгомери.

– У ёқда, – деди кумушранг паҳмоқ қўли билан ишора қилиб.

– Энди ҳам Қонун борми? – сўради маймунсифат одам.

– Энди ҳам у мумкин, бу мумкин эмас, деган гаплар борми?

— Унинг ўлгани ростми?

— Энди Қонун борми, йўқми? — такрор сўради оқ матога ўраб-чирмалган одам.

— Қонун борми, йўқми, сендан сўраяпман, иккинчи қамчидор оға? У ўлибди-ку, — деди кумушранг паҳмоқ.

Ҳаммаларининг кўзи бирдек бизга қадалган эди.

— Прендик, — деди Монтгомери, сўниқ, нурсиз кўзларини менга тикиб. — Унинг ўлгани ростга ўхшайди.

Мен унинг орқасида турардим. Уларнинг авзойи ўзгараётганини дарров сездим. Монтгомеринг олдига лип этиб ўтдим-да, овозимни баралла қўйиб:

— Қонун фарзандлари, у ўлгани йўқ, — дея хитоб қилдим.

Млинг менга ўткир нигоҳини қадади.

— У ўз қиёфасини ўзгартирди, бошқа тусга кирди, — дея давом этдим мен. — Маълум вақтгача сиз энди уни кўрмайсиз. У... анави ёқда, — деб осмонга ишора қилдим. — Ўша ердан у сизларни кўриб туради. Фақат сиз уни кўрмайсиз, холос. У эса кўради. Қонундан қўрқингиз!

Шундай деб махлуқларнинг кўзларига тик боқдим. Улар саросимада қолишди.

— У буюк, у шафқатли, — деди маймунсифат одам, қалин дов-дарахтлар оша осмонга хавотирли тикилиб.

— Анави махлуқ-чи? — сўрадим мен.

— Анави ҳаммаёғи қон, чинқириб, дод солиб қочган махлуқ ҳам ўлди, — деди менга тикилиб турган кумушранг паҳмоқ.

— Жуда соз бўпти, — ғудранди Монтгомери.

— Иккинчи қамчидор оға... — деб оғиз очди тағин кумушранг паҳмоқ.

— Хўш? — дедим мен.

— Уни ўлган, деди-ку.

Ҳар қалай Монтгомери нима учун Моронинг ўлимини рад этаётганимни тушунмас даражада кайф эмасди.

— Йўқ, у ўлган эмас, — деди у оҳиста. — Асло ўлгани йўқ. Мен қандай тирик бўлсам, у ҳам шундай тирик.

— Баъзилар, — дедим мен, — Қонунни бузишди, унга хилоф ишлар қилишди. Уларга шафқат йўқ. Уларнинг айримлари аллақачон ўлишди. Қани, кўрсатинг, қаерда унинг собиқ танаси? У бу танани тарк этган, чунки ортиқ унга муҳтож эмас.

— Анави ерда, о, қўрқмай денгизга қочган оғам, — деди кумушранг паҳмоқ.

Шундай қилиб, биз қалин қирққулоқлар, чирмовуқ-лианалар, қаққайиб турган дарахтлар оралаб, шимоли ғарбга — олти алвасти бошлаган томонга қараб йўл олдик. Қандайдир қичқириқ ва шохларнинг қирсиллагани эшитилди, ёнимиздан митти қизғиш жонивор чинқирганча чопиб ўтди. Зум ўтмай, унинг кетидан ҳамма ёғига қон сачраган, серюнг махлуқ пайдо бўлди, шу қадар шитоб билан чопиб келдики, ўзини тўхтатолмай бизга урилиб кетай деди. Кумушранг паҳмоқ бир сакраб ўзини четга олди. Млинг ирриллаб, серюнг махлуққа ташланди, бироқ ўзи ер тишлаб қолди. Монтгомери тўппончасини ишга солди, аммо ўқи хато кетиб, қўли билан бошини тўсганча қочишга чоғланди. Мен ҳам махлуққа қарата ўқ уздим, аммо у тап тортмай, бостириб келаверди; шунда унинг тасқара башарасини мўлжаллаб, яна тўппонча тепкисини босдим. Уни худди оловли чақин ургандек юзининг дабдаласи чиқиб кетди. Шунда ҳам мени четлаб ўтиб, Монтгомерига ташланди, уни ерга ағдарди-да, жон талвасасида судрай кетди.

Бир вақт қарасам, мен-у Млинг турибмиз, ерда жонсиз ҳайвон ҳамда одам юзтубан ётибди. Монтгомери зўрға ўзини ўнглаб, қўзғалди ва ёнида қонга беланиб ётган ҳайвонсифат одамга донг қотиб тикилди. Бу унинг бор кайфини ҳам учириб юборди-ёв. Инқиллаб, аранг оёққа турди. Рўпарадаги дарахтлар орасидан эҳтиёткорлик билан мўралаб кумушранг паҳмоқ кўринди.

— Кўриб қўй! — дея ўлиб ётган махлуққа ишора қил-

дим. – Хўш, Қонун йўқ эканми? Қонунни бузишнинг оқибати шу бўлади.

У ер тишлаб ётган жасадга тикилди.

– У жон олгувчи ўт пуркайди, – дея бўғиқ товушда Қонун жумлаларидан бирини такрорлади.

Қолганлар ҳам тўпланиб, мурдага тикилганча тек қолишди.

Ниҳоят, биз оролнинг ғарбий бурчига етиб келдик. Сал юриб пуманинг ғажиб ташланган, дабдала жасади устидан чиқдик, елка суягини ўқ буткул ўпириб кетганди. Ундан йигирма қадамча наридан эса излаган нарсамизни топдик... Моро қамишзор орасидаги топталган ерда юзтубан ётарди. Унинг бир қўли билагидан узилган, кумушранг сочларида қон қотиб қолганди. Боши пуманинг кишани билан мажақланган кўринарди. Атрофидаги пайҳон бўлган қамишларга қон сачраган. Тўппончасини топа олмадик. Монтгомери жасадни чалқанчасига ағдарди.

* * *

Гоҳ-гоҳ тўхтаб, дам олганча, етти ҳайвонсифат одам кўмагида (у ниҳоятда бўлали одам эди) жасадни қароргоҳимизга элтдик. Тун пардаси қорайиб, қуюқлашмоқда эди. Йўлда икки марта ёнимиздан бақириб-чинқириб, қандайдир жониворлар чопиб ўтишди. Бир марта пакана ленивецга ўхшаш мавжудот юз кўрсатди-ю, дарҳол ғойиб бўлди. Йўлда қайта ҳужум хавфи туғилмади. Дарвоза олдигача қузатгач, ҳайвонсифат шерикларимиз қайтишди, биз билан ичкарига фақат Млинг кирди. Дарвозани қулфлаб, Моронинг дабдаласи чиққан жасадини ҳовлидаги қуруқ шох-шаббалар устига қўйдик.

Шундан сўнг тажрибахонага кирдик-да, нимаики тирик топган бўлсак, барини битта қолдирмай ўлдириб чиқдик.

XIX боб

МОНТГОМЕРИНИНГ «БАЙРАМИ»

Ишларни тинчитиб, ювиниб, овқатлангач, Монтгомери билан ҳужрамга кирдик-да, илк бор айни дамдаги аҳволимиз ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга киришдик. Вақт ҳам ярим кечага яқинлашиб қолганди. Унинг кайфи деярли тарқаб кетган бўлса-да, барибир, боши ганг, гап уқмасди. Тайинки, у Моронинг таъсирига жуда берилган шахс эди. Моро ўлиши мумкин деган гап унинг ақлига сиғмасди. Юз берган фожиа унинг ўн йиллар мобайнида, балки ундан ҳам ортиқ шу оролда яшаб, кўниккан, бир йўсиндаги ҳаёт тарзига кутилмаганда берилган зарба эди. Унинг гаплари унча қовушмас, саволимга жавоб беришдан ўзини олиб қочар, умуман, юзаки гаплардан нарига ўтмасди.

— Бу бемаза дунё ўзи шунақа, — дея фалсафа сўқарди у.

— Ҳаёт деганлари ҳам ғирт беҳуда нарса. Шунча яшаб, нимани ҳам кўрдим? Ҳеч балони! Ҳайронман, қачон кўрарканман. Роппа-роса ўн олти йил энага ва ўқитувчиларнинг амру фармойишларига бўйсуниб, титраб яшадим, беш йил Лондонда тиббиёт илмининг тагига етаман, деб оч, юпун, ит ётиш, мирза туриш қабилида кун кечирдим, гуноҳ ишлар қилдим ва бир кун келиб йўлдан оздим, аҳмоқлигим оқибатида шу лаънати оролга тушиб қолдим. Ўн йил-а, ўн йилдан бери шу ерда сарсонман-а! Хўш, нима учун, Прендик? Наҳот биз болалар пуфлаб учирадиган совун кўпиги бўлсак?

Унинг бемаза сафсаталари энсамни қотирарди.

— Ҳозир фақат бу оролдан қандай қилиб кетишни ўйлашимиз керак, — дедим мен.

— Хўш, кетгандан нима фойда? Мен бир бадарға қилинган одам бўлсам. Қаерга ҳам бораман, кимга ҳам керакман? Сизнинг йўриғингиз бошқа, Прендик. Бечора Моро! Уни қандай қилиб бу ерларга ташлаб ке-

тамиз, суягини махлуқлар ғажисинми? Бу турган гап, ахир... Қолаверса, анави шўрликлар-чи, уларни нима қиламиз?

— Хўп, майли, — дедим мен. — Бу ҳақда эртага гаплашармиз. Балки қуруқ шох-шаббалардан гулхан ёқиб, жасадини анави ёнидагиларга қўшиб, куйдирармиз... Нима, ҳайвонсифат одамларга жин тегармиди?

— Билмадим. Йиртқич ҳайвонлардан яралганлари эртами, кечми — барибир, аслига қайтса керак. Улар ахир, кўпчилик, ҳаммасини қириб юборолмаймиз-ку? Дарвоқе, кейин сизнинг инсонпарварлигингиз ҳам бунга йўл қўймаса керак... Бироқ улар барибир ўзгаришади. Мени айтди дерсиз, шундай бўлади.

Унинг валдираши жаҳлим чиқиб, жоним бўғзимга келиб тақалгунча давом этди.

— Садқаи одам кетинг-е! — ўшқирди у, гапини қайтарганимга жаҳли чиқиб. — Наҳот менинг аҳволим сизникидан юз чандон ночор эканини тушунмасангиз?

Шундай дея ўрнидан ирғиб турди-да, бренди олиб келгани йўналди.

— Мана бундан ичинг заҳарингизга, — деди у қайтиб келиб.

— Ичинг, тийрак ақлли, олий ирққа мансуб, худосиз фаришта.

— Керак эмас, ичмайман, — дедим мен ва ичиб, гап уқмас, лақма бўлиб бораётганига зарда қилиб, чироқнинг сарғимтир нури ёритиб турган башарасига тикилганча, тумтайиб ўтиравердим. Ҳали-ҳали эсимда, итдек чарчаган эдим ўша кун. У эзилиб эзмаланар, энди Млингга, бошқа ҳайвонсифат одамларга тарафкашлик қилишга тушганди. Қадримга етган бирдан-бир одам — шу Млинг, деб айтарди у. Шу тобда бехос ниманидир эслади чоғи:

— Жин урсин мени! — деди ва гандираклаб ўрнидан тураркан, бренди шишасини бўғзидан тутамлади. Унинг ниятини ички бир сезгим билан пайқадим.

— Ҳайвонга ичкизиб бўлмайди, — дедим мен жойимдан ирғиб туриб, унга юзланарканман.

— Ҳайвон? — дея ўшқирди у. — Ўзингиз ҳайвонсиз! Бандаси ичган нарсани у ҳам ичади. Йўлдан қочинг, Прендик!

— Худо ҳаққи... — деб ёлворишга тушдим мен.

— Қоч!.. — дея ўшқирди у кутилмаганда тўппончасини чиқариб.

— Хўп, жуда соз, — дедим мен ва ўзимни четга олдим, унинг тўппонча лўкидонини тортаётганини кўриб. Бир орқасидан ташланиб қолайми ҳам дедим, бироқ қўлим носоғлигини ўйлаб, фикримдан қайтдим. — Ғирт ҳайвоннинг ўзи бўпқопсиз, боринг, қўшмозор бўлинг ўша ҳайвонларингиз билан.

У шарақлатиб эшикни очди-да, менга хиёл ўгирилганча остонада тўхтади, уни бир томондан чироқнинг сарғиш ёғдуси, иккинчи томондан эса ойнинг хира шуъласи ёритарди; қалин қошлари остидаги кўз косалари дона-дона йирик қора доғларга ўхшаб кўринарди.

— Сиз, Прендик, ўта мутакаббир, ғирт аҳмоқ экансиз! Нуқул ваҳима қилганингиз қилган, яна алламбалоларни ўйлаб чиқарганингиз ортиқча! Ўзи ҳаммаси тамом, охири кўриниб турибди. Эртами-индин куним битиши аниқ. Бироқ, бугун оқшом шундай ажабтовур байрам қилайки!

У бурилиб, ой ёруғига чиқди.

— Млинг, — дея чақирди у. — Қадрдоним Млинг!

Нимқоронғи қирғоқда, олисда, ойнинг хира ёғдуси остида уч нафар шарпа кезинарди, бири оқ матога ўраб-чирмалган махлуқ эди, қолган иккитасини эса таниб бўлмасди, худди иккита қора доғ махлуққа эргашиб кетаётганга ўхшарди. Улар тўхтаб, тош девор томонга аланглашди. Шу фурсат тош девор бурчагида Млингнинг лўкиллаб келаётган гавдаси кўринди.

— Ичинглар! — қичқирарди Монтгомери. — Ҳой, ҳайвон биродарлар, ичиб қолинглар! Ичиб, одам бўлинглар! Худо ҳаққи, дунёда ҳаммадан ақлли ўзим

эканман. Моро буни билмади. Ниҳоят, сўнгги синов вақти ҳам етди. Ичинглар, деяпман, ичаверинглар, тортинманглар! — Шундай деб, у шишани боши узра айлантирганча, ғарб томон йўртиб кетди, ортидан уч нафар шарпани эргаштирганча, Млинг ҳам ўша томонга чопди.

Мен эшик олдига келдим. Ойнинг хира ёруғида улар олислаб, ноаниқ шарпаларга айланиб улгуришганди. Бироқ шу лаҳза Монтгомери тўхтади ва Млингга брендини сувсиз, қуруқ ўзини ичирди, сал ўтиб бешала шарпа қўшилди, бир бутун, ноаниқ қора тўпга айланди.

— Қўшиқ айтинглар! — деган қичқириғи эшитилди Монтгомерининг. — Қани, баравар: «Прендикни жин урсин!» деб бақиринглар. Жуда соз. Яна такрорланглар: «Прендикни жин урсин!»

Қора тўп яна беш алоҳида шарпага ажралди-да, ойнинг хира ёғдуси остида қирғоқ бўйлаб аста узоқлай бошлади. Уларнинг барчаси кўнглига сиққанча бор овозда айюҳаннос солишар, шаънимга ҳар турли бўлмағур сўзларни айтишар, хуллас, ўз билгиларича илгари тотмаган ичкиликларининг кайфини суришарди.

Сал ўтиб олисдан Монтгомерининг:

— Ўнгга марш! — деган буйруғи янгради ва улар бақириб-чақириб, соҳилдаги қорайиб турган дарахтлар қўйнига кириб кетишди. Секин-аста овозлар ҳам тинди.

Яна сокин тун сафоси ҳокимликни қўлга олди. Ой аллақачон ғарбга оғмоқда эди. Вақт ярим тунга яқинлашган, шу боис у ҳозир роса тўлишиб, ўзидан ёрқин ёғду сочиб, чароғон осмонда аста сузарди. Тош девор сояси қорайиб оёғим остига тушиб турарди. Шарқ томонда денгиз кулранг тусда товланар, сирли йилтилларди. Денгиз ва тош девор оралиғидаги вулқон зарралари ҳамда кристалл кукунидан тўшалган кулранг қумлоқ йилт-йилт этиб товланади. Ортимда эса қизғиш-сарғимтир нур таратиб, чироқ милтиллайди.

Эшикни қулфладим-да, ўзининг сўнгги қурбонла-

ри — този итлар, лама ва бошқа бир неча шўрлик жониворлар билан ётган Моро олдига, ҳовлига чиқдим. Унинг бўлиқ юз қиёфаси ўзгармаган, ҳатто даҳшатли ўлимдан сўнг ҳам бамайлихотир кўринар, ҳамиша жиддий кўзлари очиқ, кўкдаги оппоқ, руҳсиз ойга тикилганча ётарди. Мен оқава сувларга мўлжалланган қувур четига кетимни қўйиб, жасадлар узра омихта ўйнаётган ойнинг кумушсимон нури ҳамда ваҳимали кўланкаларга тикилганча, бу ёғига қандай иш тутиш маъқуллиги ҳақида ўй суриб кетдим.

Эрталаб унча-мунча озиқ-овқат жамғариб, қайиққа жойлайман-да, манави жасадларга ўт қўйиб, очиқ океанга чиқаман. Монтгомери ҳақида ўйлаш энди бефойда. У ҳайвонсифат одамлар билан руҳан бир, инсоний ҳаётга кўника олмайди. Шу асно қанча хаёл суриб ўтирдим — билмайман. Бир соатдан кам ўтирмаган бўлсам кераг-ов. Диққатимни яна шу яқин ўртада пайдо бўлган Монтгомери бўлди. Махлуқлар тўдасининг шодон бақириқ-чақириқлари эшитилди, улар чуввос солиб ҳайқириб, чинқириб, увлаганча қирғоқ томон ўтиб боришарди, сув бўйига етиб тўхташди. Қий-чув бир авж олиб, сўнг босилгандек бўлди, қулоғимга тарақа-туруқ овозлар, ёғочларнинг қасир-қусур сингани эшитилди, бироқ бунга ўша пайт унча парво қилмабман. Хийла вақт ўтиб қовушмаган овозда қандайдир ашула бошлашди.

Яна миямда қандай қилиб бу ердан қочиш, қутулиш мумкин, деган ўй чарх урди. Ўтирган еримдан туриб, чироқни олдим-да, саройга, сув солинган бочкаларни текширгани юрдим. Сўнг сухарили банкаларни бир кўрай-чи, деб, бирининг оғзини очдим. Шу лаҳза кўзимга қизғиш алламбало гавда кўрингандек бўлди-ю, ортимга ўгирилдим.

Ҳовлида, қоронғилик ичра ой нури кезиб юрарди. Ўртада Моро ва унинг нимта-нимта қурбонлари ётқизилган қуруқ шох-шаббалар уйилган. Улар, худди ҳаётмамот жангига киришгандек, айқаш-уйқаш ётишарди. Моронинг яралари баайни тун каби қорайиб, очилиб

қолган, ерга томган қон қум устида қорамтир доғ касб этиб, қотиб қолганди. Сўнг — кўзимга кўриндими, билмай қолдим — рўпарамдаги деворга ўйноқлаб қизғиш нур тушгандек бўлди. Ўзимча, керосин чироқ липиллаган бўлса керак-да, деб қўя қолдим. Сўнг яна саройдаги озиқ-овқатни текширишга тушдим. Бир қўли чўлоқ одам даражасида титкилаб, тимирскилаб, ўзимга керакли нарсаларни топдим-да, эртага қайиққа юклайман, деб бир четга уйиб қўявердим. Мен имиллар, вақт эса шитоб билан югурарди. Тонг ҳам мўралаб қолганди. Соҳилдаги қўшиқбозлик шовқин билан алмашди, сўнг яна ашула бошланди ва кўп ўтмай, тўсатдан тўс-тўполон, қий-чув кўзғолди. «Яна, яна!» деган қичқириқлар қулоққа чалинди. Кимдир жанжаллашаётганга ўхшарди, туйқус қулоқни тешиб юборгудек чинқириқ эшитилди. Қий-чув тарзи ва оҳанги шу қадар ваҳимали тус олдики, беихтиёр бутун эътиборимни ўша ёққа қаратдим. Ҳовлига чиқиб, аста қулоқ солдим. Бир маҳал қий-чув овозларни ўткир пичоқдек кесиб, тўппонча тарсиллади. Шу заҳоти ҳужрамни кесиб ўтиб, кичик эшик сари чопдим. Эшик олдига етганимда саройдаги яшикларнинг йиқилгани, шарақлаб сингани эшитилди. Ҳозир бунга эътибор берадиган аҳволда эмасдим. Эшикни даст очиб, ташқарига қарадим.

Қирғоқда, бандаргоҳ ёнида ёришиб келаётган хира осмон бағрига сон-саноқсиз учқун сачратиб, олов тиллари ўрларди. Гулхан теварагида қора-қура шарпалар ғимирларди. Монтгомеринг мени чақиргани эшитилди. Тўппончани маҳкам ушлаганча, гулхан томон чопдим. Узоқда, деярли қум бағирлаб, Монтгомеринг тўппончасидан ўт чақнади. Демак, у йиқилган. Овозим борича бақириб, осмонга қарата ўқ уздим. Кимнингдир: «Хўжайин!» деб қичқиргани эшитилди. Тўп бўлиб ғимирлаётган ола-ғовур оломон атрофга сочилди, гулхандаги олов лоп этиб ўчди. Саросимага тушган ҳайвонсифат одамлар қирғоқ бўйлаб тум-тарақай қоча бошлашди. Чакалакзор ичига ўзларини ура-

ётган ҳайвонсифат одамлар ортидан ўқ уздим. Сўнг қумда чўзилиб ётган қора-қура шарпаларга қарадим.

Монтгомери чалқанча ётар, кумушранг паҳмоқ унинг устида, уни маҳкам чангаллаб олганди. Паҳмоқ ўлган, бироқ ўткир ўсиқ тирноқлари ҳамон Монтгомерининг бўғзида эди. Уларнинг шундоқ биқинида, мук тушганча, қимирламай Млинг ётар, елкаси аралаш бўйни нақ ўпириб узиб олинган, қўлида синган бренди шишасининг бўғзи кўринарди. Яна иккита шарпа гулхан олдида чўзилиб қолган, бири қимир этмас, иккинчиси эса инграб, онда-сонда бошини кўтариб қўярди.

Кумушранг паҳмоқни Монтгомеридан ажратар экан-ман, махлуқнинг тирноқлари рақиби кийимига қўйиб юборишни истамагандек илинарди. Монтгомерининг юзи кўкариб кетган, зўрға нафас оларди. Дарров юзига шўр сувдан сепдим, камзулимни тахлаб, боши остига қўйдим. Млинг ўлган эди. Гулхан олдидаги яра-дор махлуқ — башарасини ўсиқ кулранг юнг босган бўрисифат одам кўкси билан ҳануз жизиллаб турган чўғни босиб ётарди. Шўрлик қийналиб, шу қадар азоб чекардики, чидаёлмадим — битта ўқ билан бу дунё азоб-уқубатларидан халос этдим. Ёнидаги гавда оқ матога ўраб-чирмалган ҳўкизсифат одам экан. Унинг жони узилиб бўлганди.

Қолган ҳайвонсифат одамлар жуфтакни ростлашган эди. Яна Монтгомерининг олдига келдим, табобат илмидан бехабарлигимдан нолиб, ёнига чўк тушдим.

Гулхан бутунлай ўчди, фақат яккам-дуккам ўтин майдаларигина шамолда чўғланиб турар, чала куйик тарашалар тутамоқда эди. Монтгомери ўтинни қаердан олди экан, деб бошим қотарди. Тонг отиб қолган, ёришиб, оқариб келаётган осмон қўйнида ой хира тортиб, ботиб борарди. Шарқ томонда эса уфқ қизармоқда эди.

Баногоҳ орқамдан қасир-қусур ва пишиллаган овозлар эшитилди. Атрофга аланглади-м-у, даҳшатдан уввос солиб, ўрнимдан туриб кетдим. Тонгги шафақ то-

мон қароргоҳ узра бурқсаб қуюқ қора тутун кўтарилар, унинг буралиб эшилаётган қуюндек тўфони ичра қизил аланга тиллари очкўзлик билан тамшанарди. Похол ёпилган томга ҳам ўт кетди. Аланганинг қайрилма учи суйри томдаги похолларни ямлай бошлагани аниқ кўриниб турарди. Ҳужрамнинг деразасидан ҳам шитоб билан аланга отилиб чиқди.

Нима бўлганини дарров фаҳмладим. Уйдан чиқаётганимдаги тарақлаган овоз ёдимга тушди. Монтомерига кўмак бергани шошилиб, ҳужрамдаги керосин чироқни ағдариб юборган эдим.

Қароргоҳдаги ҳеч бир нарсани ёнғиндан қутқариб қолишнинг иложи йўқ эди. Миямга лоп этиб бу ердан кетиш фикри урилди, даст бурилиб, қирғоққа чиқариб қўйилган қайиқларга қарадим. Не кўз билан кўрайки, иккала қайиқдан асар ҳам йўқ эди. Қум устида болта ва майда тарашаю ёғоч бўлаклари сочилиб ётар, сал нарида сўнган гулхан кулга айланиб тутамоқда эди. Монтгомери қайиқларни қасддан — ахир, ўзи қайтиб кетолмайди, — мени ҳам бу ердан қайтиб кетолмасин, деб ёқиб юборганини англадим.

Бирдан жиним қўзиди. Ўзи-ку, оёғим остида ётибди, бир уриб бошини мажақлайми дедим. Бироқ, шу лаҳза у қўлини аранг, бирам аянчли қимирлатиб қолдики, беихтиёр дилимни раҳм-шафқат чулғади, унга нисбатан бор кек-адоватим сўнди. У инграб, бир дақиқа кўзини очди.

Дарҳол чўк тушиб, бошини кафтларим орасига олдим. У яна кўзларини очиб, жимгина субҳидамга термулди, сўнг аста нигоҳини менга қаратди ва бир лаҳза кўзларимиз тўқнашди. Унинг яна қовоқлари юмилди.

— Афсус, — деди у ниҳоят, бор кучини тўплаб. Афтидан, у фикрларини бир ерга жамлашга уринарди. — Тамом, — дея пичирлади у, — бу тентак дунёдан фориғман... Ҳаммаси беҳуда экан...

Мен индамай тиз чўкиб турардим. Унинг боши бир томонга осилиб бормоқда эди. Зорманда, бир қултум

сув бўлсами, у сал ўзига келармиди, деб ўйлардим мен. Яқин ўртадан сув олиб келай, десам, савил, бирор идиш йўқ. Монтгомерининг танаси бирдан оғирлашгандек бўлди. Этим жунжикиб кетди.

Юзига энгашиб, ёқасининг очиқ жойидан қўлимни суқдим. Унинг жони узилиб бўлган эди. Шу сония шарқдан, бурун ортидан ярқ этиб илиқ қуёш баркаши балқиб чиқди, ўзининг беҳисоб нурлари ила қорамтир денгиз сатҳини кўзни қамаштиргудек жимирлатиб юборди. Офтоб Монтгомерининг ўлим даҳшати қотиб қолган юзини ҳам зарҳал гулчамбарга ўради.

Бошини оҳиста қўлбола ёстиққа қўйиб, ўрнимдан турдим. Кўз ўнгимда яна жимирлаб ётган кимсасиз денгизу аллақачон доғини тотиб кўрганим — ёлғизлик намоён бўлди. Ортимда эса шафақ нурларига йўғрилмиш сокин орол ястанган, унинг ҳайвонсифат одамлари кўринмас, товуш беришмасди. Қароргоҳ барча озиқ-овқати ва омборлари билан бирга аланга олиб ёнар, гоҳ-гоҳ у ердан қасир-қусур, гумбурлаган товушлар эшитилиб қоларди. Тутам-тутам, қуюқ қора тутун буралганча бошим узра сузиб, қирғоқ бўйлаб таралар, дарахтлар учини ялаганча унгурдаги уялар томон энмоқда эди. Ёнимда эса қайиқлардан қолган тахта-тараша ва беш нафар жасад ётарди.

Мана, чакалакзор томонда учта ҳайвонсифат одам пайдо бўлди, елкалари туртиб чиққан, букрисифат, бошлари олдинга мункиган, беўхшов қўллари ерга теккудек осилиб тушган, кўзлари эса сергак, ола-кула, мен томон қўрқа-писа яқинлаша бошлашди.

XX б о б

МАХЛУҚЛАР ОРАСИДА ЁЛҒИЗ

Мен, бир қўлим чўлоқ, келгуси қисматимни уларнинг кўзидан уқиб олишга тиришиб, соҳилда ёлғиз қаққайиб турардим. Бисотимда фақат битта тўппонча, унинг ҳам учта ўқи кам.

Қирғоқ бўйлаб бетартиб сочилган тарашалар орасида қайиқларни бузишда ишлатилган иккита болта ётибди. Ортимда тўлқинлар шовиллайди.

Хуллас, ўз матонатимга таянмоқдан бошқа иложим қолмаган эди. Яқинлашиб келаётган махлуқларнинг башарасига тик қарадим. Улар шу заҳоти кўзларини олиб қочишди, бурун катаклари пирпираб, мендан сал нарида ётган ўликлар ҳидини олди. Дарров уч-тўрт ҳатлаб, бўрисифат одам жасади ёнига етдим ва энгашиб, ердан қон юқи қамчини олдим. Олдим-у, шу заҳоти ерга тарсиллатиб урдим.

Улар менга бақрайганча таққа қотишди.

— Тиз чўкинглар, — буюрдим мен. — Тиз чўкинглар, деяпман!

Улар каловланиб қолишди. Бириси дарҳол чўккалади. Юрагим қинидан чиқиб кетай-чиқиб кетай деб турганига қарамай, буйруғимни такрорлаганча уларга яқин бордим. Яна биттаси тиз чўкди, кетидан қолган иккитаси ҳам таъзим бажо айлашди.

Шартта бурилдим-да, тиззалаб ўтирган ҳайвонсифат одамларни назардан қочирмай, худди актёрлар саҳнани томошабинга юзланиб кесиб ўтгани каби, чўзилиб ётган ўликлар олдига бордим.

— Булар Қонунни бузишди, — дедим мен, бир оёғимни Қонун жарчиси устига қўйиб. — Улар ўз бошларига ўзлари етдилар. Ҳатто манави Қонун жарчиси ҳам. Ҳаттоки, иккинчи қамчидор оға ҳам. Қонун нақадар қудратли! Яқинроқ келиб кўринг.

— Шафқат йўқ, — деди улардан бири яқинроқ сурилиб, менга кўз қирини ташларкан.

— Асло, — дедим мен. — Шунинг учун энди менга қулоқ солинглар, фақат айтганимни қилинглар.

Улар аста ўринларидан туриб, бир-бирларига савол назари билан тикилиб қолишди.

— Қимирламанглар, — буюрдим мен.

Кейин иккала болтани ердан кўтариб, бўйнимга осиғлиқ латтага илдим, Монтгомерини тўнтариб, тўппончасини олдим, унда ҳали отилмаган иккита ўқ

бор экан, ёнини тимирскилаб, чўнтагидан яна тўрт-бештача ўқ топдим.

– Қани, кўтаринглар уни! – дедим қаддимни ростлаб, қамчи билан Монтгомеринг жасадига ишора қиларканман. – Олиб бориб, денгизга ташланглар.

Улар Монтгомеринг жасадига қараб юрдилар, ҳануз ундан чўчиётганлари сезилиб турарди, бироқ кўлимдаги қон юқи қамчи бошлари узра тарсиллаб қолиши мумкинлиги ҳам уларга маълум эди. Бир оз чўчиб, каловланиб тургач, қамчи овози ва менинг ўшқиришимдан сўнг, ниҳоят уни авайлаб кўтариб, қирғоқдан пастга олиб тушиб кетишди, сувни шалоплатганча, ялтиллаб кўзни қамаштираётган тўлқинлар бағрига кирдилар.

– Нарироққа, – дедим мен, – яна ҳам ичкарироққа олиб киринглар.

Улар сув қўлтиқларига кўтарилгунча юрдилар, сўнг тўхтаб, менга қарадилар.

– Ташланглар, – дедим мен. Монтгомеринг оғир жасади сувни бир шалоплатди-ю, тўлқинлар қаърида кўринмай кетди. Чап кўкрагимни нимадир қаттиқ ғижимлагандек бўлди.

– Яхши! – дедим овозим титраб. Улар, юзларида ваҳима, шошилиб, кумушдек товланаётган денгиз сатҳида узун қора чизиқлар қолдирганча қирғоққа қайтишди. Соҳилга етгач, гўё Монтгомери қайтиб чиқиб, улардан ўч оладигандек, ортга ўгирилиб тўхтаб қолишди.

– Энди манавиларни олинглар, – дедим мен қолган жасадларни кўрсатиб.

Улар Монтгомеринг жасадини ташлаган жойларига қайта йўлашмади, узоқ бўлса ҳам, қирғоқ бўйлаб юз қадамча нарига тўрттала ўлик ҳайвонсифат одамни ташиб, денгизга ташлаб келишди.

Млингнинг дабдала танасини сувга олиб бориб ташлаётганларини кузатиб турарканман, орқамдан енгил оёқ шарпаси эшитилди, ўгирилиб қарасам, мендан ўн қадамча нарида баҳайбат чўчқа ва сиртлон қориш-

маси турибди. Боши қуйи солинган, келишмаган даҳал қўллари мушт бўлиб тугилган, йилтироқ кўзлари мен томон бақрайган. Орқамга ўгирилганим ҳамон у тақка тўхтади, кўзи кўзимга тушиб, нигоҳини олиб қочди.

Бир дақиқа шундай юзма-юз туриб қолдик. Қамчини ташлаб, чўнтагимдаги тўппончани пайпасладим, қулай имконият туғилган ҳамон уни отиб ўлдиришни кўнглимга тугдим, зеро, қолган ҳайвонсифат одамлар ичида энг расвоси шу эди. Бир жиҳатдан, бу ваҳшийликдек туюлади, бироқ ўша топдаги қатъий қарорим шу бўлди. Унинг бир ўзи мен учун барча ҳайвонсифат одамлардан кўра кўпроқ хавф туғдирарди. Токи у тирик экан, ўзимни хотиржам ҳис қилолмас эдим.

Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, унга қараб:

— Таъзим қил, тиз чўк! — дея бақирдим. У тишларини иржайтириб қичқирди:

— Сен ўзи кимсан, менга...

Аъзойи баданим титраб, шартта тўппончамни чиқардим-да, унга қарата ўқ уздим. У чинқириб, ўзини четга отди-да, ортига бурилиб қочди. Тушундимки, ўқ хато кетди, дарҳол бош бармоғим билан тўппонча лўкидонини орқага қайирдим. Яна мўлжалга олмоқчи эдим, қарасам, лапанглаганча қочиб боряпти, анча узоқлашиб кетган, қўй, ўқ зое кетмасин деб фикримдан қайтдим. У бошини хиёл буриб, менга аланглаб қараганча қочиб борарди. Ёнаётган ҳовлидан ҳануз буралиб-буралиб чиқаётган қуюқ тутун пардаси панасига ўтиб, ниҳоят, кўздан йўқолди. Анчагача унинг ортидан қараб турдим. Сўнг итоатгўй уч нафар ҳайвонсифат одамимга ўгирилиб, ҳануз сувга ташламай, кўтариб турган қўлларидаги жасадни улоқтиришга ишора қилдим. Кейин гулхан ёнига, ўликлар уйилган жойга қайтиб, қорамтир қон доғлари кўмилиб, билинмай кетгунча қумни эзғиладим.

Қўл ишорам билан уч итоатгўй ҳайвонсифат одамга «Бўлди, бўшсизлар» деб, соҳилнинг юқори томонидаги тўқайзорга бурилдим. Тўппончам қўлимда, қам-

чи билан болталар чўлоқ қўлим илиғлиқ бандга осилган. Шу дақиқа ягона хаёлим, қани энди менга ҳеч ким халақит бермаса-ю, хотиржам ўтириб, шароитни бир тарозига солиб кўрсам, дердим.

Шу дамда хаёлимга келган яна бир даҳшатли нарса оролнинг бирор бурчида бамайлихотир оёқни узатиб, дам олишим ёки озроқ мизғишим мумкин бўлган жойнинг йўқлиги эди. Тўғри, бу ерга келганимдан буён ўзимни яхши ҳис этиб, анча кучга кириб қолдим, бироқ асабларим ҳануз чатоқ, сал нарсага бўғилиб, жиғибийрон бўлаверардим. Оролнинг у томонига, ҳайвонсифат одамлар олдига кўчиб ўтишимга, уларнинг ишончларини қозонишимга тўғри келишини ич-ичимдан ҳис қилиб турардим. Бироқ бунга юрагим дов бермасди. Яна соҳилга қайтиб, шарқий йўналишга бурилдим-да, ёнғин чулғаган қароргоҳ яқинидан ўтиб, маржон қояларга олиб борадиган, юзаси юпқа, йилтироқ қум билан қопланган ёлғизоёқ йўлакка чиқдим. Айнан шу ерда денгизга орқа қилиб ўтириб, хавфу хатардан бохабар, бемалол мулоҳаза юритса бўларди. Иягимни тиззамга тираганча ўтирар, офтоб бошим узра беаёв ўт пуркар, дилимда борган сари ваҳима кучайиб, бу балолардан қачон халос бўларканман, умуман, халос бўлиш насиб этармикан, дея хаёл сурардим. Мавжуд аҳволни хотиржам, совуққонлик билан, бафуржа ўйлаб олишим керак эди, бироқ лаънати ваҳима имкон бермасди.

Монтгомерининг умидсизликка тушиш сабабларини излардим. «Улар ўзгаришади, — деган эди у, — албатта ўзгаради». Моро-чи? Моро нима деган эди? «Уларда ўжар ҳайвоний ҳис-туйғулар кун сайин уйғониб боради». Кейин сиртлон ва чўчқа қоришмасини ўйладим. Уни мен ўлдирмасам, у бир куни мени ўлдириши аниқ. Қонун жарчиси ҳам ўлган, бу ҳам пешонамнинг шўрлигидан! Биз — қамчидор оғаларнинг ҳам барча сингари ўлишимиз мумкинлиги уларга энди сир эмас...

Балки, ҳозир улар ҳув анави қирққулоқ ва палма-

лар панасига биқиниб, туйқус човут солиш мақсадида яқин боришимни пойлашаётгандир? Ким билсин, балки менга қарши мутлақо даҳшатли бирор чорани ўйлаб қўйишгандир? Сиртлон ва чўчқа қоришмаси уларга нима деяётган экан? Хаёл тинмай асоссиз ваҳималар ботқоғига тортқиларди.

Ногоҳ қароргоҳ яқинида қирғоққа тўлқин суриб чиқарган қандайдир қорамтир нарсага денгиз қушларининг чувиллаб ёпирилиши диққатимни тортди. Унинг нималиги менга маълум ва равшан эди, бироқ бориб, қушларни ҳайдашга юрагим дов бермасди. Fордаги уяларда тузоқ эҳтимоли бор тўқайзордан эмас, оролнинг шарқий четидан боришга қарор қилдим ва қирғоқ бўйлаб қарама-қарши томон йўналдим.

Ярим милча юргач, тил топишганим — уч нафар ҳайвонсифат одамдан биринг соҳилдаги тўқайзордан чиқиб, тўппа-тўғри мен томонга келаётганини кўрдим. Миямда чарх урмиш ваҳимали ўй-хаёллар гирдобида шу қадар асабим таранглашган эдики, ўйлабнетиб ўтирмай, шартта тўппончани чиқардим. Унинг раҳм-шафқатга ундовчи имо-ишоралари ҳам мени тинчлантирмади. У менга саросималаниб яқинлашарди.

— Йўқол, — деб бақирдим мен.

Унинг бошини солинтирганча таъзим қилиб турishida итга хос нимадир зоҳир эди. Бақиригимни эшитиб, худди ҳайдаб солинган ит каби нари кетди, сўнг тўхтаб, вафодор кўзлари билан ялинганнамо тикилди.

— Йўқол, деяпман, — дедим мен тағин. — Яқинлаша кўрма.

— Яқинлашиш мумкин эмасми? — сўради у.

— Мумкин эмас, жонингдан умидинг бўлса, яқин келма, — дея забтига олдим мен, қамчини тарсиллатиб. Қамчини тишлаб, ерда ётган тошга қўл чўзгандим, у қочиб қолди.

Айланма йўл орқали ҳайвонсифат одамлар яшайдиган дарага келиб, унгурдаги уялар ҳамда денгиз оралиғидаги қамишзорга биқиниб олдим, мақсадим —

уларни кузатиб, юз-кўзлари, хатти-ҳаракатларидан Моро ва Монтгомерининг ўлими, тош девор билан ўралган Уқубат уйининг куйиб кул бўлгани уларга қандай таъсир этганини билиш эди. Аҳмоқ бўлмасам, шунчалик ҳам қўрқаманми? Эрта тонгдаги довюраклигимда тураверсам, ваҳимали ўй-хаёллар, васвасаларга берилмасам, Моро салтанатининг бўш қолган тахти ўзимга насиб этармиди, ҳайвонсифат одамларга ҳукмрон бўлиб олармидим? Бироқ мен шундай имкониятни бой бердим ва энди уларга шунчаки бошман, холос.

Тушга яқин уларнинг беш-ўнтаси ташқарига чиқиб, иссиқ қумга чўнқайиб ўтирганча, офтобда исинишга тушишди. Бу пайт очлик ва ташналик дилимни чулғамиш ваҳимадан устунлик қила бошлаган эди. Бикиниб турган еримдан чиқдим-да, тўппончамни ўқталганча исиниб ўтирганларни кўзлаб боравердим. Улардан бири — бўрисифат хотин бошини бурди-да, менга синчков тикилиб қолди, сўнг бошқалар ўгирилишди. Тиз чўкиб таъзим қилиш у ёқда турсин, бирортаси, жиллақурса, қимир этиб қўймади. Менда эса бир ерга тўпланмиш шунча ҳайвонсифат одамларни тиз чўкишга мажбур этишга на куч ва на бир ҳол бор эди, хуллас, қулай фурсатни бой бердим.

— Қорним оч, — дедим мен айбдорларча ва аста яқин бордим.

— Емиш ичкарида, — деди мудроқ оғушидаги ҳўкиз ва тўнғиз омухтаси терс бурилиб.

Уларни ёнлаб ўтиб, юҳодай жарликнинг зим-зиё, бадбўй қаърига йўналдим. Бўш уяларнинг биридан озроқ мева топиб, иштаҳа билан туширдим. Сўнг ифлос, ярим чирик шох-шабба ва новдаларни тўплаб, уя оғзини беркитдим, беркитдим-у, қўлимда тўппончани маҳкам тутганча тўсиққа бошимни қўйдим. Салкам ўттиз соатлик уйқусизлик азоби ўз ҳукмини ўтказди ва мен, уя оғзини номига тўсиб қўйганимга қарамай, биров тегса, шох-шаббалар шитирлаб, уйғотади, ғафлатда қолмайман, деган умидда енгил уйқуга кетдим.

XXI боб

ҲАЙВОНСИФАТ ОДАМЛАР АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТДИЛАР

Шундай қилиб, мен доктор Моро оролида ҳайвонсифат одамлар билан ёлғиз қолдим. Уйғонганимда, аллақачон атрофни қоронғилик чулғаганди. Майиб қўлим зирқираб оғрирди. Уйқусираб, аввал қаердалигимни англаёлмай ўтирдим. Ташқаридан қандайдир ғўлдираган, қўпол овозлар келарди. Қарасам, уя оғзидаги тўсиқ йўқ. Тўппончам эса боягидек қўлимда.

Ёнгинамда кимнингдир нафасини туйдим, шундоққина биқинимда аллақандай гавда пайпасланган-дек бўлди. Нима бало экан, деб, нафас ютиб ўша ёққа тикилдим. У жуда ҳам сокин қимирларди. Сўнг қўлимни юмшоқ, илиқ, ҳўл нимадир ялагандек бўлди. Этим жунжикиб кетди. Шу заҳоти қўлимни тортиб олдим. Даҳшатдан бўғзимга фарёд тиқилди. Шундагина гап нимадалигини англаб, ўқ узишдан ўзимни тийдим.

— Ким бу? — сўрадим мен ҳирқираб, тўппончани ўқталганча.

— Мен, хўжайин.

— Кимсан?

— Улар, энди хўжайинимиз йўқ, дейишяпти. Лекин мен биламан, биламан. Ҳўв, мурдаларни денгизга ташидим-ку, ўша мурдаларни сиз ўлдиргансиз, о, денгиздан қўрқмаган оғам. Қулингизман, хўжайин.

— Соҳилда учратганим сен эмасмидинг? — сўрадим мен.

— Мен эдим, хўжайин.

У чиндан ҳам содиқ эди, акс ҳолда, ухлаб ётган пайтим ташланмасмиди.

— Яхши, майли, — дедим мен, у ўпиб, яласин учун қўлимни узатиб. Унинг нега бу ерда эканига энди ақлим ета бошлади, яхши, у дилимга анча далда бўлди.

— Бошқалар қаерда? — сўрадим мен.

— Улар ғирт жинни, — деди итсифат одам. — Анави

ерда ҳозир гаплашиб ўтиришибди. «Хўжайинимиз ўлди, иккинчи қамчидор оға ҳам ўлди. Анави денгиздан қўрқмаган оға бизга ўхшаш оддий одам. Энди бизга хўжайин йўқ, қамчи йўқ, қутулдик, Уқубат уйи энди бўлмайди, ҳаммаси тамом. Биз Қонунни суямиз, унга риоя қиламиз; аммо Уқубат уйи энди йўқ, бизга хўжайин йўқ, қамчи йўқ», дейишяпти. Лекин мен биламан, хўжайин, мен биламан».

Мен қоронғида итсифат одамнинг бошини пайпаслаб топиб, силаб қўйдим.

– Майли, ғам ема – дедим унга.

– Энди уларни ўлдирасиз-а? – деди итсифат одам.

– Ўлдираман, – дедим мен, – ҳаммасининг адабини бераман ҳали. Лекин бир-икки кун ўтсин, кейин. Ҳаммасининг, сен қолсин, деб айтганлардан ташқари ҳаммасининг қиронини келтираман.

– Хўжайин кимни хоҳласа ўлдиради, – деди итсифат одам мамнун оҳангда.

– Гуноҳлари кўпайсин учун уларни вақтинча ўз ҳолларига қўямиз, – дея давом этдим мен. – Майли, кўнгилларига сиққанча қутураверишсин, менинг хўжайин эканимни билишмасин.

– Хўжайиннинг айтгани қонун, – деди итсифат одам, итларга хос сезгирлик билан.

– Биттаси катта гуноҳ қилди, – дедим мен. – Ўшани кўрсам, ўлдираман. Қачон, қаерда бўлмасин, сенга «Мана шу» десам, унга ташланасан, хўпми? Энди мен анави тўпланишиб ўтирганлар олдига чиқай.

Бир лаҳза ичкари қоп-қоронғи бўлиб қолди: итсифат одам чиқаётиб, уя оғзини тўсган эди. Унинг ортидан чиқдим, тўхтаб, уёқ-бу ёққа аланглади м. Бир пайт Моро тозиси билан орқамдан қувиб келганда, овозини илк бор эшитган ерда турган эканман. Тун, сассиқ унгур зим-зиё қоронғи. Ўшанда қуёш чарақлаб, ямяшил товланиб ётган тўғридаги ёнбағирликда эса ҳозир гулхан ловиллар, атрофида букчайган, беўхшов шарпалар кезинарди. Ундан нарида қоронғи ўрмонзор яс-

танганди. Жар узра ой кўтарилиб келар, оролдаги ҳамиша тутаб турувчи вулқонлардан таралган тутун ойнинг юзини оҳиста сийпалаб, сузмоқда эди.

— Ёнимдан жилма, — деб буюрдим итсифат одамга, ҳарна далда бўлсин учун. Биз уялардан бош чиқараётган қора-қура шарпаларга аҳамият бермай, тор йўлакдан пастга эндик.

Гулхан олдидагилар мени кўриб, таъзим қилиш у ёқда турсин, қимирламадилар ҳам. Кўпчилиги кўриб кўрмасликка олди. Мен аланглаб, сиртлон ва чўчқа қоришмасини қидирардим, бироқ у кўринмади. Ҳаммаси бўлиб бу ерда йигирматача ҳайвонсифат одам чўк тушган, оловга тикилиб гаплашиб ўтиришарди.

Бирдан ўнг томонимдан маймунсифат одамнинг:

— У ўлган, у ўлган, хўжайин ўлган, — деган овози янгради.

— Уқубат уйи-чи, у Уқубат уйи энди йўқ.

— У ўлгани йўқ, у ўлмаган, — дедим мен баланд овозда. — Ҳозир, шу дақиқада ҳам у бизни кузатиб турибди.

Бу уларни эсанкиратиб қўйди. Йигирма жуфт кўз менга қадалди.

— Уқубат уйи йўқ бўлди, — дедим мен. — Аммо у қайтиб бино бўлиши мумкин. Хўжайинни эса сиз кўрмайсиз, бироқ у ҳозир юқоридан ҳамма гапингизни эшитиб турибди.

— Тўғри, тўғри, — деб тасдиқлади итсифат одам.

Улар шошиб қолишди. Ҳайвонлар ёвуз ёхуд айёр бўлишлари мумкин, бироқ алдай олишмайди, алдашни, ёлғонни одамзотга чиқарган.

— Қўли боғлиқ одам ғалати гапиряпти-ку, — деди ҳайвонсифат одамлардан бири.

— Бор гапни айтяпман, — дедим мен. — Хўжайин ва Уқубат уйи яна қайтажак. Қонунни бузганнинг ҳоли ҳали вой бўлади.

Улар ҳеч балони тушунмай, бир-бирларига ҳайрон қарадилар. Мен эсам ясама хотиржамлик билан, эринганнамо қўлимдаги болтани ерга ура бошладим. Улар

чимда қолаётган чуқур болта изларидан кўз узишолмаётганини яққол сезиб турардим.

Гапларимга сатир одам шубҳа билдирганди, унга боплаб жавоб бердим. Сўнг олачипор махлуқлардан бири эътироз билдирди ва баҳс авжга минди. Худога минг қатла шукрки, менга ҳеч қандай хавф таҳдид солмаётганига тобора ишончим ортиб бормоқда эди. Мен энди дамим ичимга тушмай, тутилмай, бошда қизиққонлик билан қандай дадил сўзлаган бўлсам, шундай гапирардим. Бир соатдан ортиқроқ уриниб, ниҳоят, ҳайвонсифат одамларнинг бир нечасини ҳақ эканимга ишонтиришга, қолганларининг дилида эса озгина бўлса ҳам майл уйғотишга эришдим. Лекин бир дақиқа бўлсин, ашаддий душманим — сиртлон ва чўчқа қоришмасини ёддан чиқарганим йўқ, кўзим олма териб, уни ахтарардим, бироқ ундан дарак йўқ эди. Гоҳо шубҳали ҳаракат сезиб, юрагим шув этиб кетар, лекин илгаригичалик хавотир чекмасдим. Ниҳоят, ой оғди, суҳбатдошларим, бири қўйиб бири эснай бошлашди (сўниб бораётган гулхан шуъласида уларнинг эсноқ тутган башаралари, қинғир-қийшиқ тишлари яққол кўринарди), хуллас, навбатма-навбат унгурдаги уяларига кириб, ғойиб бўлишди. Мен ҳам қўзғолиб, уларнинг изидан йўналдим, чунки тун ниҳоятда ваҳимали, бирортаси билан бу ерда ёлғиз қолгандан, кўпчилик ичида бўлганим афзалроқ эди.

Доктор Моро оролидаги омонат ҳаётимнинг энг узоқ даври ана шу тарзда бошланди. Ўша оқшомдан то охирги кунгача — беҳисоб майда-чуйда кўнгилсизлик ва сурункали бесаранжомликларни ҳисобга олмаганда — айтишга арзигулик битта воқеа юз берди, холос. Инчунун, мен у даврни тўла тавсифлаб ўтирмайман, фақат чала одам, чала ҳайвон мавжудотлар билан бирга кечирилган ўн ой мобайнида юз берган энг муҳим воқеага тўхталмоқчиман. Хотирамда ёзишга туртки бериши мумкин бўлган тафсилотлар кўп, ёзиш-ку майли, агар уларни хотирадан ўчириб ташлаш имконияти бўлса, бутун мол-дунёмни ҳам аямас эдим. Бироқ,

айтмоқчи бўлган гапларимга уларнинг заррача дахли йўқ. Ўша кунларга хаёлан қайтиб, гоҳида ёқа ушлайман: қандай қилиб махлуқлар билан бу қадар тез тил топишдим, уларнинг муҳитига мослаша билдим, бунга қандай ўзимда куч топдим? Тўғри, улар билан жанжаллашган кунларим ҳам кўп бўлди, танамдаги чандиқлар, тиш излари бунинг исботи, лекин барибир, секин-аста улар менинг тошотарлик уқувим ҳамда болтамнинг зарби билан ҳисоблашадиган бўлишди. Айниқса, менга итсифат одамнинг вафодорлиги қўл келди. Тез орада шунга амин бўлдимки, улар олган жароҳатлари даражасига қараб, бировни иззат-ҳурмат қилишаркан. Улар орасида нуфузим ортиб кетди. Тортишув ва олишувда у ер-бу ери лат еган айримлари мендан аламзада, кўрганда афтларини буриштиришар, уни ҳам мендан яширин, ё бош буриб, ёки орқаворотдан қилишарди.

Сиртлон ва чўчқа қоришмаси нуқул ўзини мендан олиб қочар, мен эсам орқасидан пойлаганим-пойлаган эди. Ажралмас дўстим — ҳайвонсифат одам ҳам уни жинидан баттар ёмон кўрар, ҳам ундан қўрқарди. Мендан ажралмаслигининг боиси ҳам шу бўлса керак. Тез орада шу нарса англашилдики, у иблис аллақачон қон таъмини тотиб кўрган ва қоплонсифат одам кўйига тушган экан. У ўрмоннинг қаеригадир ин қурган, ўша ерда ёлғиз кун кечирарди. Ҳайвонсифат одамларни гиж-гижлаб, уни ушлайми ҳам дедим, бироқ уларнинг бошларини қовуштиришга ҳали обрўйим етарли эмасди. Уясига бостириб бориб, кутилмаганда ҳужум қилмоқчи ҳам бўлдим, бироқ у номард ўта эҳтиётқор, кўриб ё сезиб қолар ва ўша заҳоти яширинарди. Ўрмондаги барча сўқмоғу йўлларда пусиб, биқиниб, менга ва иттифоқчиларимга таҳдид соларди. Итсифат одамнинг мендан ажраб, ёлғиз юришига сира йўл қўймас эдим.

Биринчи ой ҳайвонсифат одамлар аввалги даврга нисбатан ўзларини анча яқин тутдилар ва мен итсифат одамдан ташқари яна уч-тўрттасининг ишончини

қозондим. Ленивецга ўхшаш пакана махлуқ менга ажабтовур тарзда боғланиб қолди, қаерга бормайин, изимдан соядек эргашгани-эргашган эди. Маймунсифат одам-ку, асти қўяверасиз, ўлгудек безор қилиб юборди. «Иккимиз ҳам беш панжали, демак, баробармиз» дейдими-ей, бир бало, нуқул бидирлаб, бошимни қотиргани-қотирган. Ундаги бир хислат мени ҳайрон қолдирарди: янги сўз топишга ниҳоятда устаси фаранг эди. Инсон учун тил тинимсиз сафсата сотиш учун берилган, деб ўйларди у чамаси. Оғзидан чиққан маза-бемаза сўзларни у «мислсиз фикрлар» деб атар, шу тахлит уларни кундалик муомаладаги сўзлардан, яъни «майда фикрлар»дан фарқларди. Оғзимдан унга тушунарсиз бирор гап чиққудек бўлса, дарров оғзининг таноби қочар, яна бир такрорланг, дея оёқ тираб туриб олар, ёдлаб олишга тиришарди, сўзларнинг оёғини осмондан қилиб бўлса ҳам, бориб, текин қулоқ биродарларига мақтанарди. Оддий, тушунарли нарсаларни назарига илмасди. Ҳозир ўйласам, умрим бино бўлиб, бунақа аҳмоқни кўрмаган эканман. Унда инсоний телбалик маймунга хос туғма фаросатсизлик билан уйқашиб кетган эди.

Ҳайвонсифат одамлар орасида дастлабки ёлғизлик ҳафталарини шу тарзда ўтказдим. Бу пайтда ҳали улар Қонун ақидаларига бўйсунишар, бебошлик қилишмас, ахлоқ-одоб чегарасидан чиқишмасди. Тўғри, бир кун яна битта қуённи ғажиб ташланган ҳолда топдик — шубҳа йўққи, бу сиртлон ва чўчқа қоришмасининг иши эди, бироқ бўлак бундай ҳодиса рўй бермади. Май ойларига келиб, уларнинг хатти-ҳаракати ва нутқида маълум ўзгаришлар юзага келди: товушлари ноаниқ тус олиб, кўп гапиришни истамай қолишди. Маймунсифат ошнам ҳануз ўша-ўша — жағи-жағига тегмас, бироқ борган сари нутқи тушунарсиз бўлиб, кўпроқ маймуннамо тус олаётганди. Қолган махлуқлар худди тилларини йўқотиб, гунг бўлиб қолганга ўхшашар, бироқ гапирсам, ҳануз айтганимни уқишарди. Биноийидек, равон нутқнинг кутилмаганда ғализлашиб, охи-

ри тушунарсиз, қўпол товушлар йиғиндисига айланишини тасаввур қилинг-а?! Кундан-кунга уларнинг гавда тутишлари ҳам ўзгариб, тобора мункайиб боришарди. Бундан ўзлари ҳам уялиб, имкон қадар яширишга ҳаракат қилишса-да, айримларининг тўрт оёқлаб чопиб кетаётганини бир неча бор ўз кўзим билан кўрдим — улар энди тик юролмасликлари муқаррар эди. Бирон нарсани ушлайман, дейишса, қўллари қовушмас, сувни аллақачон тиллари билан чапиллатиб ичишар, овқатни ҳам ҳайвончасига ейишар, хатти-ҳаракатлари, тана тузилишлари кун сайин дағаллашиб бормоқда эди. Моронинг айтгани — «ўжар ҳайвоний ҳис-туйғулар»нинг нишон бераётганига сира шак-шубҳа қолмаганди. Улар, ақл бовар қилмас даражада шитоб билан, асл ҳолларига қайтишмоқда эди.

Айримлар — ҳайрон қоларли жойи шундаки, асосан аёл жинсидагилар — шарм-ҳаёни ҳам йиғиштириб қўйишаётган эди. Тўғри, кўп ҳолларда бу яширинча юз берарди. Айримлар безбетлик билан сўққабошлик ҳақидаги қонунни топтамоқда эди. Умуман, вақт ўтгани сари Қонуннинг писта пўчоғичалик қадри қолмай борарди. Бу ҳақда гапириш менга ниҳоятда оғир. Итсифат ошнам кўз ўнгимда росмана итга айланиб борарди: кундан-кунга гапдан қолиб, асосан тўрт оёқлаб юрар, аъзойи баданини жун қоплаётганди. Туппа-тузук ёнимда юрган одамнинг кутилмаганда орқамдан эргашиб юрадиган итга айланиб бораётгани қизиқ эди. Кундан-кун авж олмиш бетартиблик ва ювиқсизлик боис, тор, диққинафас ғор ҳавоси шу қадар айниб кетдики, у ерни тарк этишга мажбур бўлдим, яна ўша эски тос, эски ҳаммом — келиб, Моронинг куйиб кул бўлган қароргоҳи ҳовлисида шох ва новдалардан ўзимга капа тикладим. Бу ернинг яна бир афзал томони шунда эдики, ҳайвонсифат одамлар ҳали-ҳануз чеккан азоб-уқубатларини унутганларича йўқ, ҳовлига яқинлашишга юраги бетламасди.

Одамсифат махлуқлар инқирозининг ҳар бир қадамини тасвирлаш, қай тахлит кунма-кун инсоний жи-

ҳатларини йўқотиб боришганини батафсил сўзлаш жуда қийин. Уларнинг қай йўсинда ўраб-чирмалган латта-путталарини ечиб, шир яланғоч ҳолга келишгани, юз ва тумшуқлари бўртиб чиққани ва ўша, ёлғиз ўзим қолган биринчи ой, уларнинг айримлари билан худди одамдек дўстлашиб, яқинлашиб кетганим — ҳамма-ҳаммасини ҳозир даҳшатли туш каби эслайман.

Аслига қайтиш жараёни аста-секин, бир маромда амалга ошди. Ҳеч бир ўзгариш кескин содир бўлгани йўқ. Мен анча вақтгача уларга аралашиб, бемалол юравердим, чунки ҳали уларда мавжуд инсоний хислатларни сиқиб чиқаришга қодир ҳайвоний унсурлар юзага қалқишига туртки етилмаган эди. Бироқ бу туртки эртами-индин юзага чиқиши муқаррар, мен шундан хавотирда эдим.

Вафодор итсифат ошнам тош девор ортида мени қўриқлар, шу сабаб анча тинч ухлардим. Пакана ленивецга ўхшаш махлуқ ўта ҳуркак, қуш пир этса, юраги шир этадиган бўлиб қолди ва мени тарк этиб, яна аслий ҳаёт тарзига — дарахт шохларида яшашга ўрганди. Биз худди ҳайвон ўргатувчилар барчага кўз-кўз қилиш учун турли жониворларни бир қафасга тиқиб, сўнг уларнинг тенглигига эришган ва бунга «бахтиёр оила» деб ном берган, лекин кейин ўргатувчисиз қолган ҳайвонлар ҳолига тушгандик.

Албатта, бу махлуқлар китобхон ҳайвонот боғларида кўрган, оддий айиқ, бўри, йўлбарс, ҳўкиз, чўчқа ва маймунга шунчаки айланиб қолишаётгани йўқ эди. Барчаларида ғалати хислатлар мавжуд эди. Ҳар қайсинисини Моро қориштириб, турли ҳайвонлардан ясаганди: бири айиқсимонлар асосида ясалган бўлса, иккинчиси мушуксимонлар, учинчиси эса ҳўкизлар асосида яратилганди, хуллас, ҳар бири бир эмас, бир неча ҳайвондан таркиб топганди, баринниг ўзига хос жиҳатлари бўлса-да, лекин умуман ҳайвон эканлиги аниқ кўзга ташланарди. Одам ажабланадиган яна бир жойи, инсоний жиҳатлар ҳам туриб-туриб юзага чиқаверарди. Бирдан тиллари чиқиб, гапириб юбориш-

лари, кутилмаганда олд оёқлари билан эпчил ҳаракат қилишлари, тик туриб юришга интилишларини кузатиш мумкин эди.

Менда ҳам ғалати ўзгаришлар юз бермай қолмади, албатта. Кийимларнинг кийимлиги қолмаган, устимга жулдур латта-путталар осиб қўйилган рўдапога ўхшаб қолгандим, қийқимлар орасида офтобда қорайган баданим бемалол кўринарди. Сочим шу қадар ўсиб, ҳурпайиб кетдики, охири ўриб, кокил қилиб олдим. Кўзим эса қандайдир ғалати йилтиллаб, атрофга нуқул сергак, олазарак боқардики, ҳозир ҳам шундай.

Дастлабки кунлар кундузлари жанубий қирғоқда кўзим тешилгудек денгизга тикилиб ўтирдим, бирор кема ўтиб қолса-чи, деб худонинг зорини қилдим. «Ипекакуана»нинг қайтишига умид қилардим, бироқ оролга тушганимга бир йил бўлибдики, ҳануз ундан дарак йўқ эди. Беш марта олисда елкан, икки марта тутун кўрдим, лекин оролга яқинлаб ҳеч нарса ўтмасди. Бирор кема кўринса, дарров ўт ёқиб, ишора бериш учун қирғоққа қуруқ шох-шабба ҳам жамлаб қўйгандим, бироқ оролда тутаб ётган вулқон қолдиқлари борлигидан хабардор денгизчилар бунга аҳамият бермасликлари ҳам мумкин эди.

Сентябрь ё октябрь ойлари эди чамамда, сол ясаш ҳақида ўйлай бошладим. Бу пайтга келиб, қўлим тузалиб кетган, иккаласи билан бемалол ишлай олардим. Дафъатан ҳеч нарса қўлимдан келмай, роса куйиндим. Устачилик ҳунаридан мутлақо хабарим йўқ, ўрмонда кунларни беҳуда кеч қилар, куйиб-пишиб дарахт кесиб, чопиб, уринганим-уринган эди. Ёғочларни бир-бирига боғлаш учун арқон йўқ, қаердан топсам, ўрнига нимани ишлатсам экан, деб бош қотирганим-қотирган эди. Оролда тўлиб-тошиб ётган чирмовиқлар эгилувчан, пишиқ бўлса ҳам гўрга эди, чала-чулпа илмим билан эса ўрнига бирор нарса кашф этиш қўлимдан келмасди. Икки ҳафтадан зиёд умрим куйиб кул бўлган қароргоҳ ҳовлисида, қайиқлар ёқилган қирғоқда тентираб, занг босган мих, темир-терсак қидириш

билан ўтди. Гоҳи-гоҳида айрим ҳайвонсифат одамлар лип этиб кўзга ташланишар, чақирсам, шаталоқ отиб қочиб қолишарди. Бунинг устига, гумбур-гумбур момақалдироқ, ёғин-сочинлар мавсуми келиб, ишимнинг белига тепди, шунга ҳам қарамай, барибир солни ясаб битказдим. Севинчим ичимга сиғмасди. Буни қарангки, уқувсизликдан — бу менинг ҳаётдаги энг катта камчилигим эди — солни денгиздан бир чақиримдан узоқроқ жойда ясабман, эпини қилиб, қирғоққа судраб боргунимча бузилиб, парчаланиб кетди. Бир томондан, яхши ҳам бўлди, агар солни сувга тушириб, йўлга чиққанимдан сўнг юз берганда-чи? Аммо ишим юришмагани шундай қаттиқ таъсир қилдики, бир неча кун денгизга бефарқ термулганча қарахт санқидим, кўзимга фақат ўлим кўринди, холос.

Бироқ ўлимга ким ҳам осонгина рози бўларди, дейсиз? Бир воқеа юз берди-ю, миямга уриб, кунларни бундай нодонлик билан беҳуда ўтказишнинг охири вой бўлиши ҳақида огоҳлантирди, чунки ўтаётган ҳар бир кун ёввойи махлуқлар хавфини кучайтирмоқда эди. Бир куни тош девор соясида оёғимни узатиб, денгизга тикилиб ётгандим, товонимга муздай нимадир теккандек бўлди-ю, чўчиб ўрнимдан туриб кетдим. Оёғим остида ленивецга ўхшаш кичкина жониворнинг менга мўлтиллаб кўз тикиб турганини кўрдим. У аллақачон тилдан қолган, хатти-ҳаракатлари қўполлашган, танасидаги юмшоқ, момиқ юнг кун сайин қалинлашиб борар, ўткир тирноқли қинғир оёқлари эса борган сари йўғонлашмоқда эди. У жуда аянчли товуш чиқарди, ҳушёр тортганимни кўриб, бутазор томон юрди ва яна менга ўгирилди.

Дафъатан мен уни тушунмадим, сўнг бир гап бўлган шекилли, дея аста орқасидан юрдим. Кун ниҳоятда иссиқ эди. Бутазорга келгач, у дарахтга осилиб, чиқиб кетди, чунки ердан кўра шохларда осонроқ ҳаракат қиларди.

Тўқайзордаги пайҳон бўлган ерда даҳшатли ҳодиса устидан чиқдим. Шўрлик итсифат дўстим ўлиб ётар,

жасади узра сиртлон ва чўчқа қоришмаси мук тушиб, ҳали совиб улгурмаган танани қўпол панжалари билан тутамлаб ғажир, оғзидан сўлаги оқиб, ириллаб қўярди. Аста яқинлашар эканман, у бошини кўтариб, йилтиллаган кўзларини менга тикди, лаблари титраб, қон юқи сўйлоқ тишлари кўринди ва таҳдидли ирилларди. Йиртқич шу тобда на қўрқар ва на қилган ишидан хижолат тортарди. Унда инсонийликдан асар йўқ эди. Олдинга яна бир қадам ташладим-да, тўппончамни чиқардим. Кута-кута, ниҳоят бугун бу аблаҳ билан юзма-юз келгандим.

Иблис ўрнидан қимир этмади. Аксинча, қулоқлари диккайиб, юнги ҳурпайиб, ҳужумга шайланди. Қоқ пешонасини нишонга олиб, шартта тепкини босдим. Ўқ варанглаганини биламан, бир сакраб, мени чалқанча ағанатди. Беўхшов панжалари юзимга урилди. Бор кучи билан сакрагани боис устимдан ошиб, ўтиб кетди, кўзимни очсам, оёғи остида ётибман. Бахтимга, ўқ нишонга тегибди, у жон талвасасида ирғиган экан. Унинг ифлос, зилдек оғир оёқлари остидан чиқиб, титраб-қақшаганча жон таслим қилаётган ўлаксага тикилдим. Ҳартугул, бир хавф ариган эди. Бироқ, бу ҳали таҳдид солиши муқаррар хавф-хатарлар олдида ҳолва эди.

Қуруқ шох-шаббалардан гулхан ёқиб, иккала жасадни ҳам ёндирдим. Токи бу оролни тарк этмас эканман, ўлимим муқаррар экани аниқ эди. Битта-иккитасини айтмаса, анави махлуқларнинг бари дарани тарк этиб, ўрмон бўйлаб тарқаб кетган, тўқайнинг ҳар ерҳар ерида ўзларига ин қуриб олишганди. Фақат айримларигина кундуз кунлари инидан чиқар, аксарияти бу пайтда уйқуда бўларди. Четдан қараган кишига орол дафъатан кимсасиздек туюлиши турган гап эди. Кечқурунлари эса еру кўк ҳар хил ёввойи товуш ва бақириқ-чақириқлардан ларзага келарди.

Баъзан, бу ярамасларни тузоқ қўйибми ёки бир бошдан пичоқлабми, қириб ташласаммикан ҳам дердим. Ўқларим етарли бўлганда, ўйланиб ўтирмай,

қиронларини берардим-ку. Ваҳшийларидан ҳозир қолган бўлса, йигирматача қолган холос, энг ашаддийлари ўлиб бўлган. Вафодор итсифат дўстим ўлиб, мен фақат кундуз кунлари мизғишни одат этдим, тунда ўзимни қўриқламасам бўлмасди. Ҳовлидаги капамни бошқатдан қурдим, оғзини шу қадар тор қилдимки, кирмоқчи бўлган жонзот сиғмай шарпа чиқариши тайин эди. Бахтимга махлуқлар ўт ёқишни унутишган, ундан қўрқадиган бўлиб қолишганди. Мен яна ғўла ва шох-шабба йиғиб, янги сол ясашга астойдил киришдим.

Ҳар қадамда юзлаб қийинчиликларга дуч келардим. Ўзим асли нотавон, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, уқувсиз одам эдим, аксига олиб, мен ўқиган мактабда меҳнат дарси ҳам ўтилмасди. Шунга қарамай, сол ясаш учун зарур нарсаларнинг барини эплаб-сеплаб топдим, бу сафар асосий эътиборни унинг мустаҳкам, пишиқ бўлишига қаратдим. Ҳал этиш зарур ягона муаммо бу сув идиш масаласи эди, йўлга чиқсам, кимсасиз океанда чанқоғимни қандай қондираман? Лойдан сопол идиш ясай, десам, бу лаънати оролда тупроқ ҳам йўқ. Бошим қотиб, нима қилсам экан, деб бутун оролни кезиб чиқдим. Баъзан асабийлашиб, жазавам қўзир, чидаёлмай, бирор бечора дарахтни майда-майда қилиб, хумордан чиқардим. Барибир ҳеч қандай чора топилмасди.

Ахийри мен орзиқиб кутган кун келди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди! Жануби-ғарб томонда кема кўринди, кичкинагина шхунага ўхшаш кема. Дарҳол тўплаб қўйилган шохлардан катта гулхан ёқдим-да, ўзим ёнига туриб олдим, бир томонимдан гулхан қиздирса, иккинчи томондан офтоб ёндирарди, бироқ мен бунга бепарво, икки кўзим кемада эди. Кун бўйи ёмадим, ичмадим, фақат ўша ёққа қараб серрайиб туравердим, охири кўнглим озиб, бошим айланиб кетди. Ҳайвонсифат одамлар аста яқин келиб, менга ҳайрон тикилиб, сўнг қайтиб кетишарди. Қош қорайгач ҳам кема жойидан жилмади, бора-бора қоронғида

кўринмай қолди, мен шўринг қурғур эса, кечаси билан ухламай, ўтин ташиб, гулханни ловиллатиб чиқдим. Гоҳ-гоҳ қоронғилик ичра ҳайрон боқаётган ҳайвонсифат одамларнинг кўзлари милт-милт ёниб, кўриниб қоларди. Ниҳоят, кема эрта саҳарда яқин келди, у ҳеч қанақа кема эмас, ифлос бир елканли қайиқ экан. Уйқусизликдан толиққанимга ҳам қарамай, унга тикилар, сира кўзларимга ишонгим келмасди. Қайиқда икки киши бор эди, бири қайиқ учида ўтирар, иккинчиси пастроқдан, рул олдидан жой олганди. Қайиқ жуда ғалати сузмоқда эди. У шамол йўналишида эмас, оқимда сурилиб келарди.

Тонг ёришиб қолган эди, камзулимнинг эгнимда қолган парчасини ечиб, силкита бошладим. Бироқ улар менга эътибор беришмас, бир-бирларига қараганча, қимир этмай ўтиришарди. Мен буруннинг ясси учига қараб чопдим, қўл силкитиб, бақиришда давом этдим. Улар жавоб беришмас, қайиқ эса ўз ҳолича кўрфазга секин-аста яқинлашиб келарди. Қайиқдан бир вақт пирр этиб каттакон оқ қуш ҳавога кўтарилди, бунга ўтирганларнинг на униси ва на буниси парво қилди. Қуш улар узра бир чарх урди-да, бақувват қанотларини бор бўйи ёзиб, силкитганча учиб кетди.

Мен бақиришдан тўхтаб, ерга чўкдим ва қўлларимни иягимга тираганча олис-олисларга термулдим. Қайиқ имиллаб ғарб томон йўналмоқда эди. Унгача сузиб етсам ҳам бўларди, бироқ қандайдир тушуниб бўлмас ваҳима бунга йўл бермасди. Чоштгоҳга яқин денгиз кўтарилиб, қайиқни ғарбий соҳилга, тош девор вайроналаридан юз қадамча нарига келтириб қўйди.

Қайиқдагилар ўлик эди. Жонлари чиққанига анча бўлган экан, қайиқни ёнбошлатиб бўшатаман дегандим, тўкилиб тушишди. Бирининг сочи худди «Ипекакуана» капитанининки каби қизғиш, ҳурпайган эди, ифлос оқ фуражкаси қайиқ тубида ётарди. Қайиқ билан овора пайтим буталар орасидан пусиб, уч нафар ҳайвонсифат махлуқ чиқди, бурун катаклари пирпираб, ҳид олганча, мен томон кела бошлашди. Айни

дам улардан шу қадар жирканиб кетдимки, асти қўяверасиз. Қайиқни шартта сувга туширдим-да, тирмашиб чиқиб олдим. Қирғоққа чиққанларнинг иккитаси бўри эди, бурун катаклари титраб, кўзлари ловуллаб ёнарди, учинчиси эса таърифлаб бўлмас даражада даҳшатли махлуҳ — айиқ ва ҳўкиз қоришмаси эди.

Уларнинг бир-бирларига тишларини иржайтирганча, бошига абадий мусибат қўнмиш мурдаларга яқинлашаётганларини кўриб, мендаги жирканиш яна даҳшат билан алмашди. Орқа ўгириб, елканни туширдимда, денгиз ичкарисига қараб эшкак эша кетдим. Ўлай агар, сира орқамга ўгирилиб қарай олмасдим. Ўша оқшом маржон қоялар ва орол оралиғида тунадим, эртаси куни саҳарлаб жилға томонга айланиб ўтдимда, қайиқдан топилган бўш бочкани сувга тўлдирдим. Сўнг бор матонатимни жамлаб, мева-чева тердим, қолган учта ўқим билан иккита қуённи отиб олдим. Бу юмушлар билан машғул эканман қайиқни, эҳтиёт шарт, ҳайвонсифат одамлар бузиб-нетиб қўйишмасин, деган ҳадикда маржон қоялардан бирининг ортига кўринмайдиган қилиб боғлаб қўйдим.

XXII б о б

ТАНҲОЛИККА МУБТАЛО

Кечга томон йўлга чиқдим. Денгиз узра жанубий-ғарбдан эсаётган енгил шамол қайиғимни оҳиста, бир маромда ҳайдаб борарди. Орол узоқлашган сари тобора кичраяр, ундан кўтарилаётган билакдек тутун ботаётган қуёш шафағига нурсизланиб сингиб кетмоқда эди. Қора нуқта кичрайиб-кичрайиб, охири кўздан йўқолди, тўрт томондан сув билан қуршалганча қолдим. Кундуз билан ҳамоҳанг, қуёшнинг ёйиқ шафағи худди юзига рангли парда тортилгандек, кўкдан сидирилиб сўнди ва унинг ўрнини қуёш ортида пинҳон турган ҳадсиз-ҳудудсиз милтиллаган юлдузларга тўла осмон эгаллади. Денгиз — жим, ос-

мон — жим, бу сукут ва қоронғилик бағрида мен якка-ю ёлғиз эдим.

Шу тахлит денгизда уч кун тентирадим, томоғимдан овқат ҳам, сув ҳам ўтмади ҳисоб, фақат бошимга тушган савдоларни хотирлаб, ўй суриб ўтиравердим, негадир одамлар билан юз кўришишга унча ошиқмасдим. Устимда кийим-бош ўрнида фақат ифлос латта-путта, бошимда соч эмас, моғор босган, чигал қора пўстак. Мени топганлар ҳам шубҳасиз жинни-пинни деб ўйлашар. Қизиқ, одамлар оламига сира қайтгим келмасди. Фақат ҳайвонсифат махлуқлар исканжасидан қутулганимга шукр қилардим, холос.

Хуллас, уч кун деганда Апиядан Сан-Франсискога кетаётган кема мени топиб, олиб кетди. Ҳикоямга на капитан ва на унинг ёрдамчиси ишонса денг, ёлғизлигу ўлим даҳшати ақлдан оздирибди, деб ўйлашди улар. Бошқалар орасида ҳам шундай гап чиқмасин деб, бу тўғрида бошқа оғиз очмасликка қарор қилдим, «Леди Вейн» ҳалокатидан бошлаб то кема топиб олган кунга қадар ўтган бир йил ичида нима бўлгани эсимда йўқ, деб қўя қолдим.

Бутунлай жиннига чиқариб қўйишмасин, дея ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутардим. Анави Қонун, иккала ўлик денгизчи, тундаги пистирмалар, қамишзордаги мурда дам сайин кўзимга кўриниб, тинчлик бермасди. Тескари дунёни кўринг, одамларга қўшилгач, уларга нисбатан майл ва ишонч туйғулари пайдо бўлиш ўрнига, қандайдир ғалати, худди анави машъум оролда бошдан кечирганимга ўхшаш ноумидлик ва ваҳима кучайди. Гапларимга ҳеч ким ишонмади, мен аввал ҳайвонсифат одамларга қандай муносабатда бўлсам, одамлар билан ҳам ҳозир шундай муносабатда эдим. Чамаси, ҳайвонсифат одамлардаги ёввойилик менга юқиб қолганди.

Ваҳима ҳам касаллик, дейишарди, тўғри экан. Мана, неча йилдирки, ўзим буни бошдан кечираман, миямга қўрқув муқим ўрнашиб қолган. Бу шундай қўрқувки, уни дейлик, қўлга яхши ўрганмаган шервачча-

нинг оломон олдида қалтирашига қиёс этиш мумкин. Дардимни яхши биламан, бундай касаллик бошқа ҳеч кимда учрамасди. Мен билан мулоқотда бўлаётган эркагу аёллар инсон тусига омонат киритилган қандайдир ҳайвонсифат одамлар эмас, деб ўзимни сира ишонтиролмасдим. Худди, улар ҳадемай асл насабларига қайта бошлайдигандек, бирин-сирин ҳайвоний хислатлари намоён бўладигандек туюлаверарди. Охири бу ҳақда Морони шахсан танийдиган ўткир бир олимга айтдим, у ҳартугул, гапларимга ишонгандек бўлди, ўзи асаб касалликлари бўйича мутахассис эди, менга кўп фойдаси тегди.

Бироқ ўша машъум оролда кўрган даҳшатларим бир кун келиб бутунлай хотирамдан ўчишига умид ҳам қилолмасдим. Улар, худди узоқдаги майда булутларга ўхшаб, олис хотира, ўлимтик шубҳа ҳолида қалбим тўридан жой олганди. Шундай кунлар бўлардики, майда булутлар катталашиб, бутун осмонни қоплаб оларди. Шунда атрофимдаги одамларга тикилар, дилимни таърифлаб бўлмас ваҳима чулғарди. Баъзи чеҳралар кўзимга ювош ва очиқ, баъзилари нохуш ва хавфли, яна бошқаси ўзгарувчан, носамимий кўринаверарди. Бирортасида ҳам инсонга хос соф оқиллик фазилатини сезмасдим. Ичларида худди ҳайвон яшириндек туюлаверар, оролдаги каби таназзул ҳадемай янада каттароқ кўламда такрорланади, деб ўйлардим. Биламан, бу ҳаммаси хомхаёл, атрофимдаги эркагу аёл бари росмана одам, ҳеч қачон ўзгаришмайди, ҳеч вақт уларни ақл-идрок, фаросат тарк этмайди.

Инсоний орзу ва интилишлари, меҳрибончиликлари боқий, қандайдир ҳайвоний туйғуларга, бўлмағур Қонунга ҳеч қачон қул бўлишмайди — мен кўрган ҳайвонсифат одамлардан бутунлай фарқ қилишади. Лекин барибир улардан негадир ўзимни олиб қочганим-қочган, менга ҳеч нарса — уларнинг қизиқсиниб қараши ҳам, сўроқ-саволга тутишлари ҳам, ҳатто кўрсатган илтифотлари ҳам ёқмайди, ҳеч ким яқинлашмаса, ёлғиз ўзим бўлсам, дейман.

Шу сабабдан ҳам бепоён, кимсасиз адир яқинида танда қурганман, дилимни қоронғилик чулғади, дегунча ўша ёқларга чиқиб кетаман. Фақат шу кимсасиз яйдоқ адир жонимга оро киради, булутсиз мусаффо гардиш остида роса хумордан чиқаман. Лондонда яшаган пайтим ваҳима туйғуси мазамни қочирарди. Одамлардан қаерга қочиб яширинишни билмай қолардим, деразалардан ҳар хил овозлар, шовқин кираверарди. Эшикни қулфласам ҳам барибир фойдаси тегмасди. Шунда васвасани енгаман, дея кўчага отилардим, хаёл оғушида кетиб борарканман, ортимдан хотинлар миёв-миёв қилишар, қонга ташна эркаклар тамшаниб, еб қўйгудек тикилишар, ҳориб-толган рангпар ишчилар «ўҳ-ҳў, ўҳ-ҳў» деб йўталганча ёнимдан ўтишар, кўзлари ҳорғин, сўниқ, худди қон томиб кетаётган ярадор оҳуларга ўхшашарди. Мункайган, маъюс қариялар ўзларича бир нималар деб пичирлашар, саёқ болакайлар ҳиринглаб, ортимдан дум каби эргашгани-эргашган эди. Черковга кирсам (шу қадар кучли эди касалим), у ерда ҳам шу аҳвол, руҳоний худди маймунсифат одамга ўхшаб «улкан фикрлар»ни жавраётган бўларди; кутубхонага кирсам, китобга термулган одамлар сабр-тоқат билан ўлжаларига кўз тиккан махлуқларни эслатишарди. Айниқса, поезд ва автобуслардаги одамларнинг турқи совуқлигини айтмайсизми, улар одам эмас, худди жонсиз жасадларни эслатишарди, шундан сўнг улар билан бирга кета олармидим, токи бўм-бўш улов учрамагунича кутиб ўтираверардим. Ҳатто ўзимни ҳам онгли мавжудот сифатида эмас, қандайдир ғалати дардга чалинган ва шунинг оқибатида адашган қўй каби ёлғиз, сарсон-саргардон кезинишга маҳкум хаста бир ҳайвон, деб ҳис қилардим.

Бироқ, худога шукрки, бундай ҳолатга ҳозир кам тушаман. Катта шаҳарларга хос бесаранжомлик, оломон тўс-тўполонидан йироқдаман, кунларим қалби қуёш каби порлоқ аҳли дониш томонидан ёзилган, ҳаёт йўлларимизни нурафшон айлагувчи нодир китобларни мутолаа қилиш билан ўтмоқда. Нотаниш ким-

саларни кам кўраман, турмушим ҳам одмигина. Кўп вақтимни китоб ўқишга, кимёдан ҳар хил тажрибалар ўтказишга бағишлайман, мусаффо оқшомлар илми нужум билан шуғулланаман. Нега, нима учун — билмадим-у, осмонда чарх урмиш юлдузлар чаманидан чексиз хотиржамлик ва ҳузур-ҳаловат туяман. Менинг фикримча, биздаги жамики инсоний туйғулар таскин ва умидни айрим кундалик ғам-ташвишлар, қилмиш-қидирмишлардан эмас, балки оламшумул, боқий коинот сирларидан, қонуниятларидан ахтармоғи керакдир. Инсон мудом умид билан яшайди, мен ҳам бундан мустасно эмасман, акс ҳолда яшай олмас эдим. Ва ана шундай умид билан яккаю ёлғизликда ҳикоямга нуқта қўяман.

Эдуард Прендик

И з о ҳ: Ҳикоянинг асл моҳиятини ифодаловчи «Доктор Моронинг тушунтиргани» дея номланмиш боб мазмуни «Сэтиди Ревью» газетининг 1895 йил январь ойи сонида чиққан мақолани эсга солади. Бу бежиз эмас: бобдаги тафсилотлар айнан ўша мақоладан келтирилган, фақат ҳикоя услубига хос тарзда қайта ишланган, холос. Илмий тайёргарлиги йўқ ўқувчига китобда тасвирланган бедаво махлуқлар — майли, уларни чала одам, чала ҳайвон деб атай қолайлик — ҳақидаги ҳақиқат, умуман, бундай жонзотларни яратиш мумкинлиги эриш туюлиши мумкин. Бироқ шуни эътироф этмай иложимиз йўққи, бу ҳол асло вивисекция имкониятларидан йироқ ҳам эмас.

МУМТОЗ ФАНТАСТ

Одам ясаш! Ҳар хил ҳайвонларни қирқиш-қийма-лаш, яна боз устига этни ўлдирмай, наркозсиз тана аъзоларини кўчириш! Тўрт оёқли жониворлардан икки оёқда ғоз юрадиган инсонлар яратиш! Ҳаммаси мумкин, фақат бир нарса — онг масаласи ҳал этилса бўлгани! «Сизга менинг бу махлуқларим кўзингиз тушгани ҳамоно ғаройиб, жирканч кўринади, менга эса улар яратилиши биланоқ сўзсиз одамга ўхшаб қолади. Фақат кейинчалик, уларни анча вақт кузатиб юрганимдан кейин ҳафсалам совийди. Бирин-кетин ҳайвонлик аломатлари қалқиб юзага чиқаверади, кўзга аниқ ташланаверади... Барибир мен ғалаба қозонишим керак... Ҳар гал тирик жонзотни ўт ловиллаб турган уқубат ўчоғига ташлаганимда, ўзимга-ўзим шу сафар ундаги барча ҳайвоний сифатлар куйиб кул бўлди, лоақал шу гал ундан ўзим кўзлаган жонзотни бино қилар-ман, дейман. Қани энди муддаом ҳосил бўлса! Бир томондан мундоқ ўйлаб кўриладиган бўлса, ўн йил муддат нима муддат? Инсон ўзи минг йиллар мобай-нида инсон бўлган. Мақсадга етишимга ҳам оз қол-ди...» Мана, инсон ясашга аҳд қилган, ҳар галгидек ҳассос олим — Уэллс қаҳрамони доктор Моронинг ўкинчли сўзлари. Эҳ, инсон, хаёл, орзу, мақсад, ин-тилиш! Нега инсон тафаккури унга бир дамгина тинч-лик, хотиржамлик ато этмайди? Нега инсон яралиб-дики, у беҳаловат, интиқ, нега? Асли насли, ярати-лиши ҳали ҳамон муаммо инсон ўзи яна инсон яратмоқчи, фақат табиий йўл билан эмас, тафаккури

билан. Доктор Моро фикр қаловига ёлқин илашган, энди уни бу қутқу сира тарк этмайди, ҳаётидан воз кечса кечадики, бу йўлдан қайтмайди У энди ёлғиз ва дарбадар, кимсасиз оролда дўст-ёрсиз, аёл дунёси, оила ҳаловатларидан бегона, ушбу маслаги йўлида ўзини қурбон қилади. Унга на лавозим, на илмий даража керак. Ҳеч нарса! Маслак, мақсаду мурод. Номсиз-нишонсиз оролда у ўз тажрибаларини бошлаб юборади ва одам ясашга жон-жаҳди билан киришиб кетади. Мана, унинг қуйидаги гапига қулоқ тутинг: «Ўша (ясалган жонзот — *Т.Ж.*) қўлига тушган нарсанинг ҳаммасини бошини еди. Уни ушлаймиз деб икки кун овора бўлдик. Тасодифан занжирдан бўшаб кетган эди, қочади деб ким ҳам ўйлабди. Ўзи энди ясалаётган нарса эди. Шунчаки тажриба қилаётувдик... Ўзиям шунақанги нарса бўлган эдики, оёқ-қўли йўқ, калласи ақл бовар қилмайдиган даҳшатнинг ўзгинаси, ерда илонга ўхшаб судралади, кучи танасига сиғмайди, қимирлаган сари оғриқдан тўлғониб биланглайди, ернинг устида денгиз чўчқаси сузаётганга ўхшаб ҳаракатланади. У юрган йўлида нима тўғри келса, уйини куйдириб анча вақтгача ўрмонда яширин кун кечирди, изига тушганимиздан кейин оролнинг шимол томонига қараб қочди, уни ҳибсга олиш учун иккига бўлинишга тўғри келди. Монтгомери фақат сиз билан бораман деб туриб олди. Канакда эса милтиқ бор эди, қаранг, канакнинг танасини топганимизда милтиқнинг стволи «S»га ўхшаб букланган, бутунлай ғажиб ташланган эди... Иблисни Монтгомери отиб ўлдирди. Ўшандан кейин ясасам, майда-чуйда нарса-ю, фақат одам ясайин деб қўйдим».

Бу инсон тафаккурининг парвози, албатта. Доктор Моро тимсолида буюк инглиз фантаст ёзувчиси Герберт Уэллснинг хаёлий парвози. Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай интиқ маслакли одам сингари Уэллс тафаккур «қанотлари» уни қаерларга олиб бормади, не тақдирлар билан тўқнаштирмади. У ойга парвоз этди, ерга ташриф буюрган марсликлар билан уч-

рашди, улар ерни босиб олганларининг гувоҳи бўлди, кўринмас ҳилқатга айланиб кундалик турмуш можаролари ва бани одам психологиясининг не томонларини кашф этмади, вақт машинасига ўтириб, неча минг йиллар олдинга, келажакка сафар этди... Албатта, буларнинг ҳаммаси хаёл, фараз. Ўз номи ўзи билан фантастика. У ҳеч қачон юз бермаслиги ҳам мумкин. Бироқ мазкур фикримиз бир томонлама бўлиб, у фантастиканинг асл моҳиятини очишга ёрдам қилади, холос. Зеро, инсон ақл-заковати бир неча ўн йиллар олдиндан кўп нарсани башорат қила олишга қодирлиги сир эмас. Фикримизнинг далили сифатида «Доктор Моро ороли» (The Island of Dr. Moreau, 1896) ёзилганидан атиги ярим аср ўтмай, немис концлагерларида шафқатсиз жарроҳларнинг инсонлар устида олиб борган стерилизация, вивисекция, трансплантация сингари кўплаб ваҳшиёна ғайриинсоний тажрибалари Уэллс башорати, Уэллс ҳадиги, Уэллс огоҳи эмасмиди.

«Доктор Моро ороли» Уэллсга дунёвий шуҳрат келтирган «Вақт машинаси» (The Time Machine, 1895) романидан бир йил кейин ёзилган бўлиб, кўпчилик адабий танқидчиларнинг, жумладан, Ю. Кагарлицкийнинг фикрича, ёзувчи шуҳратини бирмунча «хиралаштирган» асардир. Шуни таъкидлаш лозимки, Доктор Моро қанчалик қонхўр жаллод бўлмасин, Герберт Уэллс табиий жараённи қанчалик инкор этмасин, унинг жиловини шафқатсиз олим қўлига топшириб қўймасин, унга ҳар ким ҳар қандай ёрлиқлар тақамасин, оламшумул аҳамиятга эга бўлган буюк фалсафий асар дунёга келган эди.

«Доктор Моро ороли» моҳият эътибори билан 1896 йилдаёқ Дарвин таълимоти беҳуда зоҳир бўлмаганлиги, инсон ва ҳайвонлар ўртасида маълум муштараклик мавжудлигини, табиатни бир бутун тизим сифатида тушуниш лозимлигини, инсон устида эмас, балки ҳайвонлар устида олиб бориладиган ҳар қандай тажриба ғайриқонуний эканлигини, олий мақомга

эришиб келаётган инсон фақат ўзини эмас, балки табиатни, унинг жами ҳилқатларини севишини, уларга жабр, зулм ўтказиш мумкин эмаслиги, ҳар қандай зулмнинг охири вой эканлигини исботлаган эди. Роман танқидчиларининг бирига ёзган мактубида Уэллс асарни «даҳшат уйғотувчи роман» деб ҳисоблашдан кўра моҳиятига чуқур ёндошмоқ лозим, дегани ҳам бежиз бўлмаса керак.

«Доктор Моро ороли» яна бир жиҳати билан Г.Уэллснинг бошқа фантастик романларидан фарқ қилади. Худди «Доктор Моро ороли» асарида Г.Уэллс инглиз фантастикасида тасвирийликнинг кучини кўрсатган эди... Маълумки, фантастик асар табиатига ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг макон ва замондаги муносабатларига кўра, маиший романлардан фарқ қилиши турган гап. Ушбу фарқ ўз навбатида асар қаҳрамонларининг маиший роман образларидан ўзгачалигида, сунъийлигида, метафорик характерда эканлигида, макон ва замоннинг ўта шартлилигида ўз аксини топади. Хусусан, «Доктор Моро ороли» ушбу ўлчовда мутлақо хаёлий асарга ўхшамайди. Аслида фантастик асар бош қаҳрамон Эдуард Прендик тўғрисидаги саргузашт романга ўхшаб қолган. Асар бошдан-оёқ қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Барча воқеа-ҳодисалар китобхонга Прендик нигоҳи ва гувоҳлигида етказилади. Асарни ўқиш давомида китобхон ғайриоддий қаҳрамонлар, тақдирлар, воқеалар билан юзмаюз келса-да, уларнинг ғайритабиийлигини ҳис қилмайди. Г. Уэллснинг фантастикани реаллаштира билиш иқтидори худди ана шунда ўз аксини топади. Бунга у фантастикада маиший ҳаёт талқинини бера билиш, фантастик қаҳрамонлар образини реал инсон образига яқинлаштириш, маиший деталлардан унумли фойдаланиш орқали эришадики, аслида ёзувчи маҳсули бўлган фантастик қаҳрамон тип — ҳақиқий, росмана одамга айланади, китобхонда унинг мавжудлигига, ўзига ўхшаган одамлигига заррача шак-шубҳа қолмайди.

Уэллсда деталлар шунчаки зоҳир бўлмай, бир-бирини тўлдиради. Ушбу изчиллик асосида тасвирий образ эмас, реал ҳаётий образ вужудга келади. Асар учун характерли бўлган деталлар бир қарашда асар давомида сочилиб ётгандек кўринса-да, аслида бир бутунликни ташкил этади. Бундай деталлар асар бошидаёқ учрайди, китобхонни ишонтиради, қизиқишини орттиради, асарни қўлдан қўймай ўқишга мажбур этади.

Уэллс асарларида қаҳрамон ички дунёсини очиб бериш, қаҳрамон фикр-мулоҳазаларига ҳам катта ўрин берилади. Бироқ қаҳрамонларнинг тафаккур ҳаракати асосий ўринда турмайди, балки асар мақсадига бўйсундирилган ҳолда учрайди. Уэллс XIX аср бошларида адабиётга янги кириб келган «онг оқими»ни хайрихоҳлик билан кутиб олди. Модернистик оқимнинг оталаридан бири Жеймс Жойснинг илк нашрларига кўрсатган беадад ёрдамлари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бироқ кўпчилик замондошлари қатори Уэллс ҳам «онг оқими» адабиётини ўзига тўлақонли сингдира олмади. Ж. Жойснинг «Улисс»и билан танишиб чиққач, у шундай фикрга келган эди: «Сиз асли католиксиз, бошқачароқ қилиб айтганда, Сиз борлиққа бутунлай қарама-қарши нуқтаи назардан боқасиз. Сизнинг онгингиз мудҳиш инкорлар гирдобига тушиб қолган. Сиз ахлоқий софликка, шахсий ҳудонгизга шубҳасиз инонасиз, шу боис доимо оҳу воҳ чекасиз... Сизнинг асл иддаонгиз — қарши турмоқ ва орани очиқ қилмоқ. Менга келганда мутлақо бундай эмас. Энди Сизнинг адабий фаолиятингизга келсак, бу билан Сиз бирон нарсага эришасиз, дея олмайман. Сиз оддий, одми фуқародан юз ўгиргансиз, уларнинг кундалик турмуш эҳтиёжлари Сиз учун аҳамиятсиз. Уларнинг замонга нисбатан, идрок қобилиятига нисбатан чекланганлиги Сиз учун бефарқ. Сиз эса бор иқтидорингизни ишга солдингиз. Хўш, натижаси? Турган-битгани топишмоқ, бошқотирма. Ким билади, Сиз ҳақдир-

сиз. Ахир орқангизда жойсчиларингиз бор. Майли, ўшалар Сизни давом эттирсинлар. Менга эса бу — боши берк кўча».

Ҳар бир соҳада ҳам биргина муваффақиятли «ярқ» этган топилманинг яралиши унинг эгасига дарҳол шуҳрат келтиради. Доктор Моро оролига қадар атиги бир йил олдин ёзилган «Вақт машинаси» Герберт Уэллс ижодидаги ана шундай тақдирли асар эди. «Вақт машинаси» журналистликка боши билан шўнғиган Уэллснинг шу соҳадаги изланишлари самарасидир. Г.Уэллс нуфузли матбуотларнинг биридан қатор илмий-оммабоп асарлар учун буюртма олади ва бунинг натижаси ўлароқ «Вақт машинаси» дунёга келади. Г.Уэллснинг ушбу илк романини адабий жамоатчилик шов-шув билан кутиб олади ва у тез орада Уэллс номини машҳур этади. Асар қаҳрамони Уэллс учун типик бўлган илмга ташна, шаддод олим вақт машинасини ихтиро этади ва эрамиздан 802701 йилга, келажакка парвоз этади. Дастлаб қаҳрамон кўзи ўнгида ажойиб, башарият ҳамиша орзу этган жаннатмакон олам, ўта чиройли ва келишган соф, бироқ майда ва мўрт жамоа — элойлар намоён бўлади. Кишилик жамиятининг бахтли интиҳоси. Воқеалар ривожлана боргач, Уэллс учун характерли бўлган контраст юз беради. Қаҳрамон — олим саодатли жамиятнинг яширин ва қора томонлари гувоҳи бўлади. Ер юзидаги тўкин-сочин ҳаёт ер остидаги манқуртлар — марлоклар меҳнати эвазига амал қилинишини кашф этади. Рамзий маънодаги элойлар ва марлоклар, Уэллс яшаб турган жамиятдаги социал табақаланишни чуқур ифода этиб, ижтимоий антагонизм объектив-тарихий категория, ҳар қандай жамият структурасининг таркибий қисми эканлигини исбот этади.

«Доктор Моро ороли» асаридан бир йил кейин яратилган «Кўринмас одам» (The Invisible Man, 1897) 31 ёшли Г. Уэллс адабий шуҳратининг боқийлигини яна бир карра исботлади. Мазкур асар қаҳрамони энди вақт

машинасини ихтиро этган физик ёхуд узоқ ва кимсасиз оролдаги иқтидорли жарроҳ доктор Моро эмас, балки илмий ғояси сира ўзига тинчлик бермаган, тажрибасини ўзида синаб кўрган ва натижада кўринмас одамга айланган Гриффин эди. Бир қараганда, мавзу янгилик эмас. Халқ орасида кўринмас руҳлар, уларнинг сезилмас ҳаракатлари, эртакларда жинларнинг тўсатдан кўздан йўқолиши ва бошқалар тез-тез учраб турадиган ҳодисалардир. Иложи бўлса, кўзга кўринмай ғойибона не-не ишларни қилишни орзу этмайди одам! Уэллс тасвирийлиги бу ерда ҳам ўз қудратини намойиш этади. «Бироқ Уэллс, — деб ёзади Б.А. Гиленсон, — ҳақиқий табиий илмий иқтидорга эга бу ёзувчи гипотик саробий характердаги пуч хаёлга ҳам росманалик касб эта олган».

Гриффин машаққатли уринишлари эвазига машҳур физик постулатни амалга оширади ва ўзида синаб кўради: унинг танаси ёруғликни акс эттирмай, ўзига сингдирмай ва ютмай қўяди, натижада Гриффин кўринмас одамга айланади.

«Кўринмас одам» яна шуниси билан диққатга сазовор эдики, олдинги романлардек энди воқеа-ҳодисалар аллақандай сунъий жойларда эмас, китобхонга қадрдон, уни бевосита ўраб турган муҳитда содир бўлади. Энди нозиктаъб ва ўжар, эгоист ва қасоскор Гриффин ғаройиб имкониятларга эга бўлади ва ўзининг манфур ниятларини амалга ошира бошлайди. Шаҳарчада ғаройиб шарпа пайдо бўлади, Айпнинг аҳолиси ёхуд меҳмонхона хўжайини, ёхуд руҳоний, муаллим фақат кийим-бошнинг жонли одамдек ҳаракатланаётганини, ёхуд бирон нарсага жон кириб кетганини, ёки ўзига нимадир тегинганини, гоҳида йўқ ердан зарба еганини ҳис қиладилар. Кулгили ҳолатлар, ур-сур тўполон, қоч-қоч... Охир-оқибатда ғаройиб «ажина» жамиятда бегоналигича қолади ва безор бўлган оломон томонидан калтаклаб ўлдирилади.

Романда Уэллснинг яна илмга бўлган интиқлиги,

илм, ҳар қандай илмий янгилик шахс манфаатига эмас, балки кўпчилик эҳтиёжига хизмат қилиши лозимлиги, акс ҳолда фожиага олиб келиши очиқ-ойдин ўз аксини топган. Илмда ғаразлик, манфаат йўлида фойдаланиб бўлмасликка, у эзгуликка қаратилган бўлишига яна бир карра имон келтирамиз. Асар ниҳоясида қувлаб, калтаклаб ҳаллослаган таъқибчилар кўзи ўнгида юзтубан ётган ўттиз ёшлар чамасидаги йигитнинг яланғоч пажмурда гавдаси аста-секин шамойилга кираркан, оломон иблис эмас, оддий, ўзи сингари инсоннинг фожиаси гувоҳи бўлади.

«Кўринмас одам», — деб ёзади Ю. Кагарлицкий, — чуқур социал-психологик романдир. Дарҳақиқат, фантастиканинг уэллсчасига реализмга айланиб кетиши, Уэллс ипидан-игнасигача биладиган ва ҳис қиладиган маиший турмуш икир-чикирлари, халқ психологияси фантастика билан шу қадар уйғунлашиб кетганки, асарни ўқиганда китобхон унинг фантастик роман эканини бутунлай унутиб қўяди. Ушбу асари билан Уэллс фантастика осмонда эмас, шубҳасиз ёнимизда, кўз ўнгимизда эканини исбот этади».

«Кўринмас одам»дан сўнг «Дунёлар жанги» (The War of the Worlds, 1898) дунёга келди. Мазкур романда Г. Уэллс ўзини ташвишга солаётган муаммо — жамиятда борган сари ривожланиб бораётган шахс дегуманизми масаласини кўтаради. Асарга космик сюжет асос қилиб олинган, деярли одам тушунчасига сиғмайдиган жинссиз сунъий марсликлар ерга тушадилар ва одамзот билан улар ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланади.

Насл-насаби узоқ ерлик бўлган марсликлар ўз аждодларидан ўта узоқлашиб кетганлар, уларга ҳис-ҳаяжон аллақачон ёт, ҳатто одамнинг қонини вампирдек сўриб, азоб бериш ва ўлдириш улар учун ҳаётий лаззат. Шуниси диққатга сазоворки, Уэллснинг бу қаҳрамонлари ҳам худди кўринмас одам каби оддий бандаларга қондош ва жондош. Бинобарин, ушбу ҳолат одамни ҳар қандай бало инсоннинг ўз оёғи остидан

чиқади, жамиятдаги салбий табақаланиш пировардида ҳалокатга олиб боради, деган фалсафий фикрга ундайди.

«Дунёлар жанги» мавзуси ва ғояси Уэллсда анча илгари, талабалик чоғларидаёқ туғилган эди. 1885 йили у талабалар жамияти йиғинларининг бирида «Инсон ирқининг ўтмиши ва келажаги» номли рефератини ўқийди, бироз муддат кейинроқ «Миллионинчи йиллар киши си» очеркини ёзади. Ю. Кагарлицкийнинг ёзишича, Уэллс ўша даврларда эволюция муаммолари билан қизиқади, эволюция аллақачон барҳам еди, деган қарашларга қарши туради. Худди шу аснода у миллионинчи йил киши си қиёфасини чизади: у бизга мутлақо ўхшамайди, эволюция инсон тана қисмларининг деярли ҳаммасига таъсир кўрсатади, аъзолар ўзгаришга юз тутадилар. Масалан, инсон қўли янада кучли ва ихчамликка томон ривожланади, нозик ҳаракатларга мослашади. Бошқа мускуллар эса кучсизланиб, бир-биридан деярли фарқи қолмайди. Ўта ривожланган миянинг қутиси — бош ғайритабиий катталашади, олдингига ўхшамай қолади: юз ифодалари йўқолади, қулоқлар, бурун, қош таги ёйлари бўртиқлигини йўқотиб, текисланиб кетади, оғиз билан жағ кичкина бўлиб қолади. Тараққий этган кимё озиқ-овқатни таблеткаларга айлантиради, улар тайёр озуқа ҳолида бўлгани учун ошқозон фаолиятига эҳтиёж қолмайди, ошқозон барҳам ейди, ҳатто одам нафас олгани сингари озиқ моддаларга атроф-муҳитдан тўйинаверади, миллионинчи йиллар «ошхона-ресторанлари» улкан ҳавзалардан иборат бўлади, озиқланиш учун ҳавзаларда чўмилишнинг ўзи кифоя қилади.

Вақт ўтган сайин инсон ҳайвонлар дунёсидан узоқлашиб борар экан, унда ҳис-ҳаяжон барҳам топади, мантиқий, ҳис-ҳаяжонсиз тафаккур қобилияти ривожланади. Буларнинг барчаси аллақачонлар Уэллс онгидан ўрин олиб, сўнг марсликлар тимсолида «Дунёлар жанги» романига айланди. Таъкидлаш лозимки, ушбу

муаммолар мазкур роман мундарижасидан четга чиқиб ўзга асарлар саҳифаларида ҳам турли хилда акс этади ва ўзининг мантиқий чўққиси томон ривожлантирилади.

Келажак учун қайғуриш, башарият тақдиридан хавотирлик «Ухлоқ одам уйғонса» (When the Sleeper Wakes, 1899) романида яна ўзгача оҳангда жаранглайди. Бутун борлиқнинг ягона эгасига айланаётган йирик монополистик капитал диктатураси халқ қаршилигига учраб дарз кетади. Сўнгра эса «Ойга чиққан биринчи одамлар» (The First Men in the Moon, 1901) яратилди ва унда меҳнат тақсимотининг ғайриинсоний томонлари очиб берилди. Кейинги фантастик асарларида Г. Уэллс алоҳида қувватдори кашф этилгани, уни истеъмол қилган одамнинг бўйи ақл бовар қилмас даражада ўсиб кетиши, жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривож топган девсифат одамлар ҳақида ҳикоя қилади («Худолар таоми», The Food of the Gods and How it Comes to Earth, 1904). Сирли комета пайдо бўлгани, унинг одамларга самарали таъсири ҳақида «Комета кунида» (In the Days of the Comet, 1906), ҳарбий авиация ривожи ва келажаги, атом уруши ҳақида эса «Ҳаводаги жанг» (The War in the Air and Particularly How Mr. Bert Smallways while it Lasted, 1908) да ўқиймиз, ғаройиб фан ютуқлари, яна ўша Уэллс тасвирийлигининг асосий унсурларидан бири контраст образлиликнинг гувоҳи бўламиз.

Юқорида санаб ўтилган асарлар Герберт Уэллс номини буюк фантаст сифатида кишилик тарихига абадий муҳрлади ва инсон заковатининг қанчалик шиддат билан олдинга интилишини, башорат қудратини исбот этди. Чунончи, Уэллс башоратлари ҳозирги авлод учун мўъжиза эмас. Ҳарбий техниканинг инсон ақли бовар қилмайдиган даражадаги ривожи, стратегик ракеталар, юлдуз мудофааси, космик парвозлар, ойга қўниш, нурли қуроллар, тиббий ютуқлар кечагина Уэллс хаёли эди.

Гарчанд фантастик асарлар Уэллс номини оламга ёйган бўлса-да, бу кучли ва кенг иқтидор эгаси ушбу адабий мерос билан чегараланиб қолмайди, маиший романлар бобида ҳам баракали ижод этади. Маиший асарларида у ўз даври ҳаётининг кенг ижтимоий манзарасини яратди. Ҳаётни ҳар томонлама чуқур идрок қилган, ўрта табақага мансуб Уэллс болалик кезларида гувоҳи бўлган қадрдон жойлар, сиймолар, воқеа-ҳодисалар, тақдирлар чизгиларини барпо қилади. Шу боис унинг маиший мавзудаги романлари автобиографик характерга эгадир.

Герберт Уэллс 1866 йили Лондоннинг биқинидаги Бромли шаҳарчасида боғбон оиласида дунёга келди. Аввалда боғбонлик билан шуғулланган отаси Жозеф Уэллс спортга қизиқар ва омадини крикет ўйинида синаб кўрмоқчи бўлади. Дастлаб крикет унга яхши даромад келтира бошлайди ва у тез орада бутунлай профессионал крикетчига айланади. Аммо бу ҳам узоққа бормайди, Жозеф идиш билан савдо қилувчи дўкон очади, омадсиз Жозеф нима ишга қўл урса, охири муваффақиятсиз тугайди. Уэллснинг онаси Сара Уэллс рўзғор юкини енгиллаштириш учун туну кун ишлайди, ўзига тўқ оилаларнинг бирида иқтисодчилик қилади. Ушбу хонадон кейинчалик Уэллснинг «Тоно Бенге» (Tono-Bungay, 1909) романида ўз аксини топади. Болалар тақдирига Жозефга нисбатан Сара кўпроқ қайғурар, хаёлан оила мануфактура билан шуғулланса, болалар унга жалб этилса, гўё ҳаётий муаммолар, турмуш ташвишлари барҳам топадигандай, Бертидан (Гербертни қисқача шундай атар эдилар) ҳам биноийдек мануфактурачи чиқадигандай кўринарди. Нима деган гап, олдин шогирд тушишади, кейин бошқарувчи, қарабсанки — мануфактура эгалари. Бироқ онаизорнинг бу орзулари рўёбга чиқмайди. Ўн уч ёшидан ишлашга мажбур бўлган Берти вазифасидан кўра китобни кўпроқ ўйлар, имкон топди дегунча ёлғиз, яширин ўқиш, хаёл суриш билан машғул бўларди. Китобга муҳаббат Бертининг ёшлигида оёғи синиб узоқ вақт

кўрпага қадалиб қолган чоғида уйғонган эди. Кўп ўқиган Берти тенгдошлари ичида ақлан етук, билағон ва ҳушёр эди, мануфактурага ишга кириши боис узилиб қолган мактабда ҳам энг аълочилардан бири саналарди. Онасининг раъйини қайтара олмаган Герберт мануфактурага кассир бўлиб ишга ёлланади, бироқ дилига ўтирмаган бу ишда узоқ ишлай олмайди. Мактабда муаллимлик қиладиган тоғаси Алфред Уилямсга шогирдликка тушади. Гербертда ўчмас из қолдирган ўша давр ҳаёти ва тоғаси Алферд Уилямс «Севги ва мистер Левишем» (Love and Mr. Lewisham, 1900) романидан ўрин олган. Мазкур асарни ёш Уэллснинг пессимистик руҳдаги биографияси, десак ҳам янглишмаймиз. Левишем образи балки худо ёрлақаган Уэллснинг умр бўйи тирикчилик ташвишида меҳнатдан бош кўтармаган омадсиз, қадрдон тоғасига қўйган ҳайкали бўлса ажаб эмас. Кейинча дорихонада, тижорат дўконларида ишлаган Уэллс ўзининг меҳнат машаққатларини «Киппс» (Kipps, the Story of a Simple Soul, 1905) романида қаламга олади. Ота-онаси ва ўз ҳаёти чизгиларини «Мистер Полли тарихи» (The History of Mr.Polly, 1910) романида яна бир бор учратамиз. Худди шу даврларда у маиший характердаги «Анна Вероника» (Ann Veronica. A Modern Love Story, 1909), «Уйланиш» (Marriage, 1912), «Сер Айзек Норманнинг рафиқаси» (The wife of Sir Isaac Norman, 1914) асарларини ҳам ёзди.

Илмга ташна, тиришқоқ Уэллс турмуш оғирликлари, тақдир ўйинларига қарамай, Лондонга келади ва Нормал мактаб талабасига айланади. У табиий фанлар билан шуғулланиб, физиология, анатомия, биологияни қунт билан ўрганади, илмий лабораторияларда тажрибалар ўтказади. Тақдир бу ерда уни машҳур табиатшунос, туғма олим Томас Хаксли (Thomas Huxley, 1825–1895) билан учраштиради ва у Хакслига шогирд тушади. Истеъдодли олим ёш Уэллс талантини дарҳол ҳис қилади ва унга «олим ва гуманистнинг ўта камчил пайванди» деб баҳо беради. Маълум фур-

сатдан кейин Уэллс олимлик унвонига эришади ва иккита мактаб дарслиги чоп эттиради.

Бироқ ёзувчиликка бўлган интилиш барча мақсадларидан устун келади ва у 1893 йилларидёқ ўзининг илк эссе ва новеллаларини нашр эта бошлайди. Уэллс новеллалари ўта серқирра, юмор ва лиризмга бойдир. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири кундалик маиший турмуш мавзусининг фантастика билан уйғунлашиб кетишидир. Уэллс новеллалари ва ҳикоялари унинг фантастик шоҳ асарлари билан бир даврда ёзилган ҳамда чоп этилган. «Вақт машинаси» билан бир пайтда «Ўғирланган бацилла ҳамда бошқа воқеалар» (The Stolen Basillus and Other Incidents, 1895), ундан сўнг эса қатор шингил ҳикоялар тўпламлари – «Плэтнер тарихи ва бошқалар» (The Platner Story and Others, 1897), «Макон ва замон ҳикоялари» (Tales of Space and Time, 1899), «Ўн икки ҳикоя ва туш» (Twelwe Stories and a Dream, 1903), «Кўзи ожизлар мамлакати ва бошқа ҳикоялар» (The Country of the Blind and Other Stories, 1911) босмадан чиядди.

Герберт Уэллс машҳур ёзувчигина бўлиб қолмасдан, балки ўз замонаси ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. Қозонган эътиборини, иқтидори ва кучини ўз қарашларини ҳимоя этишга, жамият ҳаётига ижобий ҳисса қўшишга сарфлади. У дунёнинг барча узоқ-яқин нуқталарида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳушёр муносабатда бўлди. Авж олиб келаётган фашизмга қарши ҳаракатнинг энг асосий ташкилотчи ва курашчиларидан бирига айланди. Қатор ижтимоий-публицистик асарлар, роман-трактатлар битди. Жумладан, «Башоратнома» (Anticipation of the Reaction of Mechanics and Sientific Progress upon Human Life and Thought, 1901), «Башариятнинг туғилиши» (Mankind in the Making, 1903) фикримизнинг далилидир.

Деярли барча жанрларда ижод этган шоир ва романист, фантастик ва маиший асарлар устаси, илмий трактат ва дарсликлар, киносценарий ҳамда мемуар-

лар муаллифи, публицист ва ҳужжатнавис, адабий танқидчи ва фаол жамоатчи, буюк иқтидор эгаси Герберт Уэллс эллик йилдан зиёд адабий фаолияти давомида авлодларига 110 та ўлмас асар қолдирди.

Уэллс автобиографик асар ёзишда ҳам ақлни лол қолдирди. 1934 йили у ўз биографиясининг икки томлигини чоп этди, учинчиси эса 1984 йили чиқди. Биринчи икки томликда Уэллс 1930 йилгача бўлган ҳаётини қамраб олади, сабаб, ўз фикрига кўра ёзмоқчи бўлган одамларининг ҳаётлиги эди. Ю. Кагарлицкийнинг келтиришича, Уэллс учинчи томни ҳам ёзади, бироқ ундаги энг сўнгги тилга олинган аёл дунёдан ўтмагунча, китобни нашр этмаслик талабини қўяди. Бу «сўнгги тилга олинган аёл» — таниқли адиба Ребекка Вест эди.

Буюк фантаст 1946 йили дунёдан кўз юмган бўлса, ўз ортида уч томлик биография қолдирган бўлишига қарамай, унинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш, ўрганиш, уни атрофлича кашф этиш бир дақиқа сўнгани йўқ. 1973 йили турмушдош Маккензиларнинг «Вақт сайёҳи» китоби босмадан чиқди. Улар Уэллс ҳаётини ипидан-игнасигача чуқур самимият ва садоқат билан ўрганди-лар, ҳатто ёзувчи ўз биографиясида йўл қўйган хатоларни ҳам тузатишга муваффақ бўлдилар. Қолаверса, Ребекка Вест ҳам Уэллс билан ораларидаги муносабатни узоқ яшириб ўтирмади. 1984 йили адибанинг ўғли Энтони Вест Уэллс ҳақидаги биографик китобни нашр этди. Кўриниб турибдики, бор иқтидори ва салоҳиятини авлодлар учун сарф этган сермаҳсул табаррук инсоннинг қадр-қиммати асрлар оша устувор бўлажак.

Тилаволди ЖЎРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

МУНДАРИЖА

I б о б. «Леди Вейн» кемасининг қайиғида 3
II б о б. Манзили нотайин одам 6
III б о б. Антиқа қиёфа 10
IV б о б. Борт олдида 15
V б о б. Оролга тушиш 19
VI б о б. Баркасдаги бедаволар 24
VII б о б. Қулф эшик 29
VIII б о б. Пуманинг қичқириғи 34
IX б о б. Ўрмондаги тўқнашув 38
X боб. Одамзод фарёди 48
XI б о б. Одам изидан ов 52
XII б о б. Қонун жарчилари 59
XIII б о б. Музокара 68
XIV б о б. Доктор Моронинг тушунтиргани 74
XV б о б. Ҳайвонсифат одамлар таърифида 88
XVI б о б. Ҳайвонсифат одамлар қон таъмини туйдилар 94
XVII б о б. Фалокат 109
XVIII б о б. Моро топилди 115
XIX б о б. Монтгомерининг «байрами» 120
XX б о б. Махлуқлар орасида ёлғиз 128
XXI б о б. Ҳайвонсифат одамлар асл ҳолига қайтдилар 135
XXII б о б. Танҳоликка мубтало 148

Мумтоз фантаст *(Тилаволди Жўраев)* 153

Адабий-бадиий нашр

Герберт Уэллс

ДОКТОР МОРО ОРОЛИ

Роман

Рассом *М. Йўлдошев*
Муҳаррир *Д. Исмоилова*
Бадиий муҳаррир *И. Йўлдошев*
Техник муҳаррир *У. Ким*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*
Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09.
Босишга 7.04.2011 да рухсат этилди. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 8,82. Нашр табоғи 8,25.
Адади 5000. Буюртма № 11-37.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 344-38-10.
e-mail: iptduzbekistan@mail.ru www.iptd-uzbekistan.uz

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-657-6